

402  
403  
404

Ўттиз тўртинчи йил чиқиши  
Ражаб, шаъбон, рамазон 1441х  
Март, апрел, май 2020м



Кенг кўламли,  
фикрий, сақофий журнал

# Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

Янги глобал тизим етакчилигига Исломий Халифаликдан

Ўзга альтернатива йўқ

Чунки фақат угина халоскордир...

Ҳозирги глобал тизим...

Коронавирус унинг жон томирига зарба берадими?

- Ислом башариятни бошқаришга, омадсиз капитализм келтириб чиқарган кризисларни ҳал этишга қодирдир
- Умнатдаги энергия кўзланган ўзгартиришни амалга ошириш учун етарлидир
- Умнат Фарб билан бўлган курашини узил-кесил ҳал қилиш арафасида
- Амвос ўлати ҳақидаги маълумотлардан



402  
403  
404

Ражаб, шаъбон,  
рамазон 1441ҳ  
Март, апрел  
май 2020м

- Ливан 1000 лира
- Яман 30 риёл
- Туркия 1 доллар
- Покистон 1 доллар
- Австралия 2,5 доллар
- Америка 2,5 доллар
- Канада 2,5 доллар
- Германия 2,5 евро
- Швеция 15 крон
- Бельгия 1 евро
- Швейцария 2 франк
- Австрия 1 евро
- Дания 15 крон

## Ушбу сонда

- **Кириш:** Ушбу сон ҳақида..... 3
- **Ал-Ваъй сўзи:** Ҳозирги глобал тизим...  
Коронавирус унинг жон томирига зарба берадими?  
Янги глобал тизим етакчилигига Исломиё  
Халифаликдан ўзга альтернатива йўқ, чунки фақат  
угина халоскордир..... 8
- **Ҳизб ут-Таҳрир...** унинг ўзгартириш ва  
Халифаликни барпо этишдаги қонуни Аллоҳнинг  
ушбу каломидagi қонундир: «(Бу) *сиздан илгари  
юборган пайгамбарларимиздан қолган йўлди-  
қонундир. Сиз ҳаргиз Бизнинг қонунимиз  
ўзгарганини кўрмайсиз*» .....21
- Халифалик кулатилганининг 99 йиллик хотираси  
муносабати билан Ҳизб ут-Таҳрир ўтказган  
тадбирлар (ҳижрий 1441, милодий 2020 йил) .....42
- Ислom башариятни бошқаришга, омадсиз  
капитализм келтириб чиқарган кризисларни хал  
этишга қодирдир .....62
- Умнатдаги энергия кўзланган ўзгар-тиришни  
амалга ошириш учун етарлидир .....78
- Умнат Ғарб билан бўлган курашини узил-кесил  
хал қилиш арафасида.....88
- Коронавирус... Муслмонлар ва дунё халқлари  
ўзларини қутқариш учун Ислom таълимотларига  
муҳтождирлар .....96
- Коронавирус касаллиги ҳақидаги савол-жавоб  
нашрамиз хусусида келган сўровларга жавоблар ..99
- Амвос ўлати ҳақидаги маълумотлардан ..... 107
- **Олам муслмонлари хабарлари**..... 111
- **Қуръони Карим суҳбатида**..... 117
- **Жаннат боғлари**..... 127
- Коронавирусни баҳона қилиб, рамазон ойида  
ибодатларни тўхтатишмоқчи ..... 133
- **Сўнгги сўз:** Глобал вирус кризиси: Ғарб Ислom  
таълимотларининг мумтозлигига эътиборни  
қаратмоқда ..... 135
- **Экспертлар:** Кризисдан сўнг дунё олдинги  
ҳолатида қолмайди ..... 136





## УШБУ СОН ҲАҚИДА

Ал-Ваъй журналининг бу йилги махсус сони дунёдаги барча давлат ва халқлар коронавирус сабабли дахшатли вазиятда яшаётган бир пайтда чиқмоқда. Зеро, деярли кўзга кўринмайдиган кичик бир каттол вирус инсониятни ярмини ёки учдан бирини ёхуд тўртдан бирини қириб юбориш билан таҳдид солиб, асосан, Ғарб ҳазоратини курашга чорламоқда. Чунки бу иллат биринчи навбатда АҚШ, Европа каби Ғарбнинг катта-катта жиноятчи давлатларига, шу жумладан, Хитойга хужум қилиб, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, барча соҳаларда, тузумлари сохта ва яроқсизлигини фош қилди. Бу хужум натижасида Ғарб ҳазорати ишқомлари хувиллаб қолган ҳазорат экани, емирилиш жари ёқасига келиб ҳалокатни кутиб тургани яққол кўриниб қолди. Мана, бу давлатларнинг дахшатдан миялари айниб қолган раҳбарлари коронавирусдан кейин ҳолат илгаригидек бўлмаслиги тўғрисида қатор баёнотлар беришди... Мисол учун: «Гардиан газетаси, 2020 йил 21 март: Инсоннинг табиатни вайрон қилиши Covid-19ни келтириб чиқарди». «Британия газеталари, 2020 йил 22 март: Коронавирус етти кунда дунёни остин-устин қилиб, йирик давлатларни мағлубиятга учратди». Шунингдек, «Янги глобал тизим дунёга келмоқда», «Ҳозирги глобал тизим ўзгаради», «Covid-19 дунёдаги етакчилик йўналишини ўзгартириб, глобаллаштиришнинг янги шаклини чизмоқда» каби қатор сарлавҳалар дунё ақлини банд қилиб, ташвишга солмоқда, ўзига қаратмоқда. АҚШ сиёсатидаги йирик дарғаларнинг каттаси, ўтмишдаги тулки Киссинжер айни вазиятга биринчилардан бўлиб баҳо бериб, «коронавирус пандемияси дунё тизимини тоабат ўзгартириб юборади», дея хатар бонгини урди.

Бу – Ал-Ваъй томонидан аввалдан диққат қаратиб келинган ва қаратилаётган бир ҳақиқат бўлиб, бугунги воқелик ҳам унинг айтган гапларини тасдиқлаб турибди. Дарҳақиқат, журналимиз Ғарбнинг капиталистик системаси ўз муваффақиятсизлигини исботлаганига, инсоният етакчилиikka яроқли бўлган ҳазорий альтернативани излаётганига диққатни қаратиб келди. Бундан ташқари, Ал-Ваъй журнали кутилаётган ўзгариш Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликни барпо этишдан иборатдир, кутилаётган глобал тизим – инша Аллоҳ – ушбу Халифалик етакчилиги остида бўлади, эртанги кун эса, кутаётган киши учун яқиндир, дея Ғарб расмийлари айтган гаплардан кўра каттароқ гапларни айтиб келмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ал-Ваъйнинг ушбу маҳсус сонидagi мақолалар бир неча босқичларга бўлинди. Биринчи босқичда журнал анча вақтдан бери башорат қилиб келаётган йўналишни исботлайдиган мавзуларга тўхталиб ўтилди. Унинг Ал-Ваъй сўзи мақоласига **«Ҳозирги глобал тизим... Коронавирус унинг жон томирига зарба берадими? Янги глобал тизим етакчилигига Исломий Халифаликдан ўзга альтернатива йўқ, чунки фақат угина халоскордир»**, номли сарлавҳа берилди. Унда қуйидаги мазмунда сўз юритилади:

Капиталистик ҳазорат бутун инсоният учун, ҳатто ўзининг халқи учун ҳам хавфга айланди. Энди унга альтернатива қидирмок даркор. Тарих мобайнида эпидемия ва ўлатлар тарқалиши бир қиролликлар кетиб, янги қиролликлар келишида аниқ из қолдирган... Агар Ғарб ҳазорати кучли бўлганда бу вирусни енга олган бўларди, лекин у заиф, чирик ҳазоратдир. Унинг айбу нуқсони шу вирус тарқалиши даврида бутун дунё халқларига очилиб қолди. Унинг ҳолати аввалгидан ҳам кўпроқ заифлашди ва ёмонлашди... Бугунги кунда бутун дунё Ғарб билан рақобатлаша оладиган бирорта ҳам ҳазорат йўқ, фақат Исломгина мавжуд, деб ҳисобламоқда. Тўғри АҚШ билан Хитойнинг рақобатлашиши турган гап. Лекин уларнинг бу рақобатлари туб глобал ўзгаришга олиб бормади. Балки, АҚШ ва Хитойдан иборат икки қутбли дунё пайдо бўлишга олиб келиши мумкин, холос... Шундай экан, Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифаликсиз ҳақиқий ўзгариш ҳаргиз амалга ошмайди, унинг эзгулиги мусулмону ғайримусулмонларга етиб боради. Коронавирус Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло томонидан келганлиги учун нусрат учун бериладиган ёрдам ҳам Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло томонидан келади.

Биринчи босқичдаги иккинчи мавзу **«Ҳизб ут-Тахрир... унинг ўзгартириш ва Халифаликни барпо этишдаги қонуни Аллоҳнинг ушбу каломидagi қонундир:**

﴿سُنَّةَ مَنْ قَدْ أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ مِنْ رُسُلِنَا وَلَا تَجِدُ لِسُنَّتِنَا تَحْوِيلًا﴾

**«(Бу) сиздан илгари юборган пайғамбарларимиздан қолган йўл-қонундир. Сиз Бизнинг қонунимиз ўзгаришини ҳаргиз гувоҳи бўлмайсиз»**», сарлавҳа остида бўлди. Ушбу мавзуда Ҳизбнинг ўзгартиришдаги фаолияти худди Росулulloҳ ﷺ ва аввалги анбиёларнинг фаолияти билан бир хил экани ҳақида сўз юритилиб, бугунги кунда Халифалик кулатилганига бир аср бўлган экан, Росулulloҳ ﷺнинг қуйидаги сўзлари эслатилди:

«إِنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ عَلَىٰ رَأْسِ كُلِّ مِئَةٍ سَنَةً مِّنْ يُجَدِّدُ لِهَذِهِ الْأُمَّةِ أَمْرَ دِينِهَا»

**«Аллоҳ бу Умматга ҳар юз йилнинг бошида дини ишларини янгилаб-ислоҳ қилиб берадиган зотни юборади».**

Шунингдек, мавзуда Ҳизб айнан анбиёларнинг даъватдаги қонунини бошдан кечиргани таъкидланади, масалан, ёлғончига чиқариш, қийноққа солиш, бадном қилиш, заифлик ва ёрдамнинг озлиги ҳамда нусратнинг кечикиши... каби ҳолатларга юз тутиш каби. Бунга қўшимча, қуйидагилар ҳам баён қилинди: биз барча босқичларда Росулulloҳ ﷺ дан тўлиқ шаклда ўрнак олиб, нусрат дарвозалари олдига етиб келдик ва бу дарвоза калитлари ёлғиз Аллоҳнинг қўлида бўлиб, Ўзидан бошқа уларни ҳеч ким очмайди, деб ҳисобламоқдамиз. Шунинг учун чин ихлос билан Аллоҳга дуо қилиб, бизга нусрат беришини ва Ўзининг лутфи карами ила, ушбу Уммат бошидан қора булутларни тарқатишини сўраймиз. Зеро, У Ўзи истаган ишни қилишга қодирдир.

Шундан сўнг, **«Халифалик қулатилганининг 99 йиллик хотираси муносабати билан Ҳизб ут-Таҳрир ўтказган тадбирлар (ҳижрий 1441, милодий 2020 йил)»** сарлавҳали мақола нашр қилинди. Мақола ўзгартириш ишида салмоқли вужудга айланган ҳамда бутун Ислому Умматида умид ва нажот чироғини ёққан бир Ҳизб ҳақида жонли тасаввур уйғотади. Сўнг бу босқични **«Карвонимиз амири, сизга бажонидил байъат қилдик»** номли шеър билан яқунладик.

Кейинги босқичимиздаги мавзуларда Исломининг бутун инсониятга етакчилик қилиш қобилиятига эга экани, Уммат вужудида исталаётган ўзгартириш учун етарли энергия мавжудлиги, айниқса, барча сохта башаралар фош бўлиб қолиши ортидан, бу Умматнинг курашни муваффақиятли ҳал этишга бир қадам қолгани, бунга қўзғолонлар яққол далил эканлиги баён қилинди. Бу босқич **«Халифалик қайтиши»** номли шеър билан яқун топар экан, ундаги мавзулар **«Исломининг бутун инсониятга етакчилик қилишга ҳамда омадсиз капитализм келтириб чиқарган кризисларни ҳал этишга қодирлиги»**, **«Умматнинг потенциал энергияси кўзланган ўзгартиришни амалга ошириш учун етарлидир»** ва **«Уммат Ғарб билан бўлган курашини узил-кесил ҳал қилиш арафасида»**, деган сарлавҳалардан иборат бўлди.

Кейин мусулмонларга динни барпо қилиш вазифасини билмасликларида ҳеч қандай узр-оқлов йўқлигини эслатиб, шаръий илмни баён қилдик. Шунингдек, ғолиб бўлиш ва динни барпо этишда Росулulloҳ ﷺ нинг тариқатларига эргашиш вожиб

эканини тушунтириб, мусулмонларни уларнинг бошларига соябон бўладиган Халифалик давлатини барпо қилишга ва уларни хор қилаётган хорлик давлатчаларидан воз кечишга даъват этдик. Бу босқичдаги мавзуларнинг сарлавҳалари қуйидагича номланди: «**Мусулмон кишининг Исломни билмаслигига оқлов йўқ?!**», «**Ислом давлатини барпо қилиш ва ғолиблик ҳақида ёрқин чизгилар**», «**Халифалик ағдарилиши хотирасида... Бошингизга соябон бўлажак давлатни барпо қилинг, сизни хор қилаётган шармандалик давлатчалардан воз кечинг**». Сўнги мавзуни «**Ким Исломга нусрат-ёрдам берса, қахрамон ўшадир**», номли шеър билан якунладик.

Кейин Умнатга етишмаётган раббоний уламоларнинг вазифаси ҳақида сўз юритдик. Аини мавзудаги мақолаларнинг бирида сидқидиллик намунаси ва яхшилик салафи бўлган мужоҳид раббоний олим обид имом Сарморий билан таништириб ўтдик. (Имом Сарморий имом Бухорийнинг шайхи бўлган, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин). Бу босқичдаги мақолалар сарлавҳалари қуйидагича бўлди: «**Уламолар ва исломий ҳаракатлар нега Исломга қарши қилинаётган ҳужумларга қарши турмаяптилар?!**», «**Раббоний уламолар Роббилари рисоласини елкаларида кўтариб, Ундан ўзга ҳеч кимдан қўрқмайдилар**», «**Ислом чавандози бўлган мужоҳид, обид имом Сарморий**». Сўнги мавзуни «**Баъзилар сиёсатни бир четга қўйинг, дейишади**», номли шеър билан якунладик.

Навбатдаги босқич мавзулари турли хил бўлиб, уларда Ғарбнинг ушбу покиза соф даъватга макр қилаётгани, чунки бу даъватдан фақат Аллоҳни рози қилиш умид қилингани баён этилди. Ушбу мавзулар сарлавҳалари қуйидагича бўлди: «**Умнатинг бирлаштириш лойиҳаси билан Ғарбнинг бўлиш лойиҳаси ўртасидаги курашда оммавий ахборот воситаларининг тутган ноҳолис роли**», «**АҚШ илмий марказлари ва тадқиқот институтлари ҳамда уларнинг дунёга ҳукмрон бўлиш, Ислом ва мусулмонларга қарши уруш қилишдаги роли**», «**Қарздорлик ҳамда мустамлака қилишдаги Ғарб сиёсати**», «**АҚШнинг Исломга қарши урушида Қуръони Карим маъноларининг таржимаси: Аллоҳ Китобининг манба бўлишини йўқ қилишга қаратилган махфий режа**», «**Исломизм кофир Ғарбнинг мусулмонларга тақдим қилаётган намунаси бўлиб, буни Эрдоган қабул қилиб, шунга чақирмоқда**». Босқични (эй ражаб ойи, замонимиз ўзгармоқда), номли қасида билан тамомладик.

Шундан сўнг, бугун бутун дунё ақлини банд қилаётган коронавирус ҳақидаги мавзулар босқичига ўтдик. Ушбу мавзуларда бу каби эпидемия пайтида Ислоннинг инсонлар ишини қандай бошқариши, ҳаётлари ва манфаатларини қай тарзда муҳофаза қилиши ёритиб берилди. Биринчи мавзу **«Мусулмонлар ва дунё халқлари коронавирусдан қутулиш учун Ислон таълимотларига муҳтож бўлмоқдалар»**, деб номланди. Шунингдек, Ҳизб ут-Таҳрир амирининг (Аллоҳ у кишини Ўз ҳифзу ҳимоясида асрасин) коронавирус ҳақидаги саволга жавоб нашрасини айна масалада муҳим ҳисоблангани учун қайта нашр қилишни хоҳладик. Бу саволга жавоб нашраси **«Ҳизб ут-Таҳрирнинг коронавирус касаллиги ҳақидаги сўровларга жавоблари»**, номи остида нашр қилинди. Ушбу босқични Ибн Касирнинг «Бидоя ва ниҳоя» китобидан иқтибос келтирган ҳолда, айна ваболарга чалинган мусулмонлар ва аввалги саҳобалар тарихидан бир чимдим мисоллар келтириш билан тамомладик. Бу мақола **«Амвос ўлати ҳақидаги маълумотлардан бир парча»**, деб аталди.

Кейин сўнгги босқичимиз **«Олам мусулмонлари хабарлари»**, **«Қуръони Карим суҳбатида»**, **«Жаннат боғлари»** каби Ал-Ваъйнинг ўзгармас мавзуларидан иборат бўлди. Сўнг **«Коронавирусни дастак қилиб, Рамазондаги тоат-ибодатларни бекор қилишди»**, деб номланган қисқа мақола берилди. Журналимизни одатдагидек икки кичик мақолалар билан тамомладик.

Хуллас калом, айтиш мумкинки, Ал-Ваъй журнали Ҳизб ут-Таҳрирнинг муҳим фаолиятларидан биридир. Биз Аллоҳ Субҳанаҳуга дуо қилиб, ушбу журналимизда ёзилган нарсаларнинг ақлларга жойлашини, уларни уйғотишини ва қалбларга жон киритишини, ушбу экилаётган уруғларни самарали, яхшиликларга бой ва тугамас ажрли қилишини сўраймиз. Шунингдек, Аллоҳдан амиримиз ҳаққига дуои хайр қилиб, у кишини Ўз ҳифз-ҳимоясида асраб, сабр, имон, тинчлик ва хотиржамлик билан мадад беришини, ушбу даъватдан ва биздан амиримизга ажри азим ато этишини, эртанги нусрат кунини ўз кўзлари билан кўришга насиб этишини чин юрагимиздан тилаб қоламиз. Энг лойиқ сўралгувчи ва энг яхши ижобат қилувчи Аллоҳдир.

Ҳали улар: У кун қачон бўлур? – деб сўрайдилар. Шоядқи яқин бўлса, деб айтинг! Дуоларимиз сўнггиси бутун оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамду сано айтмоқликдир. □

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## ХОЗИРГИ ГЛОБАЛ ТИЗИМ...

### КОРОНАВИРУС УНИНГ ЖОН ТОМИРИГА ЗАРБА БЕРАДИМИ? ЯНГИ ГЛОБАЛ ТИЗИМ ЕТАКЧИЛИГИГА ИСЛОМИЙ ХАЛИФАЛИКДАН ЎЗГА АЛЬТЕРНАТИВА ЙЎҚ, ЧУНКИ ФАҚАТ УГИНА ХАЛОСКОРДИР

#### **Коронавирус ҳамда унинг янги халқаро тизимга таъсири**

Коронавирус дунё давлатларини ўз домига тортиб, уларга ва уларнинг халқларига таҳдид солмоқда ҳамда шаҳар ва қишлоқларини емирмоқда. Касалхоналари вирус юктирганлар билан тўлиб-тошиб, касалларни қабул қилишдан ожиз қолди, худди урушлардаги каби энг юқори ўлим кўрсаткичлари қайд этилди. Компания ва ширкатлар фалаж ҳолатга келиб, саноатлашган давлатлар банкрот бўлиш хавфи остида қолди. Бундай аҳволга солиб қўйган ушбу офат сиёсатчини, ҳарбийни, оддий фуқарони, бою камбағални, каттаю кичикни, бой ва камбағал давлатни ўртасини ажратиб ўтирмади. Қолаверса, у Ғарб давлатларида ва АҚШда кўпроқ тарқалди. Ғарб шунча илм-фан, техника ва улкан ҳарбий даражада тараққий топганига қарамай, вирусни тўхтатиб қолишга, тарқалишини олдини олишга қодир бўлолмади. Зеро, у Ғарбдаги ҳаёт тарзини кескин ўзгартириб юборди. Кўчалар, компаниялар, ресторанлар, сайёҳлик жойлари ва ибодатхоналар бўм-бўш бўлиб қолди. Коронавирус ортида бирор бир давлатнинг ифлос қўллари турибдими, вирус тарқалиши ўша давлатнинг халқаро кураши билан боғлиқми ёки табиий келиб чиқдими, каби савол ва таҳлиллар кўпайгандан кўпайди. Унинг суръат билан тарқалиши келажакнинг қандай бўлиши тўғрисида ташвиш уйғотувчи фикрларни келтириб чиқарди. Коронавирусдан кейин ҳолатнинг аввалгидек бўлмаслиги тўғрисида ҳар хил гап-сўзлар урчиди. Ушбу эпидемия ёмон оқибатларга олиб келувчи турли хил иқтисодий, сиёсий ва глобал ўзгаришларни келтириб чиқариши тўғрисида жуда кўп таҳлиллар берилди. Оммавий ахборот воситалари улкан ишсизлик муаммолари келиб чиқиши ҳамда бу нарса одамларнинг турмуш шароитлари бузилишига ва йирик компанияларнинг банкрот бўлишига олиб келиши ҳақида, шунингдек, бундай компанияларнинг бюджетларидаги



номутаносибликни тўғрилаш учун давлатларнинг аралашishi тўғрисида хабарлар таркатди... Хуллас, глобал ҳаётда бир бузилиш юзага келиб, бу нарса ҳаёт тарзини бутунлай издан чиқариб юборишини тахмин қилишмоқда. Масалан, айрим европалик расмийлар айни вазиятни иккинчи жаҳон урушидан сўнг бутун Ғарб дунёси бошдан кечирган энг хавфли вазият, дея баҳолашга мажбур бўлишди. Эҳтимол, энг диққатга сазовор нарса бу халқаро тизимнинг ўзгариши билан боғлиқ ёки халқаро тизимда қандайдир ўзгариш юз бериши билан боғлиқ таҳлил ва прогнозларнинг чиқаётгани бўлса керак. Ушбу таҳлилий мақолалар сарлавҳаларидан баъзиларини келтириб ўтсак: «Коронавирус: бу эпидемия «янги глобал тизим»нинг туғилишига олиб келадими?!», (Би-Би-Си арабий). «Коронавирус: пандемиядан сўнг ҳеч нарса аввалгидек бўлмайди», (Би-Би-Си арабий). «Коронавирус глобал тизимни қайта қурилишига олиб келиши мумкин», (Foreign Affairs). «Коронавирус глобал тизимни ўзгартирадими?!», (Арабий 21). «Коронавирус ва глобал тизимнинг ўзгариши», (Наҳор Лубнония). Шулардан сўнг собиқ АҚШ Давлат котиби Генри Киссинжер «Уолл-стрит жорнэл» газетасига ўз хавотирларини билдириб, «Коронавирус глобал тизимни бутунлай ўзгартиради», деди. Сўнг «Ҳақиқат шуки, дунё энди коронавирусдан олдинги ҳолатдагидек бўлмайди», дея қўшимча қилди.

Ушбу мақола ва таҳлиллар фақат битта мазмунни ифодаламакда. У ҳам бўлса, коронавирус сабабли бугунги кунда глобал тизим жуда кўп муаммоларни бошдан кечирмоқда, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий... барча соҳада сурункали кризисга гувоҳ бўлмоқда. Агар бу тизим соғлом ва курашиш иммунитетига эга бўлганда эди, бундай қўрқувга ўрин бўлмасди, бу каби хавотирли мақолалар ҳам чиқмасди. Аслида, ҳозирги ушбу халқаро тизим кризисни ўз вужудида бошдан кечирмоқда. Шу сабабдан шундай огоҳлантирувлар келиб чиқмоқда.

### **Пандемиянинг тарихда глобал тизимларни ўзгаришига бўлган таъсири:**

Ушбу коронавирус оқибатларининг халқаро тизимни қанчалар ўзгартириши мумкинлиги ҳақида гапиришдан олдин, тарихга мурожаат қилсак, бу каби йирик пандемия ҳодисалари давлатлар ва режимларни урушлардаги бўлгани каби аҳволга, балки унданда ёмон ҳолатларга гирифтор этганига гувоҳ бўламиз. Ҳақиқатдан ҳам, бундай иллат ўтмишда режимларни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан тинкасини қуришиб, йиқитган ҳамда халқаро кучлар мувозанати ўзгаришини тезлаштирган. Яъни, баъзилари

илгарилаган бўлса, яна баъзилари орқада қолган. Айтилишича, бу ерда вазиятлардан жавобгар бўлган шахслар нотўғри хатти-ҳаракат қилишган, бу эса, кризислар оқибатини янада мураккаблаштириб, глобал мувозанат ўзгаришини тезлаштириб юборган. Шу нуқтаи назардан коронавирус хусусида 2020 йил 20 апрелда Вашингтон пост газетасида «Асрлар давомидаги 10та энг кучли эпидемия дунё тузилмасини ўзгартирди» номли мақола нашр қилинди. Мақолада бундай дейилди: «Тарих бизга хабар берадики, ўтмишдаги эпидемиялар юз миллионлаб инсонларни кириб ташлаши, империяларни ағдариб, ҳукуматларни парчалаши ва авлодларни тўла қатли ом қилиши ортидан дунё тузилмасини бутунлай ўзгартариб юборган».

Мисол тариқасида милодий 541-542 йилларида бўлиб ўтган ва тарихда Юстиниан вабоси, деб танилган ҳодисани эслайлик. «Унинг номи ўша касаллик тарқалган пайтдаги император Юстиниан Ининг номига нисбат берилган». Бу ҳодиса саййидимиз Муҳаммад мустафо ﷺнинг дунёга келишларидан ўттиз йил муқаддам бўлган. Вабо Византия империяси (Шарқий Рим)ни, айниқса, пойтахт Константинополни ўз домига тортди. Шу билан бирга, Сосонийлар империяси ва бутун Ўрта ер денгизи атрофидаги соҳилбўйи шаҳарларида ҳам тарқалган. Чунки у ердаги савдо кемаларини вабо юктирган бургаларни кўтариб юрган сичқонлар босиб кетган. Ўшанда Константинопол аҳолисининг 40 %и, дунё аҳолисининг 13 %и билан 26 %и йўқ бўлиб кетган. Бу ҳодиса бутун дунёни ларзага солган ҳамда энг йирик Византия империяси билан Сосонийлар империясини иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва демографик жиҳатдан буткул ҳолдан тойдирган. Натижада, дунё кучлари мувозанатининг бузилишида, кейинроқ эса, икки қутб (Византия ва Сосонийлар)нинг мусулмон фотиҳлари қўли билан ағдарилишида муҳим рол ўйнаган.

Бу воқеа бизга мўминлар онаси Оиша رضي الله عنها сифатлаган Буос жанг кунини эслатади. Мўминлар онаси бундай дейди: «Буос куни Аллоҳнинг Росули ﷺга берган куни бўлди. Чунки унда бу миллатлар бўлиниб, бирликлари парчланиб, катта зарар кўрдилар. Шунда Аллоҳ ўз Росули ﷺга уларни Исломга киритиш неъматини билан сийлади». Ўшанда Набий ﷺ Мадинада давлат барпо этишларидан олдин бу жанг Авс ва Хазраж қабилалари ўртасида бўлиб ўтган, унда иккаласининг ҳам раҳбарлари ҳалок бўлган эди. Авс раҳбари Ҳузайр Катоиб ибн Саммок (улуғ саҳобий Усайд ибн Ҳузайрнинг отаси) бўлса, Хазраж раҳбари Амр ибн

Нўмон Баёзий эди. Бу икки раҳбарнинг ўлими Росули акрам ﷺ учун улкан фурсат бўлган. Чунки раҳбарлик ўша вафот этган раҳбарларнинг ёш ўғилларига ўтиб, иккаласи ҳам Исломга кирган ҳамда Росулulloҳ ﷺга нусрат берганлар. Бунга қадар мазкур Буос жанги бўлиб ўтди ва унда қавмнинг Росули акрам ﷺга қарши чиқишлари эҳтимоли бўлган раҳбарлари ҳалок бўлди ва раҳбарлари ҳалок бўлган қавм орасидан Росули акрамнинг даъватларига қулоқ тутишни истовчилар чиқиши имконияти туғилди ва шундай бўлди ҳам.

### **Ғарбнинг коронавирус ортидан янги глобал тизим келиб чиқишидан кўрқиши:**

Шу сабабдан Ғарб бу вируснинг глобал оқибатларидан кўрқмоқда. Чунки АҚШ етакчилигидаги Ғарб ҳазорати ҳукмронлик қилаётган ҳозирги халқаро тизим банкротлик ҳолатига келиб қолди, кўплаб қалам соҳиблари ҳам уни ўзгартириш зарурлигини айтишмоқда. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, коронавирус инсоният танасига ҳужум қилишдан кўпроқ капиталистик Ғарб ҳазорати танасига ҳужум қилди. Вирус қарияларни ҳалок қилаётганини эътиборга оладиган бўлсак, унинг Ғарб ҳазоратига бўлган ҳужуми уни ҳалок этади. Чунки у ҳам қари ҳазоратдир. Биз Ал-Ваъй журнали ходимлари ҳам кўпгина мақолаларимизни айни шу мавзуга бағишлаб, Ғарб ҳазорати қулаши вақти аллақачон келганини эълон қилиб, бунга воқеликдан мисоллар келтирганмиз, шунингдек, Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик давлатининг барпо бўлиши вақти аллақачон келганини айтиб, бунга шариатдан далиллар келтирганмиз. Зотан, бу коронавирус кўплаб мусулмонлар қалбига жон киритди. Чунки улар Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло ўзининг жуда майда-арзимас бир махлуқи билан шафқатсиз бир ҳазоратни, унинг барча илмий, техник, тиббий, маърифий ва ҳарбий имкониятларини курашга чорлаганига гувоҳ бўлмоқдалар. Бу вируснинг бирор лабораторияда ишлаб чиқилганига кучли далил мавжуд эмас эса-да, бироқ у қандай ҳолатда пайдо бўлган бўлса ҳам бу вирусни бошимиздан Аллоҳдан бошқаси даф қилолмайди, деб айтишга мусулмонни ҳам, кофирни ҳам мажбур қилди. Кофир буни табиатан айтган бўлса, мусулмон имонидан келиб чиқиб гапирди. Ҳатто Трамп ва Европа ҳукуматлари ўзларининг қудрат ва имкониятларидан коронавируснинг устун эканини тан олиб, унга қарши курашаётганда Ислом динига нисбатан ижобий муомала қилишга мажбур бўлишяпти.

Ҳа, Ғарб туғенга берилиб, зулм ва исенда ҳаддан ошганди. Унинг баъзи муфаккир ва сиёсатчилари қалбига Аллоҳ ҳалок этган илгариги аждодларининг кибр-ҳавоси ва манманлиги ин куриб олганди. Мисол учун, Стивен Пинкернинг «Ҳозирги маърифат» китобида бундай дейилади: «Бугунги кунда биз энг яхши инсоний ҳолатда яшайпмиз ва бунинг сабаби кўплаб касалликлар ва очарчиликларни енгишга муваффақ бўлганимиздир. Инсонни энг олий даражадаги онгга олиб чиқдик, хабардорлик ва алоқа, фаровонлик жиҳатидан уни тарихда мисли кўрилмаган даражага кўтардик». Юваль Харари бундай деди: «Янги инсон «Gomodian», деб аталди. Чунки у инсониятни ўраб турган заифлик қондаларини енгиб ўтишга кодир бўлди ҳамда ҳар қачонгидан ҳам тўлиқ абадийликка етишишга деярли яқинлашди». Бундай кибрни кўплаб ғарблик олимлар қабул қилишди. Фукуяма ҳам ўзининг «Тарихнинг тугаши...» китобида мана шу нуқтаи назарда ёзган. Ҳа, бу вирус келиб, улар айтаётган бу кучнинг хомхаёллигини фош этди. Аллоҳ Таолонинг ушбу каломини эслайлик:

﴿فَأَمَّا عَادٌ فَاسْتَكْبَرُوا فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ وَقَالُوا مَنْ أَشَدُّ مِنَّا قُوَّةً أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّ اللَّهَ الَّذِي خَلَقَهُمْ هُوَ أَشَدُّ مِنْهُمْ قُوَّةً وَكَانُوا بِعَايَاتِنَا يَجْحَدُونَ﴾

*«Од (қабиласи) эса, ер юзида ноҳақ кибр-ҳаво қилдилар ва куч-қувватда бизлардан зўрроқ ким бор? дедилар. Ахир улар ўзларини яратган зот – Аллоҳ куч-қувватда улардан зўрроқ эканини билмадиларми?! – Ва улар Бизнинг оятларимизни инкор қилгувчи бўлдилар»* [Фуссилат 15]

Мусулмон ҳам, ғайримусулмон ҳам ўйлаб кўрсин-а, ахир, Аллоҳнинг даргоҳида Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган қанча-қанча қўшинлар бор:

﴿وَمَا يَعْلَمُ جُنُودَ رَبِّكَ إِلَّا هُوَ وَمَا هِيَ إِلَّا ذِكْرٌ لِلْبَشَرِ﴾

*«Роббингизнинг қўшинларини ёлғиз Унинг Ўзигина билур»*

[Муддассир 31]

Бироқ биз ҳақиқат ва парадокс нуқтаи назаридан олиб қараганда, бундай интеллектуал кибр-ҳаво умуман воқеликка тўғри келмаслигини кўриб турибмиз. Масалан, ижтимоий жиҳатдан оладиган бўлсак, Ғарб халқлари ҳаётларида улкан ижтимоий беқарорликни бошдан кечиришяпти... Иқтисодий жиҳатдан, йирик саноатлашган давлатлар бюджет камомадидан бошлари чиқмаяпти. Бу давлатлар, хусусан, 2008 йилдаги глобал молиявий кризисдан сўнг даҳшатли молиявий инқирозларга дуч

келиб... уларнинг ўзи бундай молиявий вазиятда албатта портлаш келиб чиқишини, бу аввалгисининг нафақат давоми, балки унданда хавфлироқ бўлишини башорат қилишяпти. Шунинг учун бу давлатлар коронавирусга қарши кучли позициядан туриб курашмади. Натижада, бу давлатларнинг бирортаси ҳам, айти эпидемиядан соғ чиқолмайди, на ижтимоий жиҳатдан, на иқтисодий ва но молиявий. Тахминларга кўра, 2020 йил охири рецессия, кенг кўламли ишсизлик, ишлаб чиқаришдаги зиёнлар билан тугайди ва бу зиённи 2.3 триллион доллар бўлиши мумкинлигини айтишяпти. Бу ўз навбатида, бой давлатларни олдиндан триллионлаб доллар харажат қилишга ва уларни дунёнинг бошқа давлатларидан ўғирлаб, жамиятларида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай беқарорлик ва норозиликларни олдини олиш учун ўз фуқароларига тақсимлаб беришга ундайди. Бу ўринда айти қаттол вируснинг бир неча йил фалажланиб туриши, кейин қайта тикланиб, фаолиятини кучайтириши ва яна одамларни қириши мумкинлиги айтилмоқда. Ўтмишдаги ўлатлар ҳам шундай бўлган, йиллар давомида тез-тез такрорланиб, миллионлаб одамларни йиғиштириб кетиб турган. Бу айти давлатлар иқтисодиётини беқарор ва пароканда ҳолатга олиб келади ва ўсиш ҳолатини тиклашга катта тўсиқ бўлади.

Буларнинг барчаси капиталистик ҳазорат мевасининг ҳатто ўз халқлари учун ҳам аччиқ-аламли жиҳатларидир. Ҳа, коронавирусдан сўнг ушбу Ғарб давлатларидаги режимлар кўзларини очиб қараганларида ўзларига ва муваффақиятсиз ҳазоратларига бўлган вируснинг оқибатларига гувоҳ бўлишади... Одамлар кўзларини очишганда жуда катта молиявий зиёнга гувоҳ бўлишади... Яъни, ресторанлар, кафелар, сайёҳлик секторлари, йирик хизмат кўрсатиш тармоқлари, авиация тармоғи, муваққат ишчилар, ишсиз қолган хизматчилар ҳамда фаолиятларини давом эттиришга молиявий имкониятлари бўлмаган кишиларнинг барчаси зарар кўришганига гувоҳ бўлишади. Йирик компанияларга назар соладиган бўлсалар, глобал иқтисодий таназзулга гувоҳ бўлишади... Бу нарса хавфли ижтимоий ва сиёсий тўқнашувларга олиб келиб, унинг зарари асосан АҚШга бўлади, энг катта иқтисодий қийинчиликни Европа тартади. Шунинг учун коронавирусдан зарар кўрган давлатлар унга қарши қанчалик тез вакцина топишса, шунчалик унинг ёмон оқибатларини енгиллаштириб, жиловлашга ва енгиллашга муваффақ бўлади.

**Ғарб ҳазорати коронавирус билан ҳам, коронавирус бўлмаса ҳам заволга юз тутмоқда:**



Ғарб ҳазорати заволга юз тутмоқда, деб айтишга эрта эмас. Лекин унинг заволга юз тутиши коронавирус билан бўлади, дейишга ҳали эрта. Коронавирус кризиси фақатгина жаҳон миқёсидаги соғлиқни сақлаш кризиси эмас, балки шу билан бирга, ҳали кўп кризислар келтириб чиқаради... Юқорида айтганимиздек глобал иқтисодий кризис, сақофий-маданий кризис каби. Биз Гитлер ва Сталин мисолида Ғарб раҳбарларининг инсонга бўлган қараши қандай эканига гувоҳ бўлдик. Унга кўра, заиф ва қариялар ўлимга маҳқум. Буни бугун Шимолий Корея мисолида ҳам кўрдик, у ерда заифларнинг даволаниши давлат зиммасига тушмаслиги учун уларни касалхоналарда ўлдириб юборилди. Италия «Siaarti» маркази учун тайёрлаган ҳужжатда ёши 65дан ошган беморларни (коронавирус юқиб келган бўладими ёки бошқа касаллик биланми, фарқсиз) касалхонага киритмай, ўлиб кетишига қўйиб қўйиш тўғрисида шифокорларга тавсия берилгани айтилган. Бунга сунъий нафас олиш жиҳозининг ғоят даражада етишмаётгани сабаб бўлган. Италия давлатини бундай тавсияга ундаган нарса соф моддий турткидир. Чунки уларда ёшлар саноат омили, ёши кексалар эса истеъмолчи ва бу иккиси ўртасида Ғарб ҳазоратида жуда катта фарқ бор. Инсонга бундай назарда қараш, ҳаёт ҳақидаги назар билан боғлиқ бўлиб, жамиятдаги ҳукмрон ҳазоратга тааллуқлидир. Шунингдек, бундай ҳазорат европача фикрловчилар учун янгилик эмас, чунки кенг тарқалган бундай фикр улар учун эскидан яхши маълум. Масалан, тарих китобларида Европани қириб ташлаган ўлат ҳақида ёзилган бўлиб, унга кўра, ушбу иллат тарқалган пайтда давлат фалончи касал юқтирганини эшитса, уни ўз уйига қамаб, ўлиб кетиши ва бошқага юқтирмаслиги учун уйни лой ва тош билан уриб ташлашга буюрар эди. Албатта бу Ислондаги қарашга тамоман тесқаридир. Бу эса, бизни бутун дунё бутунлай ўзга бир тузумга муҳтож бўлиб қолди, дейишга ундамоқда. Токи, одамлар бундай ёмон аҳволдан барқарор ва соғлом ҳаёт неъматига чиқсинлар. Бу албатта Ислондан бошқа тузумда бўлмайди.

Дунё коронавирус кризисидан кутулиши мумкин. Бироқ унинг оқибатларидан кутулиш қийин. Чунки ҳали олдимизда шундай кризислар борки, буни ҳазорат, тушунчалар, ҳаёт ҳақидаги кўз қарашлар ҳамда ўзгартириш лозим бўлган амаллар ўлчовлари... мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу кризиснинг оқибатлари унинг асл симптомлари бўлиб, асосий сабаб ҳал этилмас экан, симптомлари турли шаклда сақланиб қолаверади. Ҳа, бу муваффақиятсиз капиталистик тузумда кризислар кўпайгандан-

кўпайди. Бу кризисларнинг ҳар бири халқаро тизимни ларзага келтириши, кучлар мувозанатини ўзгартириб юбориши мумкин. Шунинг учун энг муҳим нарса сабабни муолажа қилишдир, натижаларни эмас.

Яшаётганимиз бу капитализм асрида барча алоқа-муносабатлар бузилди: инсоннинг Роббиси билан, ўзи билан ва бошқа инсон билан бўлган муносабати бузилди, ҳатто табиат билан бўлган алоқасига ҳам путур етди. Бу бузилиш ва инсониятни ҳалок қилаётган чексиз очкўзлик сабабли инсониятнинг барча соҳаларда шундай яшашни давом эттириши мумкин бўлмай қолди. Шундай яшаш номақбул, ақлга зид ва имконсиз бўлиб қолди. Австралиядаги ёнғинлар, ундан олдин Амазон ўрмонларидан катта қисмининг ёниб кул бўлиши... булардан Ер қуррасининг ўпкаси ишдан чиққанини тушуниш мумкин. Чунки бу ўрмонлар тирик коинотлар учун, шу жумладан инсон учун ўзидан кислород чиқариб туради. Уларнинг ёниб кетиши иқлим ўзгаришига сабаб бўляпти. Ва бу инсоннинг нақадар тўймаслигини, иқтисодий ўсиш, деган сароб ортидан тинимсиз ҳакиллаб чопаётганини кўрсатмоқда. Чунки бундай ўсиш инсонга бахтсиз турмуш тарзи ва ёмон оқибатдан бошқа нарса келтирмаяпти, бадбахтлик ва хорлик келтирмоқда, холос. Бинобарин, кислороднинг бузилгани, иқлимнинг ўзгаргани, Ер қуррасининг зарарланаётгани бизга навбатдаги касалликлар, эпидемиялар, очарчиликлар, қашшоқликлар, тошқинлар, довуллар, ёнғинлар, чўллашиш ва бошқа муаммолар келаётганидан дарак бермоқда. «Chatham House» институти директори Робин Ниблетнинг айтишича, кононавирусни «иқтисодий глобализация учун мисоли туянинг белини синдирган бир сомон бўлаги», дейиш мумкин. Дарҳақиқат, барча халқлар ушбу ваҳший капиталистик иқтисод тизимига бутунлай ишонмай қўйди. Зотан, бу тизимда дунё аҳолисидан 1 %и дунё аҳолисидан тенг ярмининг мол-мулкига эгалик қилади... Халқлар глобаллаштириш, халқаро савдо ва эркин савдо шартномаларига ҳам ишонмай қўйди. Шу боис, ўзгартириш яшаш улар учун тирик қолиш йўлида ҳаётий масалага айланди. Ўзгартириш деганда «динни ҳаётдан ажратиш»дан иборат улардаги асосий фикр назарда тутиляпти. Шунингдек, давлатлар ва компанияларнинг ўз халқлари ва бошқа халқлар ҳисобига бўлса ҳам, ўз манфаатларини таъминлашдан иборат улардаги кўз қарашни ўзгартириш назарда тутиляпти.

Ҳа, вирусга қарши вакцина ҳам топилиши мумкин. Ўшанда буни димократиянинг ғалабаси қилиб кўрсатилади ва

рақобатлашув авжига минади. Аммо реал ўзгариш бўлмади, фақат соғлиқни сақлаш секторига кўпроқ диққат қаратилади, холос. Халқаро рақобат эса, янада авж олиши турган гап. Бу асосан, АҚШ ва Европа билан Хитой ва унинг иттифоқчилари ўртасида бўлади. Можаро аломатлари ҳозирданок кўрина бошлади, бир-бирларини вирус тарқалишига жавобгарликда айблашяпти. Афтидан, халқаро сахна ҳам тузила бошлаган кўринади. Вирус тарқалишида Хитойнинг қўли борми-йўқми фарқсиз, Америка асосан шу давлатни олабўжи қилиб кўрсатмоқда. Америка худди илгари Совет Иттифоқи парчалангандан сўнг Исломни олабўжи қилиб кўрсатиб, ўтган қирқ йил ичида унга террористлик сифатини бериб келаётгани каби. Энди бу сифат Хитойга қаратиладимикин, агар шундай бўлса, у ҳолда, дунё бўлиб ўтган ҳодисадан бирор фойдани кўрмайди. Аксинча, кураш шу даражада авж олгандан-оладики, Америка Хитойнинг халқаро сахнада рақобатчи бўлишини олдини олишга ҳаракат қилади. Яъни, дунёнинг биполяр (иккикутбли) бўлишига йўл қўймаслик учун курашади. Эртанги кундаги халқаро сахнани шундай бўлади, дея тасаввур қилсак, яъни, сиёсий ва глобал курашнинг биринчи босқичида АҚШ билан Хитой иштирок этадиган бўлса, демак ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Олам аввал қандай бўлса, ўшандайлигича, яъни янги системага ва янги тушунчаларга қаттиқ муҳтожлиги бўйича қолади.

**Ўзгартиришга ягона яроқли альтернатива Ислом ҳазорати бўлиб, Ислом давлати барпо бўлиши ва ҳаётдаги ўз ролини эгаллаши кутилмоқда:**

Бугун бутун дунё ва халқлари мана шундай оғир синовни бошдан кечираётган экан, бунинг афзаллик жиҳатлари мавжуд. Гап шундаки, халқаро кураш АҚШ билан Хитой ўртасида бўлади. Америка Хитойни вирус тарқалиши ортида турганликда айблаб, уни судга тортишни истайди ва дунёни шунга қаратиб, Хитойни халқаро рақобатчи бўлмаслиги учун изоляцияга олишга ва кишанлашга уринади. Лекин, ғарбликлар ёзаётган мақолалардан битта ҳақиқатни олиш мумкин, у ҳам бўлса, халқаро тизим, тартиб-қоида ҳақиқатдан ҳам абгор аҳволда, ҳалокат жарлиги ёқасида. Бинобарин, бу тизимнинг шундай давом этиши кризис ортидан кризислар келтириб чиқараверади, бундан бошқасига ярамайди. Чунки бу капиталистлар ўзлари хоҳлайдиган альтернативага эга эмаслар. Демак, эртага қўлларидаги ҳазоратни ямаш ва ислоҳ қилиш билан кифояланишади... бир томонини ямашаверади, иккинчи томондан ёрилаверади... Шу зайлда давом

этиб, ниҳоят альтернатива куч билан ёки ҳазоратлар тўқнашуви, деган нарса орқали олиб келинади. Кутилаётган тахмин мана шу. Аллоҳ ҳаққи айтинглари, қачон сиёсий ва фикрий курашсиз альтернатива келиб қолган... Ғарбнинг бутун дунёга қарата, менинг ҳазоратим муваффақиятсизликка учради, энди альтернатива Ислондир, деб айтишини тасаввур қилиш мумкинми. Ҳатто ўзлари бунга бир оз ишонишган тақдирда ҳам, қилган ишлари одатдагидан бошқача бўлмайди. Чунки бу ғарбликларнинг воқеи насронийлар бўлиб, ораларига ваҳший капитализм кирган ва улар билан маккор кўрқоқ масон яҳудийлари бойиб ётишибди... Бироқ Аллоҳнинг иши келса, у бизга ғолибликдан ўзга нарса олиб келмайди ва буни на Ғарб тўхтатиб қола олади ва на Шарқ. Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِۦٓ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

*«Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир, лекин одамларнинг кўпи (буни) билмаслар»* [Юсуф 21]

Ҳа, бутун дунё янги бир халқаро тизимга, аввало янги ҳазоратга жуда-жуда муҳтож бўлиб қолди. Акс ҳолда, коронавирустан ҳам қирғинбарот-ҳалокатли ҳолатга гирифтор бўлиши мумкин. Бизнинг бутун дунё янги бир халқаро тизимга жуда муҳтож деганимизнинг маъноси шуки, ҳар бир инсон боласига янги тизим, яъни, янги фикрий етакчилик жуда зарур бўлиб қолди. Чунки янги фикрий етакчиликсиз, янги сиёсий етакчилик ҳеч нарса қилолмайди.

Биз ушбу бутун борлиқдаги ўзгаришга мусулмон бўлмаган кишилар ҳам жуда муҳтож ва эҳтиёжманд экани ҳақида сўз юритар эканмиз, бунга ўзгартиришнинг мусулмонлар учун шаръий фарз эканини ҳам таъкидламоғимиз даркор. Чунки Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло Росули ﷺни ҳидоят ва ҳақ дин билан пайғамбар қилиб юборганда, Ислонни бутун динлар устидан ғолиб бўлишини истади, уни қиёматга қадар бутун инсоният учун гувоҳ бўлувчи дин қилиб юборди. Тўғри, Аллоҳ Субҳанаҳу Росули каримини барча анбиёларнинг сўнггиси қилди. Бироқ Аллоҳ Росулидан кейин ул зотнинг минҳожларига асосланган рошид Халифаликни ҳам яратди ва мусулмонларга уни барпо этиб, давом этиришни фарз қилди. Инсонлар устидан раҳбар ва бутун башарият учун қиёмат кунига қадар гувоҳ бўлиб қолишини буюрди. Ҳозир Халифаликка мусулмонлар ҳам, ғайримусулмонлар ҳам баробар жуда муҳтож бўлаётган вақтдир. Ҳозир барча инсонларга Аллоҳ сизнинг яратувчингиз ва ишларингизни бошқарувчингиздир, деб

айтиладиган вақтдир. Айни дам инсониятга сизнинг бу ҳаётингиз охиратдаги ҳаётингиз билан узлуксиз боғлиқдир, Аллоҳ бизни ҳам, сизни ҳам Ўзига қуллик қилишимиз учун яратган, ҳақиқий барқарор ҳовли охиратдир, деб айтишимиз керак бўлган дамдир. Уларга Ислоннинг Аллоҳга даъват қилишдаги сўзларини айтмоғимиз даркор. Буларни айтар эканмиз, биз ғарблик халқлар мутлақо бизнинг раҳбарларимиз эмаслигини, балки улар йиртқич бўрилар томонидан бошқарилаётган чорва ҳайвонлари эканини биламиз. Улар ўзларининг зўравон раҳбарлари қурбонига айланишган. Шариатимиз бизга бу халқларга раҳбарларга қарашдан бошқача назарда қарашимизга буюрган. Чунки бу халқлар ечим қидиришяпти, раҳбарлардан уни талаб қилишяпти, раҳбарлари эса, уларни адаштиришда давом этишяпти. Ваҳоланки, ечим фақат бизнинг қўлимизда ва у ўзимиз учун ҳам, шу халқлар учун ҳам татигулик ечимдир. Шунинг учун ҳам ғарблик раҳбарлар Ислонга қарши уруш қилаётган бир пайтда, уларнинг халқлари Ислонга кираётганларига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Мусулмонлар қўлида ғарбликлар ва бутун олам халқлари қидираётган ҳазорий лойиҳа бор бўлиб, у рошид Халифалик давлатини барпо этишдан иборат лойиҳадир. Зеро, Халифалик ҳаётдаги ишларни Аллоҳга боғлаган ҳолда, яъни, Аллоҳнинг буйруқ ва тақиқларига мувофиқ ҳаракатлантириш ҳамда руҳий, инсоний, ахлоқий ва моддий барча қийматларни рўёбга чиқаришга риоя қилиш орқали ўзининг шаръий бурчини адо этади. Ҳаётдаги бахтнинг асоси тақво бўлиб, мусулмонлар ушбу лойиҳа билан бу дунё ва охиратда ўзларини ҳам, бутун инсониятни ҳам кутқарадилар. Чунки ушбу лойиҳа билан нажотга эришилади. Аллоҳ Таоло ушбу лойиҳанинг барпо этилажагига ваъда берган бўлиб, унинг амалга оширилишига ҳеч бир макон ёки замон шарт қилинган эмас. Бу ваъда Аллоҳ Таолонинг ушбу каломиди акс этади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَى لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا ۗ يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا ۗ وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

*«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни халифа қилганидек уларни ҳам ер юзиди халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислон) динини голиб-мустаҳкам қилишни ҳамда*



*уларнинг (аҳволини) хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар фосиқлардир»* [Нур 55]

Яна мусулмонларда Пайғамбарлари Росулulloҳ ﷺ томонидан айтилган ва рўёбга чиқиши асло ёлғон бўлмаган башорат ҳам бор. Зеро, бу башорат Росулulloҳ ﷺнинг

«ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبِيِّ»

«... Кейин Пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади», деган ҳадисларида айтилганидек, мусулмонлар елкаларига миниб олган золим подшоҳликдан сўнг келади. Росули акрамнинг қуйидаги башорати бутун Ер куррасига ҳукмронлик қилаётган бугунги капитализм тузуми замонидан кейин амалга ошажакдир:

«إِنَّ اللَّهَ زَوَىٰ لِي الْأَرْضَ، فَرَأَيْتُ مَشَارِقَهَا وَمَغَارِبَهَا، وَإِنَّ أُمَّتِي سَيَبْلُغُ مُلْكُهَا مَا زُوِيَ لِي مِنْهَا»

«Аллоҳ ерни менга йиғиб кўрсатди, шунда унинг кун чиқишидан кун ботишигача барча жойларини кўрдим. Аниқки, Умматим мулки менга йиғиб кўрсатилган жойларгача етиб боради». Аллоҳнинг даъвати ҳақдир ва унинг рўёбга чиқиши вақти келди.

Сўзимиз ниҳоясида Аллоҳнинг ваъдаси ҳақида шавқу завқ билан, унга қалбимиз тўридан имон келтирган ҳолда шуни айтмоқчимизки, бу дунё янги глобал тизим билангина тузалади, дунёга етакчилик қилаётганларнинг барчаси уни фақат ҳалокатга олиб кетмоқдалар. Коронавирус – Ғарб ҳазорати тугагани тўғрисидаги эълоннинг бошланишидир. Зеро, бу ҳазорат қашшоқлик, очарчилик, ҳар хил урушлар, инсонларни эксплуатация қилиш ва адаштириш каби барча мақсадларини амалга оширди. Энди, майдонни бутун инсониятга эзгулик улашувчи янги халқаро тузумга бўшатиб беришдан ўзга чораси қолмади. Аллоҳ Таоло бундай марҳамат қилади:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنْفُسِهِمْ وَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِقَوْمٍ سُوءًا فَلَا مَرَدَّ لَهُ وَمَا لَهُمْ مِّن دُونِهِ مِن وَالٍ﴾

«Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас. Қачон Аллоҳ бирон қавмга ёмонлик-бало юборишни ирода қилса, бас, уни қайтариб бўлмас. Ва улар учун Ундан ўзга ҳоким йўқдир» [Раъд 11]

Ҳа, инсоният қидираётган ечимни беришга ёлғиз Исломгина кодир. Бугун янги вазиятлар Ислом учун ҳар қачонгидан ҳам муносиброқ бўлиб кўринмоқда. Шунингдек, ҳозирги вазият – ўзгариш амалга ошишига изн бераётган раббоний аралашув бўлса ажаб эмас. Зотан ҳамма иш Аллоҳнинг қўлида...

Улар: У кун қачон бўлур? – деб сўрасалар, шоядки яқин бўлса, деб айтинг! Дуоларимиз сўнггиси бутун оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамду сано айтмоқликдир. □

**ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР... УНИНГ ЎЗГАРТИРИШ ВА ХАЛИФАЛИКНИ  
БАРПО ЭТИШДАГИ ҚОНУНИ АЛЛОҲНИНГ УШБУ  
КАЛОМИДАГИ ҚОНУНДИР:**

﴿سُنَّةَ مَنْ قَدْ أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ مِنْ رُسُلِنَا وَلَا تَجِدُ لِسُنَّتِنَا تَحْوِيلًا﴾

**«(Бу) сиздан илгари юборган пайгамбарларимиздан  
қолган йўлдир-қонундир. Сиз ҳаргиз Бизнинг қонунимиз  
ўзгарганини кўрмайсиз»**

**Аҳмад Маҳмуд**

Ҳизб ут-Таҳрир Уммат яшаётган воқеликни ўрганиб,  
қуйидагиларга гувоҳ бўлганидан сўнг Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلَتَكُنَّ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَٰئِكَ  
هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

**«Орангиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, маъруфга  
буюриб, мунқардан қайтарадиган бир жамоа бўлсин»**

[Оли Имрон 104]

деган каломига итоат қилган ҳолда ташкил топди. Зеро, Ғарб  
Умматни Ислом билан ҳукм юритишдан йироқ яшашга мажбур  
қилди. Халифалик давлатини ағдариб, уни давлатчаларга бўлиб  
ташлади ва уларнинг ҳар бирига ҳукм юритиш учун ўзининг куфр  
конституцияларини зўрлаб тиқиштирди, Исломдан эса, динни  
давлатдан ажратишдек ғарбча тушунчага мос келадиган шаклда  
баъзи ибодатларни қолдирди. Бошқача ибора билан айтганда, Ғарб  
Умматнинг аввалги битта Уммат, битта халифа, битта тузум ва  
битта давлат ҳолатига қайтмаслиги учун, унинг исломий таълим  
дастурларига ўзининг таълим йўналишини тиқиштирди ҳамда  
Исломни тўғри тушунтирган тариқатига зид ва ёт йўналиш бўйича  
билим олган ва тушунадиган уламолар етишиб чиқишига қаттиқ  
ҳаракат қилди. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлди, Исломни мана  
шундай нотўғри тушуниш барча мусулмонлар ўртасида омматан  
кенг ёйилди.

**Ҳизб ут-Таҳрир ташкил топган аср янгиланиш асридир,  
унинг вақти аллақачон келган:**

Ҳа, Ҳизб ут-Таҳрир юкоридагиларни ўрганиб, Умматнинг ҳаёти  
воқелигини англаб етгач, қуйидагиларга амин бўлди:  
мусулмонларнинг ишларни ўз аслига қайтариб, Аллоҳни рози  
қиладиган шаръий вазифалари худди илк рошидинлар Халифалиги  
каби, Исломий рошид Халифаликни барпо этишдир. Зеро,  
Росулуллоҳ ﷺдан шаръий мерос бўлмиш ушбу рошид Халифалик

ҳаётда диннинг ҳамма аҳкомларини барпо этиб, Умматни битта давлат остига қайта бирлаштиради. Ушбу Халифалик мусулмонларга ўз динларини тўғри тушуниш имконини берадики, бу билан мусулмонлар ёлғиз Роббиларига куллик қилган ҳолда, одамларни ҳам ёлғиз Аллоҳга куллик қилишга, шунга биноан ҳаёт кечиришга чақирадилар. Ушбу тушунча динни янгилаш ва бу учун бир шахсни чиқариш амалиёти билан шуғулланиш кераклигини уқтиради. Бу эса, бизга Росули акрамнинг ушбу ҳадисларини эсга солмоқда:

«إِنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ عَلَىٰ رَأْسِ كُلِّ مِثَّةٍ سَنَةً مِّنْ يُجَدِّدُ لِهَذِهِ الْأُمَّةِ أَمْرَ دِينِهَا»

**«Аллоҳ ҳар юз йилнинг бошида ушбу Уммат учун унинг дин ишларини янгилаб-тузатиб берувчи бир кишини чиқариб беради».**

Бу ҳақда уламолар ҳадисдаги аср (القرن)ни белгилашда икки хил фикр билдирганлар:

Биринчи фикр: Маълум фикрларга кўра, қарн йиллар сони билан ўлчанади. Бу фикрлардан имом Аҳмад رحمته اللهнинг юз йил, деган фикри кўпроқ тўғри. Жумладан, бундай деган: «Қарннинг юз йил эканига кучли далил Росулulloҳ ﷺдан қилинган ушбу ривоятдир: Абдуллоҳ ибн Баср ривоят қилади: Росул акрам ﷺ бошимга қўлларини кўйиб, бу болакай бир қарн яшайди, дедилар». У ҳақиқатдан юз йил яшади». Халифалик ағдарилган вақтга, яъни, ҳижрий 1342 йилдан ҳозирги 1441 йилга назар ташлаган киши Уммат Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан бошқарилмаган ҳолда қарийб бир қарн яшаётганига гувоҳ бўлади.

Иккинчи фикр: Бу фикрда қарн сон билан эмас, ҳолат билан ўлчанган, яъни, йиллар билан ўлчанмаган. Дарҳақиқат, Воҳидий Розийдан нақл қилишича, қарн бу шундай бир даврки, бир халқ муайян бир замонда яшайди, сўнг уларга ажал етиб, замоналари тугайди, улардан кейин эса, бошқа халқлар (бошқа замонлар) келади. Шундай қилиб, ҳар бир халқ бир қарнни шакллантиради. Бу муайян асрга далолат қилади, қачон аср тамом бўлса, у қарн, деб аталади. Бу Қуръони Каримда келган (القرن) билан мувофиқ келмоқда. Аллоҳ Субҳанаҳу қуйидаги оятларда илгари ўтган умматларни, қайсики пайғамбарларга ва уларнинг даъватларига қарши курашган умматларни қарн ва қарун (авлод), деб зикр қилди:

﴿وَلَقَدْ أَهَلَكْنَا الْقُرُونَ مِن قَبْلِكُمْ﴾

**«Сизлардан аввалги асрлардаги миллат-авлодларни халок қилдик»** [Юнус 13]

﴿وَكَمْ أَهْلَكْنَا قَبْلَهُمْ مِّن قَرْنٍ﴾

**«Сизлардан аввалги асрлардаги қанча-қанча миллат-авлодларни халок қилдик»** [Марям 74]

﴿وَقُرُونًا بَيْنَ ذَلِكَ كَثِيرًا﴾

**«... Ҳамда шу орадаги кўп авлодларни эсланг»** [Фурқон 38]

Айтиш мумкинки, Қуръони Каримда келган қарн битта жойда, битта замонда мавжуд бўлган халқ бўлиб, бу сўзнинг жами қурундир. Шу билан бирга замонга ёки асрга ҳам айтилади, вақти қанчага чўзилишидан қатъий назар.

Бизнинг воқелигимизга нисбатан бу икки фикрни жамлайдиган бўлсак, шунга гувоҳ бўламизки, Ислом Умматига нисбатан олганда, Халифалик қулатилганига ҳижрий ҳисоб бўйича юз йилга яқин вақт ўтди. Бу қарнни замон билан белгиллаган биринчи фикрга тўғри келади, бу масала шундай бўлиши мумкин, валлоху Аълам.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, биз яшаб турган воқелик золим бошқарув асри бўлиб, унинг сўнггида турибмиз. Аниқроғи, шу золимлар замонидан иккинчи рошид Халифалик асрига кўчиш арафасидамиз. Зеро, ушбу Халифалик имом Аҳмад ривоят қилган қуйидаги саҳиҳ ҳадисда келгандек, Пайғамбарлик минҳожии асосидаги бўлади:

﴿مَنْ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ

خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبُوَّةِ﴾

**«... Кейин золим подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ туришини истаганча вақт туради, сўнг Аллоҳ уни истаган вақтида» кўтаради, кейин Пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади».** Айтиш мумкинки, Аллоҳ Субҳанаҳу Ҳизб ут-Тахрирнинг ўзгартириш ишидаги фаолиятини мана шу асосга қурилишини истади. Биз Аллоҳдан ушбу Ҳизбда бизни Росулulloҳ ﷺ мана бу ҳадисларида айтгандек қилишини сўраймиз:

﴿لَا يَزَالُ مِنْ أُمَّتِي أُمَّةٌ قَائِمَةٌ بِأَمْرِ اللَّهِ لَا يَضُرُّهُمْ مِنْ خَدِّهِمْ، وَلَا مَنْ خَالَفَهُمْ حَتَّىٰ يَأْتِيَهُمْ أَمْرُ اللَّهِ

وَهُمْ عَلَىٰ ذَلِكَ﴾

**«Умматим Аллоҳнинг иши билан шуғулланишда бардавом бўлади, уларга ёрдамсиз қолдирганлар ҳам, қарши чикқанлар**



## **ҳам зарар етказа олмайди, Аллоҳнинг нусрати келгунга қадар улар шу ҳолда давом этажаклар».**

Энди асрни ҳолатга тааллуқли, дейилган иккинчи фикрга келсак, яъни, капитализм бутун дунё давлатларига ҳукмронлик қилаётган ва барча ҳаёт бўғинларини бошқараётган бугунги капитализм асрига келсак, биз унинг мақсадлари пучга чиққанини, бузук ва зарарли эканини кўриб турибмиз. Кўриб турибмиз, унинг улкан хавф-хатари ҳатто бутун дунёга, шу жумладан, ўзининг халқларига ҳам ошқор бўлди, мусулмонуну кофирлар дохил ҳамма одамлар капиталистик системанинг сўнгги нафасини олаётганини сезмоқдалар. Бу борада Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло бундай демоқда:

﴿وَلِكُلِّ أُمَّةٍ أَجَلٌ فَإِذَا جَاءَ أَجَلُهُمْ لَا يَسْتَأْخِرُونَ سَاعَةً وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ﴾

**«Ҳар бир уммат учун ажал бор, бас, қачон уларга ажаллари келса, уни бирон соатга ортга ҳам, олдинга ҳам сура олмайдилар»** [Аъроф 34]

Ибн Касир ўзининг тафсирида бу оят тўғрисида бундай дейди: «Ҳар бир умматдан мурод қарн ва авлод, демакдир. Қачон уларга ажаллари келса, дегандан мурод шуки, ўзлари учун ўлчаб қўйилган вақтни-ниҳояни на эртага ва на кечга сура оладилар, демакдир». Қуртубий ўзининг тафсирида бундай дейди: «Қарзнинг ажали уни тўлаш вақти бўлганидек ўлимнинг ажали бу ўлим вақтидир». Тобарий бундай дейди: «Ҳар бир уммат учун ажал бор: Аллоҳнинг пайғамбарларини ёлғончига чиқариб, уларнинг насихатларини рад этаётган, Роббилари уларга қарши ҳужжатлар тайёрлаб бораётганига қарамай, Унга ширк келтираётган ҳар бир жамоа учун ажал бор. Ажалдан мурод, ҳар томонлама уларга жазолар келди, ширкларининг тузоғига ўзлари илинишди, демакдир. Қачон уларга ажаллари келса дегани: қачон Аллоҳ уларни ҳалок этиш ва жазолар учун белгилаб қўйган вақт келса, ўша вақтни ортга ҳам, олдига ҳам суришолмайди, деганидир. Улар бу дунёда боқий ҳам қололмайдилар, ҳалокат вақтларида ҳаётдан завқланомай қоладилар, демоқда».

### **Ҳизб ут-Таҳрирнинг динни янгилашдаги фаолияти:**

Ҳизбнинг динни янгилашдаги фаолияти шуни тақозо қиладикки, Ҳизб Исломни тушуниш ва унга даъват қилишда худди Росулulloҳ ﷺ ва саҳобаи киромлардек бўлиши лозим. Дарҳақиқат, бир саҳиҳ ҳадисда Набий ﷺ бундай дедилар:

кулатилганининг хотираси яна кириб келди. У Ислом Умматига шунча йиллар давомида Имомга байъат қилиш кечикаётганини эслатмоқда. Шундай экан, юз йил бўлмасидан олдин Ислом Уммати уни бугун барпо этадими?!

Ислом Уммати бошқа халқлар орасидаги улуғворлиги ва обрў эътиборини йўқотганига тўксон тўққиз йил бўлди. Ислом Умматининг томирида қонни ғалаёнга келтирган масала айна шу масаладир. Ислом Уммати қўзғолон қилди, золим режимлар кулади. Одамлар «бу золимларнинг зулми барҳам топмайди», деб ўйлашган эди. Шундай экан, юз бўлмасидан олдин Ислом Уммати уни бугун барпо этадими?!

Биз кўряпмизки, Халифалик давраларда, одамлар орасида, душманлар тилида, қабилалар ўртасида, теледастур ва мақолаларда такрорланмоқда. Халифалик мусулмонлар ўртасида жамоатчилик фикрига айланди ва унинг қандай барпо этилишини ҳамма ҳайрат билан кутмоқда. Чунки, агар қайта барпо этилса унинг нақадар буюк бўлишини, Умматнинг энергиясини портлатишини ва бутун оламни кутқариш ролини Умматга қайта олиб беришини барча англаб етмоқда. Сони бир ярим миллиарддан ошган Умматнинг давлати нақадар буюк бўлишини қандай идрок этмаслигимиз мумкин?! Унинг қайта барпо этилишини бир ярим миллиард муслим ва муслима умид билан кутмоқда. Улар бир-бирларини ерни ўраб турган битта оиладаги биродарлар, деб биладилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾

**«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-унилардир»** [Хужурот 10]

Бошқа халқлар орасида Ислом Умматини буюклик мақомига олиб чиқадиган учта комил шарт топилиши керак. Бу шартлар «Уммат, мабдаъ ва давлат»дир. Умматга келсак, у мавжуддир. У тирик ва фаолдир ҳамда Умматнинг ёш йигит-қизлари майдонларни тўлдирган. Мабдага келсак, у ҳам мавжуддир. Дарҳақиқат, бу мабданинг тафсилотлари ва унинг ҳаётда қўлланиши Ҳизб ут-Таҳрир бошчилигидаги бир қатор кишилар томонидан ўрганиб чиқилди. Зеро, Халифалик давлатини қайта барпо этиш учун тайёргарлик кўрган Ҳизб ут-Таҳрир бу давлат учун Ислом қонунчилиги манбаларидан хулоса қилиб танланган сиёсий шаръий тизимни тайёрлади.

Давлатга келсак, у қувват демакдир. Зеро, давлат тарқок халқларни бирлаштириб бир муштга айлантиради ва унинг тарқок имкониятларини тартибга келтириб, уларни самарали кучга

айлантиради. Ислому Умматига нисбатан давлат ажойиб ичимлик ва ажойиб дори ўрнидадир. Чунки, Ислому давлатининг мавжудлиги билан Уммат қуввати тартибга келтирилади, унинг энергияси портлайди. Давлатнинг йўқлиги билан эса, Уммат қулайди ва унинг бойликлари ўғирланади. Шунинг учун идрок этишимиз лозимки, Ислому Умматининг ўз давлатини қайта барпо этиши башарият тарихидаги ядровий бўрон ўрнидаги воқеа бўлади. Бу давлат дунё халқларига вабо ва касалликларга қарши қандай курашиш лозимлигини ўргатиб қўяди, Ҳиндистондаги сигирга сиғинувчиларга шайтон васвасасини унуттириб, уларга ўз қилмишлари оқибатларини тотдиради.

Шунинг учун биз Аллоҳнинг номи ва баракоти ила Халифалик кулатилганининг 99 йиллик хотираси муносабати билан кенг кўламли кампания бошлаб, бу орқали Ислому Умматини, унинг уламолари ва армиясини ҳамда қувват эгаларини юз йил бўлмасидан олдин Халифаликни барпо этиш сари шошилишга чақирамиз! Токи, биз Аллоҳнинг розилигига эришайлик ва тарих бизни «юз йилга етмаган давр ичида дунёга қайтишга эришган шонли Уммат», дея қайд этсин».

**б) Ҳизб ут-Тахрир амири улуғ олим Ато ибн Халил Абу Роштанинг Халифалик ағдарилганининг 99 йиллиги хотираси муносабати билан қилган аудио мурожаати тўғрисида «Вақия» телеканали орқали махсус оқшом учрашуви ўтказилди. Унда иштирок этган меҳмонлар:**

- Муҳандис Салоҳиддин Азога (Ҳизб ут-Тахрирнинг марказий матбуот бўлими раиси);
- Мўътабар шайх Исом Амира (Ҳизб ут-Тахрирнинг муборак Фаластин заминидagi аъзоси);
- Устоз Исмоил Ваҳвоҳ (Ҳизб ут-Тахрирнинг Австралиядagi аъзоси);
- Устоз Абдуррауф Омирий (Ҳизб ут-Тахрирнинг Тунис вилоятидаги матбуот бўлими раиси);
- Доктор Муҳаммад Малковий (Ҳизб ут-Тахрирнинг Иордания вилоятидаги аъзоси);
- Доктор Маҳмуд Абдулҳодий (Ҳизб ут-Тахрирнинг Ливан вилоятидаги аъзоси);
- Устоз Саид Фазл (Ҳизб ут-Тахрирнинг Миср вилоятидаги аъзоси);

**в) Аёллар қаноти:**

**«Пекин+25: икки жинс ўртасидаги тенглик никоби ўз кучини йўқотдимми?» номли халқаро кампания.**

Ҳизб ут-Таҳрир амири улуғ олим Ато ибн Халил Абу Роштанинг кўрсатмаси асосида, Ҳизб ут-Таҳрир Халифалик ағдарилганининг 99 йиллиги хотираси муносабати билан кенг қўламли халқаро кампания бошлади. Шу муносабат билан Ҳизб ут-Таҳрирнинг марказий матбуот бўлими аёллар қаноти «**Пекин+25: икки жинс ўртасидаги тенглик ниқоби ўз кучини йўқотдими?**» номли халқаро кампания бошлади. Кампания 2020 йил 4 апрелда халқаро аёллар конференцияси билан ниҳоясига етди.

**3 – Ҳизб ут-Таҳрирнинг вилоятлари ҳам қатор тадбирлар ўтказди, улардан асосийларини келтириб ўтамыз:**

**а) Ҳизб ут-Таҳрир – Туркия вилояти:**

Халифалик қулатилганининг 99 йиллик хотираси муносабати билан Ҳизб ут-Таҳрир – Туркия вилояти ҳижрий 1441 йил 8 ражаб, милодий 2020 йил 3 март сешанба куни Истанбулда «**Оиладан давлатга қадар Ислом жамият қуриш**» номли Халифалик конференциясини ўтказди.

• Ҳизб ут-Таҳрир – Туркия вилояти матбуот бўлими «Сиз зулматни ёритувчи нур бўлиб, қуллик кишанларини парчаланг, ахир, унинг исканжасида 99 йил муқаддам Халифалик ағдарилгандан буён азоб чекмоқдасиз» номи остида матбуот баёноти нашр қилди. Баёнотда бундай дейилади:

«Ҳар бир Умматнинг ўз тарихида муҳим нуқтаси бўлади ва бу нуқта гоҳ Умматни олийликка кўтарса, гоҳида унинг таназзулига сабаб бўлади. Ҳеч шубҳа йўқки, Умматнинг синиш нуқтаси унинг Халифалиги бекор қилинган кунидир. Дарҳақиқат, ҳижрий ҳисоб бўйича бундан 99 йил (милодий ҳисоб бўйича 96 йил) муқаддам, яъни, ҳижрий 1342 йил 28 ражаб, милодий 1924 йил 3 март куни Халифалик бекор қилинди. Унинг ағдарилишида хоин қўллар муҳим роль ўйнади. Бу кимсалар инглизлар кўрсатмаларини ўз ихтиёрлари билан адо этишди... Оқибатда, мусулмонлар қалқони парчаланди, асрлар давомида инсониятга адолат, илм-фан ҳаёт соҳасида гўзал намуна бўлиб келган Уммат етим бўлиб қолди. Раҳбарсиз қолган мусулмонлар турли хил қутурган ҳужумларга учраб, чор атрофдан нишонга олинмоқдалар.

Шундай қилиб, кучлиликдан заифликка, бой-бадавлатликдан қашшоқликка, азизликдан хорликка кўчиб қолдик. Роббимиз бизни битта давлатда битта Уммат бўлишга чақирганига қарамай, бўлиниб-парчаланиб кетдик! Каттаю кичик давлатчаларга бўлиндик ва ҳар бир давлатларимиз тепасига худди босқинчиларнинг вакиллари каби ҳукмдорлар ўтказиб қўйилди. Қалбларимиз сохта миллий чегаралар доирасида тор қалбларга

айланиб, душманларимиз мусулмонлардан иборат бўлиб қолди, кофирни дўст, мусулмонни душман тутдик, Аллоҳ наздида зарра қадар қадри бўлмаган кофир Ғарбга орқа қилиб, ҳақиқий эр ўғлонлар авлоди бўлган мусулмонларни назарга илмадик. Зотан, ўша эр ўғлонлар Аллоҳ йўлида бир сафда бир-бирларига ака-ука бўлганлар, тинчликлари ҳам, урушлари ҳам бир бўлган.

Тўксон тўққиз йил халифасиз ўтди. Бу орада аламлар, зулмлар, хорловлар, адовату хиёнатлар ва қатли омларга дуч келдик.

Мана, Шом юртлари, у ерда вайрон этилмаган уй, қон оқмаган ер ва фарёд қилмаган она қолдими?! Ана, Шарқий Туркистонга қаранг, золим кофир Хитойнинг еру-аршни ларзага келтирадиган қилмишлари ҳамон давом этмоқда. Ҳиндистонда ҳам мусулмонлар очикдан-очик кўчаларда ваҳшийларча ўлдириляпти. Бу ёқда Қуддус бутун дунёнинг кўз ўнгида яҳудий вужудига топшириб қўйилмоқда... Чунки Умматнинг бунчалик хор этилишига асосий сабаб, мана шу Халифаликнинг бекор қилинганидир. Демак, инсонлар учун чиқарилган энг яхши Умматнинг қайта қўзғалмоғининг асосий шarti, Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифалик давлатини барпо этмоқдир. Ва бу Аллоҳнинг изни ила ва Росулulloҳ ﷺнинг

«ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَاجِ النَّبُوَّةِ»

«... Кейин Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади», деган башорати асосида албатта барпо бўлади.

б) Ҳизб ут-Тахрир – Судан вилояти:

• Ҳижрий 1441, милодий 2020 йилги рошид Халифалик конференцияси.

Абяз шаҳрида мабдага асосланган шундай бир оммавий сафарбарлик бўлдики, бундайи илгари кузатилмаганди. Ҳизб ут-Тахрирнинг ёш ва кекса ёшдаги аъзолари шаҳар ва қўшни шаҳарлар аҳолиси билан биргаликда, Ҳизб ут-Тахрир – Судан вилояти чақирган Халифалик конференциясини дарҳол лаббай деб қабул қилдилар. Ҳижрий 1441 йил 5 ражаб, милодий 2020 йил 29 февралда Ҳуррият майдонида ўтказилган

«ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَاجِ النَّبُوَّةِ»

«... Кейин Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади», номли ушбу конференция маҳобатли байрамга айланиб кетди... конференция иштирокчилар дилларида умид уйғотиб, тушкунликни аритди. Зеро, Халифалик кулатилганининг 99 йиллик хотираси муносабати билан Ҳизб уюштирган ушбу тадбирни кўриш учун Умматнинг жуда кўп фарзандлари йиғилди.

Ўқувчиларимизни конференцияда тақдим этилган фикрлар билан таништиришдан олдин, конференциядан бир неча кун муқаддам Ҳизб уюштирган жонли сиёсий тадбирни эслатиб ўтмоқчимиз. Гап шундаки, Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари Умнат оммасига маърузалари йўлладилар... Маърузалар Абяз шаҳридаги масжидларда ва бозорлар майдонларида янгради. Натижада, шаҳар аҳолиси одамларнинг йиғинлари, ўтиришлари ва байрамларида асосий бошловчига айланган Ҳизб ут-Таҳрир маърузасига ижобий реакция билдирди... ҳамма ерда такбирлару таҳлиллар янграб, мусулмон фарзандлари ўртасида жипслашув келиб чиқди, гўё ҳамма таҳрир-озодлик ва Халифалик барпо бўлиш учун битта ҳизбга айлангандек эди.

Кейин конференция белгиланган шанба куни аср вақти келди. Конференция бешта маърузадан иборат бўлиб, уларда Ислому Умнатининг Халифалик қулатилиши ордан қандай аҳволга тушгани баён қилинди, Умнатга қарши Ғарб тўқиётган тил бириктирув ва фитналар онгли равишда ёритилди.

Биринчи маъруза Ҳизб ут-Таҳрир – Судан вилояти мажлиси аъзоси устоз Назир Муҳаммадхусайн томонидан тақдим этилди ва «Ҳокимиятдаги иллатнинг муолажаси Халифаликдир, унинг дориси ҳикмат ва илм эгаси бўлмиш Аллоҳ томонидан келган мафкурадир», деб аталди. Устоз ўз маърузасида – мусулмон ўлкаларидаги, шу жумладан Судандаги ушбу бошқарув кризисига инсон томонидан ўйлаб топилган тузумларнинг татбиқ этилгани сабабдир, чунки бу тузумларда бошқарув ўлжага, сиёсат тижоратга айланган, ҳокимият ишларига оппортунистлар ва рувайбизалар раҳбарлик қилиб, улар очкўз капитализм учун халқларни қул қилиб келишмоқда, деди. Сўнг устоз бошқарув муаммоларининг ҳар бирини ҳал этишга ёлғиз Иломий Халифалик тузумигина қодирлигини, чунки у Аллоҳ Азза ва Жалла томонидан келганини баён қилди.

«Солиқ йиғиш, қашшоқлик ва Ғарбга мутеликдан қутқаришга фақат Халифалик тузуми қодир» номли иккинчи маърузани Ҳизб ут-Таҳрир марказий алоқалар қўмитаси раиси устоз Носир Ризо тақдим этди. Унда иқтисодий кризисни ҳал қилишнинг амалий йўллари баён қилинди.

Кейин Ҳизб ут-Таҳрир аъзоси устоз Назир Мухтор «Халифалик давлатида ижтимоий низом поклик ва мусаффолик ҳаётида қандай қилиб тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат келтиради» номли учинчи маърузани тақдим этди.



Тўртинчи маъруза «Халифалик давлатида таълим тизими бутун борлиққа зиё таратади» номи остида бўлиб, уни Ҳизб марказий алоқалар қўмитасининг Абяз шахридаги фаолиятлар бўйича раиси устоз Аҳмад Вдоа тақдим этди.

Сўнг бешинчи маърузани Ҳизб ут-Тахрирнинг Судан вилоятидаги расмий нотиғи шайх Иброҳим Усмон (Абу Халил) тақдим этди. «Халифалик Исломнинг ғойиб бўлган давлатидир, уни барпо этмоқ фарзидир» номли маърузасида ушбу ажойиб нотиғимиз Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифаликни давлати барпо этиш фарзлиги ҳақида сўз юритди.

Шуни таъкидлаш лозимки, тадбирларимизда Шимолий Кордофан вилояти телевидениеси камералари ҳам тайёр эди, конференциянинг асосий қисмлари телевидение орқали халққа тақдим этилди. Айниқса, иштирокчилар ичида кўчма матбуотнинг алоҳида роли бўлди. Шунингдек, «Ахборул Явм», «Жарида», «Ахромул Явм», «Мажҳар Сиёсий», «Ҳикоёт» каби газеталар ҳамда «Сона» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари ўзларининг чиройли изоҳлари билан анжумани ёритиб боришди. Айниқса, Шимолий Кордофан радиосининг конференция бўлиши ҳақида тўрт кун аввал хабар тарқатганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, анжуманда Арус Римол (Абяз шахрининг тахаллуси) шахридан сиёсатчилар, уламолар ва фаоллар ўзларининг ташрифлари ва моддий-маънавий қўллаб-қувватловлари билан қатнашдилар. Абяз аҳолиси Хартум ва Қазорифдаги матбуот бўлимидан келган Ҳизб аъзоларига нисбатан юқори даражада саҳоват кўрсатдилар. Ҳатто Ҳизбнинг айрим аъзолари, юртнинг улуғлари ва етакчиларининг Исломга бўлган муҳаббатини ҳурматлаб, шаҳарнинг тақволи ва покиза аҳлининг бошларидан ўпдилар. Аллоҳ уларни биз учун ва бутун Уммат учун кўп яхшиликлар билан мукофотласин.

**• Одамларга Ҳизб ут-Тахрир амири, улуғ олим Ато ибн Халил Абу Роштаннинг Халифалик қулатилганининг 99 йиллик хотираси муносабати билан сўзлаган нутқини тарқатиш кампанияси:**

Ҳизб ут-Тахрир – Судан вилояти милодий 23 март 2020 йил, ҳижрий 28 ражаб 1441 йил, душанба куни Ҳизб ут-Тахрир амири, улуғ олим Ато ибн Халил Абу Роштаннинг (Аллоҳ у кишини сақласин ва у киши орқали фатҳ берсин) сўзлаган нутқи нусхаларини тарқатди. Ҳизб ушбу нусхаларни кенг доирада пойтахтда ва Суданнинг турли минтақаларида тарқатар экан,

Умнатга 99 йил олдин, яъни 1342 ҳижрий сана 28 ражабда юз берган аламли ҳодисани эслатди.

- **Шимолий Хартумдаги оммавий мурожаат:**

Ҳизб ут-Таҳрир – Судан вилояти Халифалик кулатилганининг 99 йиллик хотираси муносабати билан ҳижрий 1441 йил 10 ражаб, милодий 2020 йил 5 март пайшанба куни Шарқий Хартум шаҳрида оммавий мурожаат йўллади.

- в) **Ҳизб ут-Таҳрир – Тунис вилояти:**

- Ҳизб ут-Таҳрир – Тунис вилояти Халифалик кулатилганининг аламли хотираси муносабати билан «Халифалик кулатилганига 99 йил бўлди... Қачонгача хасислар дастурхони атрофида етим бўлиб қоламиз?!», номли матбуот баёноти нашр қилди. Баёнотда бундай дейилади:

«Эй мусулмонлар: Милодий 1924 йил 3 март, ҳижрий 1342 йил 28 ражаб ойда араб ва турк хоинлари ўша пайтдаги Британия етакчилигидаги мустамлакачи кофирлар билан тил бириктириб, Халифалик давлатини кулатишди. Бу давлат мусулмонни бирлаштириб турар ва уларни ҳимоя қилар эди. Ушбу давлат заволят топиши билан мусулмонларнинг оёқлари остида ер титради ва юртлари мустамлакачи кофирлар нуфузи остига ўтди. Мустамлакачилар уларни давлатчаларга бўлиб ташлаб, ҳар бирининг тепасига малай ҳокимларни ўрнатди. Уларнинг номигина ҳоким эди (лекин кофирлар нимани буюрса, бажарар ва нимадан қайтарса, қайтишар эди). Ислому Халифаликнинг ҳаётга қайтишини олдини олиш учун ер юзида қанчалик ёмонлик мавжуд бўлса, ҳаммасидан фойдаланишди. Малай ҳокимлар Ислому мусулмонларга қарши қаратилган ушбу ифлос сиёсатни амалга оширишда пешқадамлардан бўлишди.

Ушбу қора кундан бошлаб биз мусулмонлар бошига турли фитна ва мусибатлар ёғилди. Чор атрофимиздан қотиллар ўраб олди. Британия хорлик ва мискинлик битилган яҳудийларни Фаластинга, Исро ва Меърож ерига ўрнатди. Ислому Халифаликнинг қайта тикланишига қарши курашга ер юзи аҳолисини жалб қилган Америка уларни янада мустаҳкамлади. Ироқ ва Афғонистонни парчалашди. Америка президенти Трамп Ҳиндистонга бориб, хиндларни мусулмонларни ўлдириш ва йўқ қилишга рағбатлантирмоқда... Хитойда эса, бутун бир халқ мусулмон бўлгани учун қамоққа ташланмоқда. Ғарб режимлари ва малайларига қарши мусулмонлар кўзғалган юртларда бутун ер аҳолиси уларга қарши итлардек ташланди. Улар ҳар куни мусулмонларни қатл қилишда Шом жаллодига ёрдам беришмоқда.

Яман ва Ливия ишларига аралашиб, уларни бекорчи урушлар гирдобига чўктиришмоқда ва парчалаб ташлашмоқда.

Аммо кўзғолон бешиги бўлмиш Тунисда, мустамлакачи давлатлар элчилари ҳамда халқаро ва регионал ташкилотлар капиталистик илмоний режимнинг қулашига йўл қўймаслик ва бу юртнинг Ғарбга тобе хор давлат бўлиб қолиши йўлида бўзчининг моксидек келиб кетишмоқда. Шунингдек, Тунисни илмоний конституцияни қабул қилишга мажбурлаб, малайлари орқали давлат идоралари ва бўлимларига ҳукмронлик қилишмоқда. Хорлигимиз шу даражага етдики, Британия элчихонаси ҳукумат бошлиғи ва барча ҳукуматни чеклаб, юрт сиёсатини чизиб берди. Халқаро Валюта Фонди эса, ўзининг иқтисодий программаларини амалга оширмоқда...

### **Эй Зайтуна юртидаги мусулмонлар:**

Бу бугунги мусулмонлар ва бизнинг аҳволимиз бўлиб, биз парчаландик, бўлиндик, мустамлака қилиндик ва хўрландик. Умнат юз йилга яқин вақтдан бери давлатсиз, Халифаликсиз ва халифасиз яшамоқда. Ислом бошқарув, сиёсат, иқтисод ва ҳаётдан узоқлаштирилди. Юртларимиз фасод ва харобага тўлди. Устимиздан мустамлакачи кофирлар ҳукмрон бўлиб олиб, бизни малайлар бошқармоқда. Биз азизлик ва ҳурматни йўқотдик. Мусулмон қаерга бормасин хорланмоқда. Умар Форук бунинг сабабини шундай тушунтирган эди: (Биз хор эдик, Аллоҳ бизни Ислом билан азиз қилди. Агар биз азизликни Аллоҳдан бошқасидан изласак, Аллоҳ бизни хор қилади).

Биз бугун ўша азизликни қайта тиклашга қодирмиз. Чунки аждодларимизни олий чўққиларга кўтарган Ислом Росулulloҳ ﷺ га тушганидек қўлимизда турибди. Сизларнинг орангизда Ҳизб ут-Тахрирдек холис, онгли, ўз аҳлига ёлғон гапирмайдиган сиёсий етакчи мавжуд. Сизлар уни ўз сўзи ва амалида рост сўзлашини биласиз, у сизлардан мукофот ёки ташаккур сўрамайди. Балки у Аллоҳ Таолонинг қуйидаги қавлига лаббай деб жавоб берар экан, Аллоҳнинг шариатини ҳакам қилиш орқали у зотни рози қилишга ҳаракат қилади.

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

*«Йўқ, Роббингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишимовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла*

**таслим бўлмагунларича-бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар»** [Нисо 65]

Аллоҳ учун қалбингиздаги яхшилиқни кўрсатинг ва Роббингизнинг нидосига жавоб беринг, ҳаракатсиз ўтириб гуноҳга ботманг. Чунки бу иш албатта Аллоҳнинг изни билан рўёбга чиқади, у Аллоҳнинг ваъдасидир.

**г) Ҳизб ут-Таҳрир – Малайзия:**

• Ҳиндистон олий комиссариати олдида намоиш қилиниб, мусулмон қўшинларни ҳаракатга келишга ҳамда Умматни Халифалиқни барпо қилиш учун фаолият қилишга даъват қилинди

Ҳиндистонда, айниқса, Нью-Дехлида мусулмонлар қирғин қилинаётганига норозилик билдириш учун Ҳизб ут-Таҳрир – Малайзия 2020 йил 6 март куни пойтахт Куала-Лумпурда тинч намоиш ўтказди. Маълумки, хинду экстремистлари бош вазир Нарендра Модининг рухсати ва қўллаб-қувватлови остида мусулмонларни қирғин қилиб, масжидларни ёқишди, уй-жойларни ва бошқа мол-мулкларни вайрон этишди. Бу қирғин Ҳиндистондаги мусулмонларнинг 2019 йилги фуқаролик қонунига ўзгартиш киритилишига қарши норозилик намоиши ўтказишлари ортидан юз берди. Ҳиндистон ўзини дунёдаги энг демократлашган давлат эканини даъво қилиб, мақтанса-да, ирқчиликка асосланган қонунларни қабул қилди ҳамда юртни мусулмонлардан холи хинду давлатига айлантирмоқчилигини очиқ билдирди. Трамп «исломий экстремизм»га қарши кураш дастаги остида мусулмонларни қиришга яшил чироқ ёқиб берганидан кейингина Модии ушбу манфур қилмишни содир этишга журъат қилди.

Ушбу намоиш Ҳиндистон Олий комиссариати биносидан 250 метр нарида Жамил Эҳсон масжидида жума намозидан сўнг бошланди. Намоишчилар масжиддан такбир садолари остида чиқишди. Таъкидлаш лозимки, Ҳизб ут-Таҳрирнинг Малайзиядаги расмий нотиғи намоиш етакчиси устоз Абдулҳаким Усмон нутқ сўзлаб, хусусан Малайзия, Покистон, Бангладешдаги ва бутун мусулмон юртларидаги армияларни Ҳиндистондаги мусулмонларни жинояткор хинду режими қўлидан қутқариш учун Аллоҳнинг йўлида жиҳод эълон қилишга чақирди. Шунингдек, бутун мусулмонларни бир тану бир жон бўлиб, Ҳизб ут-Таҳрир билан бирга Халифалик давлатини барпо этишга даъват қилди. Сўнг, Халифалик давлати бутун дунёдаги мусулмонларни Исломга мувофиқ битта етакчилик остига бирлаштириш билан бирга, уларнинг ҳалоскори эканини ҳам таъкидлади. Устоз нутқи сўнггида «Ҳизб ут-Таҳрир Росулulloҳ ﷺ башорат қилган рошид

Халифаликни барпо этиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш йўлида кунларини тунларга улаб бутун мусулмон юртларида фаолият олиб бормоқда», дея таъкидлади.

• **Малайзиядаги тадбирлар интернет орқали ўтказилган конференция билан якун топди:**

Куала-Лумпур 2020 йил 22 март. Бутун мусулмонлар, хусусан, Малайзиядаги мусулмонлар Ҳизб ут-Тахрир билан биргаликда олиб борилаётган рошид Халифалик барпо этишга ҳаракати қўшилишга чақирилди. Чунки Халифалик фарз бўлиб, унинг татбиқи ҳижрий 1342 йилнинг 28 ражаб ойида ушбу улуғвор кўрғонимиз ағдарилгандан буён кечикиб келаётир.

Бу сўзлар (ҳижрий 1441 йил 27 ражаб, милодий 2020 йил 22 март якшанба куни эрталаб) Ҳизб ут-Тахрир-Малайзия томонидан Халифалик кулатилгани хотирасида йўллаган мурожаатнинг асосий қисмини ташкил қилади. Дарҳақиқат, Ҳизб ут-Тахрир-Малайзия ражаб ойида бутун дунё бўйлаб олиб борилаётган кампания билан бир вақтда бир қатор тадбирлар ўтказди. Онлайн конференциядан олдин фейсбук орқали уч кеча тўхтовсиз баҳс-мунозара ўтказиб, Халифаликка бўлган эҳтиёж ҳақида суҳбатлашди.

Онлайн конференцияда тўртта маърузачи қатнашди, шу жумладан, Ҳизб ут-Тахрирнинг Малайзиядаги расмий нотиғи ҳам. «2020: Оламга етакчилик қилиш учун Халифаликнинг қайтиши» номли конференцияда улар маърузалар қилишди.

Дастурни биринчи устоз Абу Талха ўзининг «Миллий Хавфсизлик Кенгашининг Халифалик қайта барпо бўлиши тўғрисидаги тахминлари» номли маърузаси билан бошлади. Устознинг таъкидлашича, 2004 йил Қўшма Штатлардаги Миллий Хавфсизлик Кенгаши қарор қабул қилган. Устоз қарор билан қисқача таништирар экан, Ҳизб ут-Тахрир ўз фаолиятида бу қарорга мутлақо ишонмайди, бироқ қарордан Ислому душманларининг жиддийлиги, улар Умматнинг сиёсий вужуди жонланаётганидан кўркишаётгани кўриниб турибди, деди.

Иккинчи маърузачи устоз Муҳаммад Амин ўзининг «Кофир раҳбарларнинг Халифаликнинг қайтишидан кўркиши» номли нутқида шу вақтга қадар кофир раҳбарлар айтган сўзлардан иқтибослар келтирди. Бунга қўшимча, Ислому душманларининг Халифалик барпо этилишини олдини олишга қаратилган стратегияларини ҳам очиқ берди.

Учинчи маърузачи устоз Умар Ҳусайн бўлди. У ўзининг «Демократия кофирларнинг Халифалик қайтишига қарши тузган

лойиҳаларидан биридир» номли нутқида демократиянинг воқелиги, унинг Исломга зидлиги, Ғарб унинг мусулмон ўлкаларига қай тарзда экиб, ундан Халифаликнинг қайта барпо этилишини кечиктиришда фойдаланаётганини баён қилди.

Кейин Ҳизб ут-Таҳрирнинг Малайзиядаги нотиғи устоз Абдулҳаким Усмон сўнгги якуний маърузани тақдим этди. Устоз ўз маърузасида Халифаликнинг қайта барпо бўлажигига оид Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг ваъдаси ва Росули ﷺнинг башоратлари борлигини маълум қилиб, шу ҳақдаги Росул акрамнинг ҳадисларини шарҳлаб берди. Сўзи ниҳоясида Умнатнинг Халифалик барпо этишга жиддий қараши лозимлигини, бунга сукут қилиш билан эса, ҳар бир мусулмон гуноҳкор бўлишини таъкидлади. Хулоса сифатида, Халифалик Аллоҳнинг изни ила, албатта барпо бўлади, ҳатто унинг Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг иродаси билан шу жорий йилда барпо этилиши ҳам мумкин эканини қўшимча қилди.

Ушбу онлайн конференция ортидан унинг томошабинлар саволларига жавоб бериш қисми бўлиб ўтди. Конференция кундуз соат 12:30 атрофида тамомланди.


#### д) Ҳизб ут-Таҳрир – Миср вилояти:

• Ҳизб ут-Таҳрир – Миср вилояти Халифалик ағдарилганининг 99 йиллиги хотираси муносабати билан **«Халифалик кулатилганининг 99 йиллигининг аламли хотираси. Эй мусулмонлар, Халифаликни тикланг, чунки унда азизлик бор ва у билан халқлар ва умматлар орасидаги мартабамиз тикланади»**, номли матбуот баёноти нашр қилди. Баёнотда бундай дейилади:

«Биз шу кунларда аламли хотиралар билан яшамоқдамиз. Зеро, ҳижрий 1342 йил 28 ражаб, милодий 1924 йил 3 мартда аср жиноятчиси Мустафо Камол қўли билан Халифалик кулатилди. Дарҳақиқат, Халифалик кулатилиши улкан фожиа бўлган эди. Бу фожиа туфайли исломий давлатнинг барча томонлари титради.

Биз Умнатга улкан мусибат ва аламли ҳодисани эслатмоқдамизки, у туфайли Умнат ўлимга яқин келиб қолди ва душманларининг ёмонлигидан ҳимоя қиладиган ҳақиқий етакчисиз қолди. Бошқача айтганда ортида туриб жанг қилинадиган ва ҳимояланиладиган тақволи, пок халифасиз қолди. Биз Халифалик кулатилгач, хасислар дастурхонидаги етимларга айландик. Йиртқишлар ўз ўлжасига ташланганидек бошқа халқлар бизга ташланадиган бўлди. Натижада, Фаластин ва бошқа исломий юртлар зое кетди. Устимизга ҳеч қандай жавобгарликни ҳис

қилмайдиган, бизга қаттиқ қўл ва кофирларга хоксор рувайбизалар келди... Биз Умматга Халифалик қулатилганини эслатар эканмиз, уни қайта тиклаш буюк фарз экани ҳамда уни тиклашга ҳаракат қилмаслик катта гуноҳ эканини ҳам эслатамиз. Чунки мусулмоннинг елкасидаги жавобгарлик бой берилган фарзлар тожи, яъни Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликни тиклашга ҳаракат қилиш билангина соқит бўлади...

Уммат уйғониш йўлида ушлаши лозим бўлган андоза рошид Халифалик андозасидир. Уммат ушбу андозага нафақат у иқтисодий, илмий ва бирлашиш соҳасида тенги йўқ муваффақиятга эришгани учун эргашади. Балки рошид Халифалик ўзидан тузум балқиб чиқадиган ақлий ва сиёсий ақидага суянгани учун эргашади. Бундан ташқари ушбу низом Аллоҳ Таоло шу Уммат учун рози бўлган ва Росулulloҳ ﷺ унинг биносини курган низомдир. Шунингдек, унинг фарзлиги саҳиҳ ҳадислар орқали таъкидланган. Саҳоба лар унинг фарзлигига ижмо қилишган ва шу йўлдан юришган. Натижада, давлатлар тикланиши вақтига таққослаганда жуда қисқа вақт ичида уни дунёдаги биринчи давлат мақомига кўтаришган».

**е) Ҳизб ут-Тахрир – муборак Фаластин замини:**

**• Ғазо сектори:**

Ҳизб аъзолари ўз фикрларини одамларга етказиш ва улар билан боғланиш мақсадида турли тадбирлар уюштирадилар. Айни тадбирлардан бири, Ғазо минтақасидаги кўплаб катта кўчалар ва проспектларга баннерлар илишдан иборат бўлди. Баннерларда маҳаллий ва халқаро йўналишлардаги фикрий, сиёсий ва иқтисодий шиорлар битилган бўлиб, қуйида ана шу шиорлардан асосийларини мисол қилиб келтирамиз:

- «Халифаликни барпо этиш вақти келди, кофирлар лойиҳаларининг миси чикди»;
- «Икки давлат ечими ва Трамп келишуви битта танганинг икки томонидир»;
- «Халқаро қонун ортидан ҳакиллаб чопиш залолат, сароб ва қарамликдир»;
- «Ақсо Уммат ва унинг армиясини ёрдамга чақирмоқда»;
- «Кофирлардан ёрдам сўраманг, Уммат армиясидан нусрат талаб қилинг»;
- «Фаластинни озод этиш – тахтларни ағдариш ва армияларни ҳаракатлантириш билан бўлади»;
- «Фаластин яҳудийларни дўст тутганларга эмас, Фотиҳларга интизор»;

- «Яҳудийлар билан музокара қилиш, Фаластинга қарши жинойатдир»;
- «Халифалик юртлар ва фуқаролар халоскоридир»;
- «Трамп келишуви Халифалик ва унинг армиялари оёғи остида қолажак»;
- «Халифалик Умматнинг икки дунё бахтига элтади»;
- «Халифаликни барпо этишга ҳаракат қилиш, Аллоҳ билан фойдали савдо битимидир»;
- «Фаластин мусулмонларга – орангизда Салоҳиддинлар йўқми, дея нидо қилмоқда».

- Ҳизб ут-Таҳрир – муборак Фаластин замини «Ислом Уммати ва унинг армиялари учун Халифаликни ва муборак Ақсо масжидини озод этиш вақти келмадими?!» номли мумтоз бир варақа чиқарди. Унда Аллоҳ Субҳанаҳуга дуо қилиниб, Уммати билан унинг армиялари учун Халифалик сари Ислом йўлларини очиб бериши, улар орасидан эшитувчи қулоқлар, англовчи ақллар чиқариб бериши сўралди.

- Ҳизб ут-Таҳрир – муборак Фаластин заминининг аёллар қаноти ушбу заминнинг бир гуруҳ холис даъват етказувчилари билан жонли суҳбат уюштириб, айна хотирага нисбатан ҳар томонлама ёндашдилар. Аёллар қисми ўтказган ушбу тадбир ҳам Ҳизб ут-Таҳрир амири улуғ олим Ато ибн Халил Абу Роштанинг Халифалик қулатилганига 99 йил тўлгани хотираси муносабати билан берган кўрсатмалари асосида амалга оширилди.

**д) Ҳизб ут-Таҳрир – Покистон вилояти:**

- Ҳизб ут-Таҳрир амири нутқини тарқатиш кампанияси:  
Ҳизб ут-Таҳрир – Покистон вилояти ижтимоий тармоқ орқали кенг кўламда Ҳизб ут-Таҳрир амири улуғ олим Ато ибн Халил Абу Роштанинг Халифалик қулатилганига 99 йил тўлгани хотираси муносабати билан сўзлаган нутқини тарқатиш кампаниясини ўтказди. Ушбу кампания Покистон миқёсидаги учинчи йирик акция бўлди.

**ё) Ҳизб ут-Таҳрир – Голландия:**

- Ҳизб ут-Таҳрир – Голландия (ҳижрий 1441 йил 27 ражаб, милодий 2020 йил 22 март якшанба куни) жонли онлайн эфир уюштирди. «Пайғамбарлик минҳожиди асосидаги рошид Халифалик давлати барпо этилмагунча хавфсизлик бўлмайди» номли ушбу тадбирда башариятнинг коронавирус тарқалиши сабабли бошдан кечираётган қийинчиликлари, хавфсизликнинг йўқлиги ҳамда мусулмонларнинг Халифалик ағдарилиб, бутун миллатларнинг ўлжасига айланганларидан кейинги ҳолатлари ҳақида сўз



юритилди. Зеро, бир тарафда Хитой мусулмонларни қамок лагерига ташлаб, қийноқларга тутаётган бўлса, гоҳ Мьянма, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар томонидан таланмоқда... Юрглари босиб олинмоқда, бойликлари талон-торож этилмоқда... Буларнинг барчасига ортида туриб жанг қилинадиган ва у билан ҳимояланиладиган халифанинг 99 йилдан бери йўқлиги сабабдир. Бас, то Росулulloҳ ﷺ барпо этган давлатимизни қайта барпо этмас эканмиз, на хавфсизликка эришамиз ва на тинчликни ҳис қиламиз.

Жонли эфирда Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифалик давлати бўлган Ислом давлатини барпо этишнинг шаръий йўли ҳам баён қилинди.

### **ж) Ҳизб ут-Таҳрир – Америка:**

Маълумки, Ҳизб т-Таҳрир амири улуғ олим Ато ибн Халил Абу Роштанинг кўрсатмаси асосида Ҳизб ут-Таҳрир ҳижрий 1441 йил 28 ражабда Халифалик қулатилганининг 99 йил тўлиши хотираси муносабати билан катта халқаро кампания бошлаган. Ушбу кампания доирасида Ҳизб ут-Таҳрир – Америка ҳам ҳижрий 1441 йил 12-шаъбон, милодий 2020 йил 5 апрел якшанба куни «Халифалик конференцияси 2020» номли ўзининг йиллик конференциясини ўтказди. Конференция «Глобал нотинчликдан глобал тинчликка», деб аталиб, бутун дунё бошдан кечираётган коронавирус кризиси сабабли жонли онлайн эфирда тарқатилди. Зеро, ушбу пандемия бутун дунёда миллиардлаган зиёни ўз ичига олган навбатдаги иқтисодий кризисни келтириб чиқарди.

Конференцияда қуйидаги мазмунда сўзлар айтилди:

Оммавий ишдан бўшашлар юз миллионлаб кишиларга таъсир кўрсатди. Улар бошдан кечираётган уйдан чиқмаслик чекловларини олам илгари учратмаган. Булар бойликларни тенг тақсимламаслик, сиёсий нотинчликлар ва ўнлаб йиллардан бери оламни ўз домига тортаётган гуманитар кризислар тобора ошиб бораётган бир манзарада юз бермоқда.

Ушбу манзарада Уммат – хоҳ озчилик бўлсин, хоҳ кўпчилик бўлсин, фарқсиз – машриқдан мағрибгача қақшатқич репрессияни бошдан кечирмоқда. Капиталистик илмоний ҳукуматлар уйғун жамиятларни бино этишга, миллиардлаган инсонларнинг асосий эҳтиёжларини таъминлашга муваффақ бўлишолмади.

Бутун олам альтернатив ечимни интиқлик билан кутмоқда. Ушбу глобал ечим Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик давлати соясида Ислом тузумини татбиқ қилишдан иборат. □

## ИСЛОМ БАШАРИЯТНИ БОШҚАРИШГА, ОМАДСИЗ КАПИТАЛИЗМ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРГАН КРИЗИСЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ҚОДИРДИР

**Абдуллоҳ Абу Мусъаб – муборак Фаластин замини**

Бугунги кунда дунё барча соҳада энг ёмон шароитда яшамокда ҳамда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳада энг аянчли аҳволга тушиб бормокда. Дунё давлатларига Ғарбнинг тўлиқ ҳукмронлик қилиши, уларни капиталистик ақида ҳамда ундан келиб чиққан адолатсиз, золим ва бузуқ режимларнинг бошқариши... бутун дунё давлатларини ниҳоясиз кризислар ва фожиалар исканжасида яшайдиган қилиб кўйди. Бу аҳвол барчани ечим излашга мажбур қилди... Бу ечим фақат Исломда мавжуддир. Чунки у Раббоний бўлиб, воқеда ундан бошқа ечим бера оладиган мабда йўқ... Ғарб бу ечимнинг Исломда мавжуд эканлигини яхши билади. Шу боис, уни башарият етакчилигини қўлга олишидан, омадсиз капитализм келтириб чиқарган кризисларни ҳал этишидан узоқлаштириш учун унга қарши уруш қилишга ва уни обрўсизлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Биз бутун дунёнинг ботил капитализм ҳукмронлиги сабабли барча соҳаларда қулаб бораётганини биргаликда кўриб чиқамиз.

**Сиёсий соҳада:** Дунё жуда кўп ёлғонлар ва сиёсий иккиюзламачилик устида яшамокда. Дунёдаги нуфуз устида сиёсий рақобат кечаётган минтақалар сиёсий тартибсизликлар ва бўронли ҳодисалар исканжасида яшамокда. Муҳим стратегик зоналар, энергия манбалари ва табиий бойликлар устида кечаётган қизгин сиёсий рақобатлар натижасида... шунингдек, халқаро кучларнинг Исломга қарши курашишга ҳамда мусулмонларни бирлаштирадиган сиёсий вужуд қайта барпо этилишини олдини олишга келишиб олиши натижасида... Жанубий Америка ва баъзи Европа давлатларида, Корея ярим оролида, Ўрта Шарқда, Ҳиндистон ярим ороли ва Африкада ички ва ташқи кризислар тинчимаяпти. Ироқнинг босиб олиниши ва Абу Ғурайб қамоқхонаси можаролари... Афғонистоннинг босиб олиниши ва Баграм қамоқхонаси можароси... Фаластин ва Кашмир масаласи ҳамда уларнинг босиб олиниб, аҳолисига нисбатан энг жирканч қирғинлар содир этилиши... Судан ва Индонезиянинг бўлиниши... Чеченистон ва Босниядаги оммавий қирғин... Африкадаги вайрон қилувчи фуқаролар уруши... дунёнинг кўплаб минтақаларидаги тоифачилик урушлари ва қабилачилик низолари... булар бутун дунёнинг жирканч капитализм ҳукмронлиги остидаги аянчли аҳволига тирик гувоҳдир. Халқаро сиёсий тахтни капитализм

эгаллаганидан бошлаб, дунё тўхтовсиз сиёсий нотинчликларни ҳамда йирик капиталистик давлатлар ўртасида кечаётган даҳшатли сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий урушларни бошдан кечирмоқда. Бу урушларда бирор қоидага ёки қадриятга риоя қилинмаяпти. Чунки бу курашларда барча жирканч восита ва услубларни қўллашга рухсат берилган. Шунинг учун бу урушларда дунё бўйлаб миллионлаган одамларнинг ўлим топиши, ўн миллионлаб кишининг оч ва уй-жойсиз қолиши табиийдир. Зеро, улар учун ҳар қандай қадрият аҳамиятсиздир. Шунинг учун бундай нарсаларнинг мавжудлиги ушбу сиёсий курашда устунликни кафолатлаш ва мақсадларни амалга ошириш учун босим манбаси бўлиб келган. Одамларни азоб-уқубатга соладиган урушларга сармоя киритиш узоқ муддатли капиталистик сиёсатнинг бир қисмидир.

Хуллас, халқаро сиёсатни, давлатлар ва халқлар тақдирини асосан Америка, баъзи Европа давлатлари, Россия ва Хитой бошқармоқда. Улар бошқараётган ушбу халқаро сиёсат дунёни бўлиб олишга, дунё давлатларини оёқ-ости қилишга, сиёсий кризисларга ғарқ қилишга ва ўз манфаатларини рўёбга чиқариш учун уруш очишга асосланган. Айни пайтда, дунёдаги бошқа халқлар манфаатлари улар учун ҳеч қандай қийматга ва салмоққа эга эмас. Улар «терроризм ва экстремизмга қарши уруш», «демократияни ёйиш», «озчиликларни ҳимоя қилиш» ва «Ғарбнинг юксак қадриятларини сақлаш» каби сохта баҳоналар билан дунё бўйлаб урушларни алангалатишмоқда. Шунингдек, юртларни босиб олиб, у ерларда эҳтимолли душманни ўлдириш, кўрқитиш ва бўйсундириш учун фойдаланиладиган ҳарбий базаларни ўрнатишмоқда. Улар кўп ҳолларда ўзлари келтириб чиқарган ва кучайишида уларнинг қўли бўлган муаммоларнинг ҳар қандай сиёсий ечимини ўз қарашлари асосида белгилашади. Бундан мақсад ушбу юртларни доимий кризислар билан машғул қилиб қўйиш ҳамда уларни БМТ ва Хавфсизлик кенгаши каби мустамлакачи ташкилотларга чамбарчас боғлаб ташлашдир.

Ислом дунёси бир асрдан кўпроқ вақт давомида ушбу сунъий сиёсий муаммолар марказида яшамоқда. Чунки Ислом дунёси капитализмнинг биринчи душмани бўлгани учун, у капиталистик Ғарб давлатлари нишонига эришди. Зеро, у капитализмни тугатишга, дунёни ва дунё алоқаларини ўзига хос дунёқараш асосида ҳамда руҳий, инсоний ва ахлоқий қийматлар моддий қийматлардан устун бўлган оламдаги мумтоз турмуш тарз асосида қайта бино қилишга қодир ягона номзоддир. Мусулмон юртларга қарши қўлланаётган кенг кўламли иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жазо чоралари...

Мусулмонларга қарши содир этилаётган ҳарбий ҳужумлар ва қирғинлар... пуллар ва табиий бойликларнинг талон-торож қилиниши... сақофий ҳужум... шунингдек, мусулмонларнинг сиёсий вужуди бўлган Усманий Халифалик давлати кулатилганидан кейин мустамлакачилар ўз манфаатларини кафолатлаш учун бизнинг юртларимизда ўрнатган полициячи малай режимлар... буларнинг барчаси мустамлакачи Ғарб сиёсатлари туфайли мусулмонлар бошига тушган мусибатларнинг фақат бир қисми холос. Уларнинг сиёсатлари ушбу оламда бошқалардан кўра кўпроқ мусулмонларга қаратилган. Чунки дунё мусулмонлари мустаҳкам ақидага ва улкан бойликларга эга бўлган тирик халқлар бўлиб, улар воқеликни ўзгартиришга ҳамда асрлар давомида дунёни бошқарганлари каби, яна уни бошқаришга доим тайёр турадилар.

**Иқтисод соҳасида:** Заиф дунё бойликлари кучли капиталистик давлатлар ҳамда очкўз капиталистлар фойдасига талон-торож қилинади. Чунки глобал иқтисодда фундаментал қарорларни қабул қилиш уларнинг қўлидадир. Улар нафақат банк ва суғурта компанияларидан ташкил топган монополистлар, балки, саноат ишлаб чиқаришда ҳамда транспорт, хизмат кўрсатиш ва булардан бошқа секторларда ўз улушига эга бўлган гуруҳлардир. Ушбу мамлакатлар аҳолиси ўз юртларидаги мўл-кўл бойликлардан бошқалар фойдаланаётганини кўрадилару, ўзлари қашшоқлик ва муҳтожликда яшайдилар.

Иқтисодиётни либераллаштириш, бозор тизимига таяниш, ижтимоий харажатларни камайтириш (яъни, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси ҳамда инфратузилма, коммунал хизмат ва бошқа тармоқлар харажатларини камайтириш), иқтисодий шартномалар, халқаро санкциялар, Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон Банки каби капитализмнинг иқтисодий воситалари кенгайиб бормоқда. Бундан мақсад дунё ресурслари, нефть ва кон бойликлари устидан капиталистларнинг доим ҳукмрон бўлишини таъминлаш ҳамда бошқа давлатларнинг заиф ва ривожлана олмайдиган ҳолда қолишини кафолатлашдир.

Халқаро Валюта Фонди буюк давлатлар ҳамда Ғарб элитаси қўллови билан дунёнинг ҳар бир бурчагида кезиб юриб, дунё ресурсларини хусусийлаштиришга ҳаракат қилади ва дунё давлатларини кўп миллатли компаниялар қаршисида ўз бозорларини очиқ қолдиришга ундайди. Бунинг натижасида келиб чикқан, автократик (бошқарув якка шахснинг қўлида бўлган) режимларда коррупция кенг тарқалишига замин яратган коллектив

(жамоавий) хусусийлаштириш АҚШ ташқи сиёсатининг тамал тоши ҳисобланади. Буюк капиталистик давлатлар ҳомийлиги остида бўлган Жаҳон Банкнинг кўрсатмаларини ижро қилган барча мамлакатларда натижа даҳшатли бўлди. Чунки ўсиш ва ривожланиш даражаси пасайиб, қашшоқлик, ишсизлик, ўлим ва жиноятчилик даражаси ошди.

Энтони Ловенштейн муаллифлигидаги «Дунё билимлари» китобининг 2019 йил ноябр ойидаги 478 сонли янги нашри «Капитализм офатлари: Глобал ҳукуматлар ва компаниялар урушлар офатларидан ҳамда башарият мусибатларидан қандай қилиб катта даромад оладилар» сарлавҳаси остида чиқди. Нью-Йоркдаги 11 сентябр ҳужумларидан кейинги муҳитнинг маҳсули ҳисобланган бу китоб ғарбий капиталистик тузумнинг жирканч юзини фош қилди ва ушбу тузум яширинган пардани очиб ташлади. Зеро, бу тузум шу парда ортига яшириниб, дунёдаги заиф халқларни эксплуатация қилди... фойда топиш учун қочоқларнинг гуманитар фожиасидан, табиий офатлардан, урушлар ва низолардан фойдаланди... заиф халқларнинг бойлик ва ресурсларини мунтазам равишда талон-торож қилди... Ғарб ҳукуматлари ва кўп тармоқли компаниялар манфаати учун халқларнинг табиий бойликларини битириб тугатди. Китобда шундай келади: «Буюк давлатларнинг капиталистик сиёсатлари «ривожланишни рўёбга чиқариш, демократияни кучайтириш, инсон ҳуқуқлари ва ёрдам кўрсатиш ишлари» номи остида кўплаб давлатларнинг халқлари учун офат ва фалокатларни келтириб чиқарган. Чунки натижалар доим салбий ва режалангидан йироқ бўлган. Бундан ташқари, ушбу фалокатлар компаниялар ва пудратчиларга миллиардлаб фойда келтирадиган савдога айланиб қолиши учун уларнинг муддатини узайтиришга ҳаракат қилишган».

Собиқ АҚШ президенти Барак Обаманинг Америка банкига – унинг қулашига йўл қўймаслик учун – 45 миллиард Австралия доллари ажратишга қарор қилиши ҳазорий чекиниш белгисидир. Чунки гарчи давлатнинг иқтисодга аралashiши ман этилган бўлса-да, давлат бойлар манфаати учун ўзининг иқтисодга аралashiшига йўл берди. Кейин иқтисод давлат ҳукмронлигидан узоқлашиб ўзининг илк босқичига қайтди. Давлатнинг бойлар манфаати учун иқтисодга аралashiши капитализмнинг заифларга нисбатан (ҳатто улар ўз тарафдорлари бўлса ҳам) жиний фаолияти қай даражада эканини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, Обама маъмурияти Америка банкнинг бир қатор ғайриоддий жиноятларидан, жумладан,

максимал махфийлик шароитида фирибгарлик қилиш ҳамда инвесторлар, суғурта компаниялари, омонатга пул қўювчилар, қўчмас мулк эгалари, акционерлар, нафақахўрлар ва солиқ тўловчиларни алдаш каби жиноятларидан кўз юмиб келди. Ипотека кредитларини ундиришга ихтисослашган маҳкама сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда ўн минглаб америкаликларни суд қилди ва бу судлов ортида АҚШ Банки турди. Судланганлар бу ҳужжатларга ўқимасдан ёки тушунмасдан ва улардаги маълумотларни кўриб чиқмасдан қўл қўйишган. Банк юз миллионлаб долларлик ипотека кредитларини пенсия жамғармаларига ва касаба уюшмаларига сотган ва бу уларнинг қиймати тушиб кетишига сабаб бўлган. Бу шуни тасдиқлайдики, капитализм ва унинг бошчилари камбағал ва муҳтожлар хусусида на аҳдга ва на бурчга боқадилар. Уларнинг наздида моддий қийматдан бошқа нарса ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Улар фақат ўз манфаатларини сақлаб қолишга интиладилар. Гарчи бунинг баҳоси ўн минглаб одамларнинг ўз захираларини ва ўзлари паноҳ топган уй-жойларини йўқотиш бўлса ҳам улар учун аҳамиятсиздир.

Иқтисодий портлашлар ўчоғи Америка бўлаётганининг сабаби, молиявий марказ мана шу давлат бўлиб қолган. Яъни, Америка банклари барча ортиқча маблағ тўпланиб қоладиган марказга айланган. Америка экспортдан кўра кўпроқ импорт қилгани сабабли «савдо балансини» мувозанатга келтириш учун мана шу ортиқча маблағни олиб келишга муҳтож бўлади.

Натижада, қарзлар, чайқовчиликлар, молиявий бозор ва деривативада фаол бўлган молиявий сектор, Америка иқтисодининг асосий секторига айланди. Кейин, Америка нияти бузуқ молиявий гуруҳларнинг ўчоғига ва вақти-вақти билан юз бериб турадиган кризислар манбаига айланиб қолди. Шунинг учун у доимий кризислар доирасига кириб қолди ҳамда бу кризисларни аниқ ҳал қилиш имконияти ҳақида фикрламасдан уларни бошқариш маъмурияти бўлиб қолди. Чунки ушбу муаммони ечиш учун мазкур нияти бузуқ молиявий гуруҳларни йўқ қилишга, капитализмнинг сиёсат ва иқтисод ҳақидаги назарияларидан воз кечишга ҳамда ҳақиқий иқтисодга оғир юк бўлиб, ғарам бўлиб ётган молиявий жамғармаларни ёқишга тўғри келади. Шунинг учун келажакда сурункали тўхтовсиз кризисларга гувоҳ бўлаверамиз. Вақт ўтиб, бу кризисларнинг учқуни дунёнинг аксар давлатларига туташиб кетиши турган гап.

Тавсия этилаётган капиталистик ечимлар кетма-кет юз бераётган иқтисодий кризислар моҳиятига алоқадор бўлмайди, балки, кризисларнинг оқибатларига ва ташқи кўринишларига қаратилади. Молиявий муассасаларнинг ликвидликни (активларнинг бозор нархига яқин нархда тезлик билан сотилиш қобилияти) йўқотиши кризисларга сабаб бўлади, деб билган одам ликвидликни пайдо қилиш учун миллиардларни сарфлаш керак деб айтади. Молиявий бозорларга етган турғунлик ва инвестицияларнинг тўхтаб қолиши иқтисоддаги муаммолар ва қоқилишларга сабаб бўлади... Бу эса, одамларни қарз олишга рағбатлантириш ҳамда бозорни ҳаракатга келтириш учун кредитларнинг фоиз ставкасини пасайтиришни талаб қилади, деб билган одам... шунингдек, облигациялар ва қимматбаҳо қоғозлар ўз қийматини йўқотиб, қизил чизикдан ўтиб кетади деб билган одам... давлат (бу жараёнга) аралашиб, муаммоли активларни, кўплаб акциялар, облигация ва қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиши керак, дейди. Дарҳақиқат, бу ечимлар фойдасиздир ва улар денгизда шудгор қилган кишининг ишига ўхшайди. Ёки кафтлари билан сув олиб, сувнинг ўзи оғзимга етиб боради, деб кутиб турган кимсанинг ишига ҳам ўхшайди. Чунки бу ечимларнинг барчасида муаммонинг асли хато тасаввур қилинган ва ечимни ҳам нотўғри изланган.

Юқоридагилар шуни тасдиқлайдики, кризисларни келтириб чиқариш капиталистик низомнинг хусусиятидир ва ушбу кризислар капиталистик иқтисоднинг ажралмас зоҳирий томонидир. Худди булут ёмғирни олиб келганидек, капиталистик низом кризисларни олиб келади. Чунки у иқтисодий муаммога «одамларнинг янгиланиб, ортиб бораётган эҳтиёжларига нисбатан ресурсларнинг етишмаслиги» деб қарайди. Шу боис, у ўзининг шу нуқтаи назаридан келиб чиқиб, камомадни ёпиш учун бойликни ўстириш, ишлаб чиқаришни ошириш, бошқалар қўлидаги бойликни қароқчилик қилиб ўғирлаш билан машғул бўлади. Кейин, жамиятдаги ҳар бир шахснинг ушбу бойликдан ўз улушини олиб, тинч ва хотиржам ҳаёт кечирishiга олиб борадиган адолатли тақсимотни эътибордан четда қолдиради. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг оширилиши натижасида истеъмол моллари ортиқча тўпланиб қолади. Шу билан бирга қашшоқлик ва ишсизлик каби иқтисодий муаммолар сақланиб қолиб, кучайиб бораверади. Шунингдек, у асосан хаёлий иқтисодга (фонд (қимматли қоғозлар) бозори), судхўрликка, монополияга ва давлат мулкани бекор қилишга ҳамда пулни бойлар қўлида айланадиган қилиб қолдириш

учун бир ҳовуч капиталистларга имтиёз беришга асосланган иқтисоддир. Бу иқтисодда қимматли қоғозлар қиймати жуда ўзгарувчан ва спекуляцияга бўйсунган бўлади. Бу билан қимматли қоғозлар олтин ва кумуш билан қопланмагани учун одамлар вақти-вақти билан ўз захираларининг қийматини кўп йўқотадилар.

Капиталистик низомдаги нуксон унинг структурасидаги нуксондир. Шунинг учун 2008 йили юз берган ва оқибатлари бугунги кунгача уланиб келаётган ипотека кризиси капитализм кризисларининг биринчиси эмас ва у охиригиси ҳам бўлмайди. 1929 йилдан 1933 йилгача давом этган, буюк депрессия деб ном олган кризисда Нью-Йорк бозори қулади. 1971 йилги доллар кризиси натижасида Никсон долларнинг олтинга боғлиқлиги узилганини эълон қилди. 1973 йили Швеция иқтисоди кризисида соатлар секторидаги ишчилар сони 100 мингдан 13 мингга озади ва курилиш сектори қулади. 1987 йили юз берган АҚШ фонд бозори кризисида Dow Jones индекси 23 фоизга тушиб кетди. 1989 йили Америкада жамғарма ва кредит муассасалари кризисга учради. 1991 йилгача давом этган бу кризисда кўчмас мулк кредитларига ихтисослашган юзлаб кичик муассасалар банкротга учради. 1989 йили Японияда активлар пуфаги портлади. «Зое кетган шартнома» деб номланган бу кризис 1998 йилгача давом этди. 1994 йили Мексика песоси (пул бирлиги) билан боғлиқ ҳукумат облигацияларининг кенг қўламда сотилиши натижасида Мексикада кризис юз берди. 1997 йили Осиё молиявий бозори кризиси юз берди. 2001 йили Нью-Йоркда Насдак бозори қулади. 2001 ва 2002 йилларда Аргентина кризиси юз берди. Булар ва булардан бошқа кризислар бир аср ичида юз берган ва капиталистик жамиятларни вайрон қилган кризислардир.

Бундан ташқари, мудом энг даҳшатли кризислар бўлаверар экан, капиталистлар ва пул ювувчилар то кризис ўтиб кетгунига қадар зиёнларга чидаб туришга мажбур бўлишяпти. Шундан сўнг, яна одамларни эксплуатация қилиш орқали катта даромад топишади. Масалан, ипотека бозорини тиклаш, бойларни камбағаллардан ҳимоя қилиш учун уларга махсус хавфсизлик хизматларини тақдим этиш, шунингдек, йирик капиталистларнинг катта миқдордаги корхоналар ва компанияларни энг паст нархда бирданига эгаллаб олишларига имкон бериш каби ишларда катта даромад топишади. Кўряпмизки, капиталистик низом энг оғир кризислар шароитида ҳам омма бахтсизлиги ва қашшоқлигини кучайтириб ўз фаолиятини давом эттира оляпти. Чунки у кризисларга мослашиш қобилиятига ҳамда уларни бошқариш ва



улардан сақраб ўтиб кетиш воситаларига эга. У ўз умрини узайтириш учун сармоя экспорт қилиш, бой давлатларнинг бойликларини талон-торож қилиш ҳамда ўзига қарши чиққан ёки йўлига тўғоноқ бўлганларга куч ишлатиш билан таҳдид қилиш каби бир қатор омилларни ишга солади. Чунки у ҳодиса ва кризисларга қараб турланиб, мослашиб кетаверадиган «буқаламун» низомдир. Модомики, одамлар капитализм низомни тугатадиган, кризислар пайтида унга қарши ҳал қилувчи зарбани йўллайдиган янги низом устида ўз сафларини бирлаштирмас экан, бу низом кетма-кет юз бераётган янги кризислар пайтида ҳам ўз оёғида тик туриб фалокатларни кучайтираверади. Дунё буни олдингидан кўра кўпроқ ҳис қилмоқда. Чунки капиталистлар ички ечимларни деярли қўллаб тугатишди ва дунё учун капитализм очкўзлиги ҳисобига катта тўлов тўлашдан бошқа чора қолмади. Бунга Саудиянинг ҳолати мисол бўла олади. Чунки у ўтган ойлар ичида Америкага (Трампа) ҳимоя эвазига 500 миллиард доллардан ортиқ тўлади. Африкада юз берган ишлар ҳам бунга мисолдир. Чунки Ғарб давлатлари ва уларнинг компаниялари Африкани ниҳоясиз фуқаролар урушлари билан машғул қилиб қўйиб, унинг кон ва нефть бойликларини талон-торож қилишмоқда. Булар капитализмни бира тўла кулашидан олдин мумкин қадар узоқроқ сақлаб қолишга уринишдан бошқа нарса эмас.

Энтони Ловенштейн ўзининг «Капитализм офатлари» китобида бундай дейди: «Йиртқич капитализм фожиалардан фойдаланишда чегарадан чиқиб кетди. Афтидан, компаниялар унда ўзининг улуши бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ишга тушириш мақсадида давом этиб келаётган кризислар муддатини узайтираётган кўринади». У айни компанияларни «давлат хизматларини таъминлаш учун хусусий секторга таянадиган заиф ҳукумат танасини чўқиб озуқаланадиган йиртқич қуш»га ўхшатади. У яна бундай дейди: «Компаниялар бугунги кунда «давлат ва миллат»дан кучли бўлиб қолди. Улар «давлат ва миллат»га ўз истагини ўтказадиган ва шартини қўядиган бўлиб қолди. Бу эса, ўтган асрнинг иккинчи ярмида ҳокимиятда кескин ўзгариш юз берганини англатади».

Китоб муаллифининг таъкидлашича, терроризмга қарши уруш терроризм хавфи ғоясидан фойдаланишга интилган компаниялар учун ҳисобсиз улкан бойлик келтирди. У бунга қуйидаги мисолларни келтиради: «Американинг СІСІ компанияси Ироқдаги Абу Ғурайб қамоқхонасини терговчилар билан таъмин этишга

ихтисослашган. Boeing Aviation компанияси қийноққа солиниши кўзланган гумондорларни олиб келиш учун парвозларни амалга оширган. Муаллифга кўра, 2011 йили Британия мудофаа вазири Филип Хэммонд компанияларни Қаззофийга қарши хужумдан кейинги шартномаларни эгаллаб олишга тайёр туришга чақирди.

**Ижтимоий даражада (ҳаётда) эса,** оилалар парчаланиши, туризм номи билан жинсий савдонинг йўлга қўйилиши, жиноятчи қотил тўдалар фаолияти ва озчиликларга нафрат билан қараш каби ҳолатлар очиқ юзага қалқиб чиқди. Ғарб мамлакатларида бузғунчилик оила танасини – агар у ерларда оила бўлса – кемирмоқда. У ерда оила тушунчаси бутунлай ўзгариб, оила тузилишига ва унинг ролига хавф соладиган кўринишни олди. Чунки Ғарб мамлакатларида эркак киши бошқа эркак киши билан, аёл бошқа аёл билан ёки инсон ҳайвон билан ва ҳатто инсон жонсиз модда билан турмуш куриши мумкин бўлиб қолди. Бу ҳолат қонун ҳимояси ва ижозати билан амалга ошади. Капитализмнинг аёл ва унинг эркак киши билан муносабати ҳақидаги нотўғри кўз-қараши туфайли, ишқомлари ҳувиллаб қолган Ғарб жамиятларида никоҳдан ташқари муносабатлар ва гомосексуализм илдиз отди. Чунки капитализм аёлга клуб ва кўнгул очар масканларда намойиш қилинадиган товар ҳамда лаззатланиш ва шахватни қондириш ўрни деб қарайди. Бунинг натижасида эркак кишининг аёлга, аёлнинг эркак кишига қараши соф жинсий бўлиб қолди. Бу билан эркак киши аёлда шахватини қондирадиган жойнигина кўрадиган, аёл киши ҳам доим шахватни кўзгайдиган кўринишда ўзини кўрсатишга уринадиган бўлди. Бу жамоат ҳаётини бузди ва жиддий ижтимоий муаммолар пайдо бўлишига олиб келди. Масалан, баъзи Ғарб мамлакатларида йиллик туғилиш сонининг ярмидан кўпини зинодан туғилган болалар ташкил этади.

Капитализмнинг оила ва жамият ҳақидаги тушунчасига асосланган ғарбча ҳаёт тарзига кўра, эркак киши ўз уйи ва оиласида бошқарувчи эмас. У ўз турмуш ўртоғининг нафақасидан ҳам жавобгар эмас. Шунинг учун аёл ўзига сарф-харажат қилиш учун ўзи ишлайди. Чунки капитализмда эр-хотин ўртасидаги муносабат тенгликка ва худди низо ҳолатидагидек вазифаларни бўлишишга асосланади. Фарзандларга келсак, кўп фарзандлар ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин ўз яқинларини тарк этиб, ўзлари мустақил ҳаёт кечиришади. Фарзанднинг ота-онасига ҳеч қандай боғланиши бўлмайди. Энг яхши ҳолатда уларни қариялар уйига топшириб, баъзи ҳолатлардагина уларни зиёрат қилишади... Ғарб

ушбу бузуқлик мусулмон оила жисмини ҳам кемиришини ва унинг Ғарб оиласига ўхшаб парчаланган, қадриятсиз ҳолда яшашини истамоқда.

Дунёдаги ушбу даҳшатли офатлар ботил капиталистик ақида ва ундан келиб чиққан бузуқ ҳаёт низомларининг табиий натижасидир. Булар капитализмнинг у ер, бу ерда ёмон татбиқ қилинишидан ёки капиталист сиёсатчилар томонидан қасдсиз содир этилган хатолардан келиб чиққан натижалар эмас. Чунки капитализмнинг бир аср ёки ундан кўпроқ давр ичида қўлланган ва яхши эсга олиниши мумкин бўлган бирор қўлланма модели йўқ. Динни ҳаётган ажратган илмоний капиталистик ақидани, эркинликлар тизгинини бўш қўйиб юборган капиталистик фикрни ҳамда унинг янги кризислар тўлқини кутилаётган бир пайтда тузатишларга ва вақтинчалик тинчлантиришга асосланган ечимларини атрофлича ўрганиш шуни кўрсатадики, капиталистик давлат ва жамиятлар унга асосланиб яшаётган капиталистик мафкура самарасиздир. Улар айни шу самарасиз мафкурани бутун дунёга куч билан ҳамда алдов, чалғитиш ва қўрқитиш билан жорий қилишмоқда. Ички ва ташқи сиёсатда, иқтисодда, ижтимоий ҳаёт ва бошқа соҳаларда капиталистик назариянинг татбиқ этилиши зулматли келажакка олиб боришини ҳар қандай онгли киши кўра олади. Капитализм ҳаёт тарзи бўлишга яроқсиздир. Чунки у дунё ҳаёти ҳақида нотўғри кўз-қарашга асосланган. Капитализм ушбу нотўғри кўз-қарашга мувофиқ кайфияти, манфаат ва истаклари ўзгарувчан ожиз инсонга қонун чиқариш ҳукукини беради. Бу билан инсон (хусусан сармоядор) қонунчиликда, қонун чиқариш ва ечимларни белгилашда устунлик қилади. Муаммоларни шахсий даражада ҳал эта олмаган ушбу инсоннинг башариятни ва бутун дунёни кутқарувчилик ролини адо эта олмаслиги ҳамда башарият муаммоларини ва дунё кризисини ҳал эта олмаслиги ҳеч кимга сир эмас. У ҳозирги кундаги нарсаларни фақат қисман била олади. Келажак ҳақида ҳам тахминга ва индукция (умумий хулоса)га асосланган нарсанигина билади. Қонунларни қабул қилиш пайтида ҳам ўз манфаати ва истакларини четлаб ўтолмайди. Чунки у ўз манфаатини биринчи ўринга қўяди.

Дарҳақиқат, ўтган капиталистик аср ер шари аҳолисига қора аср бўлди. Бу аср вайрон қилувчи биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари билан алоҳида ажралиб туради. Бундан ташқари, капиталистик давлатлар дунё бўйлаб регионал ва маҳаллий урушларни авж олдиришди. Улар бошқа давлатлар ишларига

аралаштирилгани шу урушлар билан оқлашди ва дунё масалаларини шу урушларга боғлашди. Иқтисодий урушларнинг ва глобал бозорлар устидаги рақобатнинг дунё халқларига зарари ва таъсири бошқа урушларнинг зарар ва таъсиридан кам эмас. Хитой билан Америка ўртасида ёки Америка билан Европа давлатлари ўртасида юз бераётган иқтисодий урушларнинг таъсири бутун дунё халқлари ва давлатларига, хусусан, қашшоқ ва маълум халқларга етиб боради.

Бугунги кунда капитализм ҳаётнинг барча бўғинларига, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларга ҳукмронлик қилмоқда. Унинг низом ва қонунлари жамиятларни узоқ вақт давомида муайян модел асосида билвосита ёки бевосита шакллантириб келди ва ҳамон шакллантириб келмоқда. Капитализм ҳаётнинг қайси томонига аралашган бўлса, ўша томонни бузди. Дунёда капитализмни қабул қилган давлатларда юз берган бирор кризисни у томондан ечим қилинганга бирорта ҳам мисол топилмайди. Қолаверса, капитализмнинг аралашishi ишни янада чигаллаштирган ва янги-янги кризисларни келтириб чиқарган. Юз берган ушбу янги кризислар ичида асл бошланғич кризис деярли кўринмай қолган.

Ислом дастур ва қонунлардан бутунлай чиқариб ташланди. Ижтимоий низомдаги никоҳ ва талоқ аҳкомларидан озгина қисмигина бундан мустасно. Бугунги кунда Фарбнинг Sedaw конвенцияси каби шартномаларни, шунингдек, модда ва қарорлари Ислом аҳкомларига бутунлай зид бўлган «барқарор ривожланиш режалари» каби ишларни қўллаш орқали ушбу аҳкомларга ҳужум қилишга ҳаракат қилинмоқда.

Шунинг учун, ушбу кризисларнинг биридан ҳали чиқиб улгурмасимиздан, кутилмаганда капитализм ўзининг ақидаси ва қонунлари билан бизга ҳужум қилмоқда. Капитализмни қабул қилган давлатлар кўрkitиш ва мустамлака қилиш орқали уни бутун дунёга мажбуран жорий қилишмоқда.

Дунёни бошқаришга, уни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий кризислардан олиб чиқишга ёлғиз Ислом Уммати қодирдир. Чунки муаммо ва кризисларни ҳал этишга, тартибсизликларни тугатишга ёлғиз Ислом мабдаси қодирдир. Олдидан ҳам, ортидан ҳам унга ботил (ноҳақлик) келмайдиган (ҳеч бир китоб ёки ҳужжат келиб уни бекор қилолмайдиган) Қуръоннинг нусуслари Ислом рисолатининг оламийлигига очиқ далолат қилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«(Эй Муҳаммад), **Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга: (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтгувчи, (кофирларни эса дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингизда, пайгамбар қилиб юбордик. Лекин кўп одамлар билмаслар**»

[Сабаъ 28]

**Сиёсий жиҳатдан**, Ислом дунёга Ислом рисолатини етказиш ўрни деган эътиборда қарайди. У одамларни зулматдан нурга олиб чиқади ҳамда Ислом Умматини инсонлар учун чиқарилган энг яхши Умматга айлантирган Раббоний рисолатни дунёга етказиш орқали бутун дунёда сиёсий барқарорликни вужудга келтиради. Ислом одамларни зулм ва залолатдан қутқаришга, уларни адолат ва ҳидоятга бошлашга ҳаракат қилади. Дунёга даъватни етказишда Ислом яхши билан ёмон, бой юрт билан камбағал юрт ўртасини ажратмайди. Ислом бошқа юртлардаги бойликларга таъма қилиб, уларни мустамлака қилмайди, бойликларини ўғирлаб, аҳолисини очлик ва касаллик гирдобида қолдирмайди. Ислом бошқа юртлардаги муҳитни ўзи учун бўш қолдириш ҳамда юртда фасод тарқатиш мақсадида фуқаролар ўртасида уруш ва фитналарни алангалатмайди. Бирор юрт Ислом ҳукми остига кириши биланок, давлатнинг бошқа бўлақларидаги фуқаролар эга бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларга бу юрт фуқаролари ҳам эга бўлади. Буларнинг барчаси Росулulloҳ ﷺнинг васиятларига бўйсунилган ҳолда бўлади. Муслим Абу Довуддан, Абу Довуд Сулаймон ибн Бурайдадан, Сулаймон ибн Бурайда отасидан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«اغزُوا بِاسْمِ اللَّهِ، وَفِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَقَاتِلُوا مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ، اغزُوا وَلَا تَغْدِرُوا، وَلَا تَغْلُوا، وَلَا تُمْتَلُوا، وَلَا تَقْتُلُوا وَلِيدًا»

«Аллоҳнинг номи билан ва Унинг йўлида ғазот қилинглар, Аллоҳга куфр келтирган кимсаларга қарши жанг қилинглар. Ғазот қилинглар, аҳдни бузманглар, хиёнат қилманглар, мусла қилманглар ва ёш болани ўлдирманглар». Байхақий ва ундан бошқалар ривоят қилган ҳадисда шундай келади:

«وَلَا تَقْتُلُوا وَلِيدًا طِفْلًا، وَلَا امْرَأَةً، وَلَا شَيْحًا كَبِيرًا»

«Ёш болани, аёлни, ёши катта қарияни ўлдирманглар...».

Буларнинг амалий татбиқига келсак, биз Росулulloҳ ﷺнинг сийратларини кўриб чиқиш ва ўрганиш орқали биламизки, Росулulloҳ ﷺ, шунингдек, У Зотнинг асҳоблари – Аллоҳ улардан

рози бўлсин – кирган уруш ва ғазотлар кўп бўлган бўлса-да, мусулмонлар бу урушларда очик ҳужумларга учраган бўлсалар-да уларнинг мушриклар болалари, аёллари ва қарияларини ўлдиришга қасд қилганлари маълум бўлмаган.

Ёлғиз Ислом рисолати одамлар ўртасидаги дискриминацияни тугатади, регионал, тоифачилик, ирқчилик, қабилачилик ва миллий низоларни ҳал этади. Ислом қора танли билан оқ танли ўртасини ва ирқлар ўртасини ажратмайди. Аксинча, миллатчилик, ирқчилик ва тоифачиликни ҳамда буларнинг одамлар ўртасидаги афзаллик миқёсига айлантирилишини рад этади. Бу Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзида очик кўринади:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَىٰ وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ لِتَعَارَفُوا إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَاكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ﴾

*«Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турлитуман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводороғингиздир. Албатта Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир»*

[Хужурот 13]

Шунинг учун, мусулмонлар мустамлакачи армияларга ўхшаб вайронагарчиликларни келтириб чиқариш, одамларни хорлаш ёки қийноққа солиш учун жанг қилмайдилар. Мустамлакачи Ғарб армиялари ҳар қандай қийматни эътиборсиз қолдириб халқларни хорлашади, душманларининг шаҳарлари ва экинзорларини вайрон қилишади, ҳайвонларини ўлдиришади. Мусулмонлар армиялари халқлар билан уларнинг Ислом ҳукми остига киришлари ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш учун жанг қиладилар. Шунинг учун мусулмонлар билан улар ўртасида тўсиқ бўлмаса жанг қилинмайди.

**Иқтисодий жиҳатга келсак,** Исломнинг иқтисодий муаммо ҳақидаги кўз қараши тўғри кўз-қарашдир. Чунки у муаммо маҳсулот ишлаб чиқаришда эмас, балки, бойликнинг тақсимланишида деб ҳисоблайди. Барча шахслар эҳтиёжи кондирилишини таъмин этадиган ушбу адолатли тақсимотнинг бирдан-бир кафолати руҳий сиёсий ақидадан балқиб чиққан низомдир. Ушбу низом бандаларининг эҳтиёжлари ва манфаатларини билгувчи хабардор, меҳрибон Зот томонидан келган, инсон фитратидаги ожизлик, тадбиркор яратувчига муҳтожлик сифатларига мос бўлган низомдир. Бу низом бандалар

ҳаётини юксалтиради ҳамда уларнинг фаровон, хотиржам, тинчлик ва омонликда бахтли ҳаёт кечиришларини таъмин этади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَفَحُكْمَ الْجَهْلِيَّةِ يَبْغُونَ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا لِّقَوْمٍ يُوقِنُونَ﴾

**«Динсизлик ҳукмрон бўлишини истайдиларми?! Имонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?!»** [Моида 50]

Ислом бойликнинг одамлар ўртасида тақсимланишини таъмин этиш ҳамда исломий жамият аъзолари ўртасида иқтисодий мувозанат бузилишини олдини олиш учун қуйидаги шаръий аҳкомларни белгилаган:

1 – Закоат: Закоат бойларнинг молидан маълум қисмини олиб, уни камбағалларга тақсим этишдир. Набий ﷺ Муозни Яманга юборганларида унга шундай дедилар:

﴿أَعْلِمُهُمْ أَنَّ اللَّهَ افْتَرَضَ عَلَيْهِمْ صَدَقَةً تُوْحَدُ مِنْ أَعْيَابِهِمْ فَتَرُدُّ فِي فُقَرَائِهِمْ﴾

**«Уларга билдиргинки, Аллоҳ уларга садақани фарз қилган. Бу садақа уларнинг бойларидан олиниб, камбағалларига қайтарилади».**

2 – Фуқароларнинг ҳар бири конлар, нефть ва газ каби умумий мулклардан ва уларнинг киримларидан фойдаланишга ҳақли.

3 – Давлат ўз маблағидан эҳтиёжманд фуқароларга эвазсиз тақсим этади. Масалан, деҳқончилик қилишга қодир бўлганларга ер ажратиб беради ҳамда уларга хирож ва жизядан сарф қилади.

4 – Ислом қонунлари савдо воситаси, товар ва хизматлар нархи деган эътиборда олтин ва кумушнинг хазина қилиб сақланишини тақиқлайди. Шунда нақд пул қишлоқ хўжалигига, тижорат ва саноатга инвестиция қилинади. Бу билан ишсизлик тугатилади ва бу ҳолат бойликнинг тақсимланишига ёрдам беради.

5 – Исломда меросни меросхўрлар ўртасида тақсимлаш буюрилган. Бу билан бойлик тақсимланади ва бойларнинг кичик бир гуруҳи қўлида унинг айланиб қолиши олди олинади.

Ислом Аллоҳ Таоло барча инсонлар учун нозил қилган мумтоз низомдир. У ҳаётнинг барча жиҳатларини тартибга соладиган аҳкомларни ўз ичига олади. Қуйидаги хусусиятлар билан ажралиб турадиган иқтисодий низом шу аҳкомлар жумласидандир:

1 – Иқтисодий низомнинг кенг қамровлилиги ва далиларининг кенглиги инсон ўз ҳаётида то қиёмат кунига қадар дучор бўладиган барча иқтисодий муаммоларни ечим қилиб, ҳал этади. Пулга алоқадор бўлган муаммоларни унга эга бўлиш, уни сарфлаш ва тақсимлаш йўлларини кўрсатиб бериш орқали ҳал этади.

2 – Исломдаги иқтисодий низом одамлар ўртасидаги индивидуал фарқларни ҳисобга олиб, улар учун – ҳар бирининг қобилияти ва интилишларига кўра – молга эгалик қилишда қонуний рақобатга руҳсат беради. Сўнг бойларнинг вазифаларини ва камбағалларнинг ҳуқуқларини баён қилади.

3 – Иқтисодий низомда мулк қилиб олинадиган нарсалар табиати ўртасидаги фарқ ҳам ҳисобга олинади. Шунинг учун уларнинг баъзиларини шахсий мулк, баъзиларини умумий мулк ва баъзиларини давлат мулки қилиб белгилайди ҳамда ҳар бир мулк учун аниқ ҳудудни белгилаб қўяди.

4 – Иқтисодий низом жамият аъзолари ўртасидаги моддий мувозанатни сақлайди ва фуқароларнинг турмуш даражасини кўтаради. Ислом давлати мол ва ишга эга бўлмаган, қаровчиси бўлмаган кишига ғамхўрлик кўрсатишни ўз зиммасига олади. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ تَرَكَ مَالًا فَلِلْوَرَثَةِ، وَمَنْ تَرَكَ كَلًّا فَإِلَيْنَا»

**«Ким мол қолдирса, у меросхўрникидир ва ким ўздан етимни қолдирса, у бизнинг (қарамоғимизда)дир».**

5 – Исломий иқтисодий низом давлатда чет элликларнинг сармоя ётқизишини тақиқлайди. Шунингдек, ҳар қандай чет эликка имтиёзлар берилишини ман этади. Бу эса, мусулмонлар юртларида чет элликларнинг нуфузи бўлмаслиги учундир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا﴾

**«Ва Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай»** [Нисо 141]

6 – Исломда давлат ўз фуқароларидан ҳар бирининг даволаниш, таълим олиш ва хавфсизлик каби зарурий эҳтиёжларини таъмин этади. Агар шахс ожиз бўлса, давлат ҳар бир шахснинг уй-жой, озиқ-овқат ва кийим-кечак каби асосий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга ҳамда камолий эҳтиёжларини мумкин қадар қондириш имконини беришга ҳаракат қилади.

7 – Олтин ва кумуш муҳим пул бирлигидир. Ислом улар билан пуллардаги закот нисобини, пул қийматини ва ўғрининг қўли кесиладиган миқдорни белгилайди. Исломий давлат олтин ва кумушга ноиб бўлган қоғоз валютадан фойдаланиши мумкин ва бу пул муомаласини ҳамда уни олиб юришни осонлаштириш учундир.

Оила масаласига ва эркак киши билан аёл ўртасидаги муносабатга келсак, Аллоҳ Таоло бу хусусда бундай дейди:



﴿وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً  
وَرَحْمَةً﴾

**«Унинг оятларидан (яна бири) У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир»** [Рум 21]

Уй – тинч ва хотиржам яшаш ҳамда барқарорлик маконидир. Хонадон аъзолари ўртасини муҳаббат ва раҳмат-шафқат бирлаштиради. Ислом тушунчалари юксак тушунчалар бўлиб, улар оилавий алоқаларни мустаҳкам, мумтоз алоқага айлантиради. Бу алоқалар оила вакилларидан ҳар бирининг ролини ва вазифасини белгилаб беради. Ушбу вазифалар бири иккинчисини тўлдиради. Бу – фақат раббоний шариатгагина мос ҳолатдир. Масалан, эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар низо ва можароларни кучайтирадиган муносабатлар эмас, балки, улар ўртасидаги тинчлик, ҳамжихатлик, уйғунлик, бир-бирини тўлдирувчи муносабатлардир. Ҳавала Набий ﷺ га эридан шикоят қилар экан, эркак ва аёлга Ислом топширган ролни англаб етган ҳолда бундай дейди: «Эй Росулulloҳ, агар бола-чақамни қолдирсам зое бўладилар ва агар олиб кетсам оч қоладилар...».

Ислом Уммати – агар у Ислом ақидасини исломий сиёсий ақида сифатида ушласа – капитализм туширган ушбу ҳалокатли вазиятдан чиқишга ва бутун дунёни олиб чиқишга қодирдир. Ислом ақидасининг сиёсий тушунчасини Умматга ўрнатиш учун фаолият олиб борувчилар сиёсий ҳизб сафида фаолиятни давом эттиришлари лозим. Шундагина Уммат олдингидек илғор Умматга айланиш учун уйғониш ва озодлик йўлига қадам ташлай бошлайди. Шундагина у бутун оламга ҳидоят ва нурни етказди. У бутун дунёни капитализм олиб келган аянчли аҳволдан қутқариш учун барча соҳаларда илғор Умматга айланади. Бу иш Аллоҳга қийин эмас. □

## УММАТДАГИ ЭНЕРГИЯ КЎЗЛАНГАН ЎЗГАРТИРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЕТАРЛИДИР

Ҳасан Абдулмўътий

Биз Уммат сифатида ўзгартиришга интилаётган эканмиз, бунинг учун имконият, энергия ҳамда қалбларимиз, мабдаимиз ва Умматимиздаги мужассам муайян қудрат етарлидир. Уйғониш ҳамда ўзимиз ва Умматимизга лойиқ бўлган ўринга юксалиш маъносидаги ўзгариш маҳол, хом хаёл ёки орзу эмас. Балки у идрок этилган воқелик бўлиб, унинг равшан ақллар идрок этади... Шунингдек, гуллаб яшнаган тарихга эга бўлган Умматни юксалтиришга қасд қилган, унинг аламли воқесидан ўртанган ва порлоқ келажакка кўз тиккан жўшқин қалбли инсонлар ҳис қилади. Аммо воқелик қанчалар оғир, йўлдаги тўсиқлар қанчалар кўп бўлмасин ва Уммат ҳаракати қанчалар ортга сурилмасин, кўзланган уйғонишни рўёбга чиқариш учун кучимиз етарли ва имкониятимиз бор. Улуғ ва буюк Роббимизнинг қуйидаги қавли биз учун куч-қувват ва имкониятдир.

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ﴾

«Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас» [Роъд 11]

Биз ҳеч қачон кучимиз чекланмаган ва беҳад деб айтмаймиз. Шунингдек, биз мусулмон киши катта кучга эга дея бўлмағур хаёлларга бормаймиз ҳамда унинг фикрлари мўъжизавий ва одатдан ташқари деб айтмаймиз. Балки биз ҳаққоний ва объектив тарзда айтаемизки, биздаги энергия ва қувват портлайдиган бўлса, катта кучга айланади. Чунки бу энергия ва қувват қалбларда яширинган бўлиб, Ғарб ва унинг малай ҳукмдорлари босими сабабли кўринмаяпти. Ғарб бу кучни ҳамда у портласа унинг қаршисида тура олмаслигини билади. Шунинг учун Ғарб ундан кўрқади ва унинг зоҳир бўлишини олдини олиш учун қаттиқ ҳаракат қилади.

Тўғри, мусулмон киши бошқа инсонлар каби заиф ҳолда яралган.

﴿وَحُلِقَ الْإِنْسَانُ ضَعِيفًا﴾

«Аллоҳ сизлардан (юкинғизни) енгиллатишни истайди. (Зотан), инсон ожиз қилиб яратилгандир» [Нисо 28]

Ўз махлуқларини билгувчи Роббимиз китобида инсоннинг заифлиги ва чекланганлиги ҳақида бир неча оятлар келган.

﴿إِنَّ الْإِنْسَانَ خُلِقَ هَلُوعًا ﴿١﴾ إِذَا مَسَّهُ الشَّرُّ جَزُوعًا ﴿٢﴾﴾

**«Дарҳақиқат инсон бетоқат қилиб яратилгандир. Қачон унга ёмонлик (камбағаллик-кулфат) етиб қолса, у ўта бесабрлик қилгувчидир»** [Маориж 19-20]

Лекин қудрати чекланган ушбу махлуқ уч муҳим вазифани бажаришга қодирдир. Улуғ ва буюк Аллоҳ ўзининг азиз китобида ушбу уч вазифани қуйидагича баён қилган:

﴿وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلٰٓئِكَةِ اِنِّيْ جَاعِلٌ فِى الْاَرْضِ خَلِيْفَةً ﴿٢٠﴾﴾

**«Эсланг, (эй Муҳаммад), Парвардигорингиз фаришталарга: Мен Ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман, деди»** [Бақара 30]

﴿هُوَ اَنْشَأَكُمْ مِّنَ الْاَرْضِ وَاسْتَعْمَرَكُمْ ﴿٢١﴾﴾

**«У сизларни ердан пайдо қилиб, унга жойлаштирди»** [Худ 61]

﴿وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْاِنْسَ اِلَّا لِيْعْبُدُوْنَ ﴿٢٢﴾﴾

**«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»** [Зариёт 56]

Инсон ушбу вазифаларни бажаргани учун Аллоҳнинг бошқа махлуқларидан афзал ва ҳурматлидир. Аллоҳ Таоло Одам ﷺ наслидан яратиш орқали бизни ҳурматли ва юксак қилиб қўйгани ҳақида шундай дейди:

﴿وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِيْٓ اٰدَمَ وَحَمَلْنٰهُمْ فِى الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنٰهُمْ مِّنَ الطَّيِّبٰتِ وَفَضَّلْنٰهُمْ عَلٰٓى

كَثِيْرٍ مِّمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيْلًا ﴿٢٣﴾﴾

**«Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик»** [Исро 70]

Инсон рангги, тили ва жинсидан қатъий назар махлуқлиги жиҳатидан мана шу ҳурматга лойиқдир. Буюк яратувчимиз ўзининг заиф махлуқи ушбу вазифаларни адо этиши ва ҳурматга сазовор бўлиши учун ҳамда уни юксак яшаш йўлига йўллаш учун унга рисолатлар юборди. Биз буни фикрий қувват дея атаймиз, юқорида биз айтган ўзгартиришнинг асоси ва йўли мана шу фикрий қувватдир. Биз буни Аллоҳ Таолонинг «Ҳадид» сурасидаги қуйидаги ояти орқали баён қиламиз:

﴿لَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلَنَا بِالْبَيِّنَاتِ أَنْزَلْنَا مَعَهُمُ الْكِتَابَ وَالْمِيزَانَ لِيَقُومَ النَّاسُ بِالْقِسْطِ وَأَنْزَلْنَا  
الْحَدِيدَ فِيهِ بَأْسٌ شَدِيدٌ وَمَنْفَعٌ لِلنَّاسِ وَلِيَعْلَمَ اللَّهُ مَنْ يَنْصُرُهُ وَرُسُلَهُ بِالْغَيْبِ إِنَّ اللَّهَ  
قَوِيٌّ عَزِيزٌ﴾

*«Қасамки, Биз Ўз пайгамбарларимизни аниқ ҳужжат-мўъжизалар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон-тарози туширдик. Яна Биз темирни туширдик-яратдик. Унда куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир. Аллоҳ гайбда (бандалари кўзига кўринмасдан) турган ҳолида Ўзига ва пайгамбарларига (Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш билан) ёрдам берадиган кишиларни билиш учун (темирни яратди). Албатта Аллоҳ кучли, қудратлидир»* [Ҳадид 25]

Оятдаги аниқ ҳужжат элчиларнинг ростлигига далолат қиладиган мўъжизалардир. Китоб ва мезон-тарози эса, одамлар адолат қилиши, бошқача айтганда Халифалик, обод қилиш ва ибодатни адо қилиши учун шариат ва программадир.

Улуғ ва буюк Роббимиз пайгамбарлар орқали юборган нарса мабда бўлиб, ақллар унинг тўғрилигига ишонади, қалблар хотиржам бўлади ҳамда розилик ва ижро билан таслим бўлади. У яна инсонни ер юзида халифа бўлишига ундовчи куч бўлиб, инсон ўша куч билан ер юзини обод қилади, тирилтиради, фасод таркатмайди, Аллоҳга кул бўлган, у зотнинг буйруқларига амал қилган ҳолда яшайди. Натижада, унинг ҳаёти гуллаб яшнайти ҳамда ўзининг келажаги, чиройли савоби ва қисматига хотиржам бўлади. Аллоҳ Таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿قَالَ أَهْبِطْ مِنْهَا جَمِيعًا بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ فِيمَا يَأْتِيَنَّكُمْ مِنِّي هُدًى فَمَنِ اتَّبَعَ هُدَايَ  
فَلَا يَضِلْ وَلَا يَشْقَى ﴿٢٠٢﴾ وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ  
أَعْمَى﴾

*«(Аллоҳ) айтди: Ундан (яъни жаннатдан) ҳар иккинчисиз тушингиз. Айрим (зурриётларингиз) айримларига душмандир. Бас, сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида ким Менинг ҳидоятимга эргашса, йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас. Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунда кўр ҳолда тирилтиурмиз»* [Тоҳа 123-124]

Аллоҳ Таоло ушбу фикрий кучни инсонга тўла ва мукамал қилиб берди ва у билан инсонни азиз қилди. Шунингдек, Қуръон ва Суннатдан бўлган шаръий нусусларни тинимсиз пайдо бўлаётган ва янгиланаётган амаллар ва нарсаларнинг ҳукмини баён қилиш учун кенг кўламли қилиб қўйди.

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

*«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломи дин қилиб танладим»* [Моида 3]

﴿وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تَبْيِينًا لِّكُلِّ شَيْءٍ﴾

*«Сизга — ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун хушxabар бўлган Китобни-Қуръонни нозил қилдик»* [Наҳл 89]

Аллоҳ Таоло одамлардан хоҳ амал, хоҳ нарса бўлсин, ҳар бир ишда ушбу шариатни ҳакам қилишни талаб қилди.

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ﴾

*«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар»* [Нисо 65]

﴿فَإِن تَنَزَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ﴾

*«Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз!»* [Нисо 59]

Оятдаги Аллоҳ ва Росулига қайтаринг дегани Қуръон ва ҳадисга ҳамда улар кўрсатган киёс ва саҳобалар ижмосига қайтаринг маъносидадир. Айни шу нарсалар фикрий куч ҳисобланиб, ўзгартиришга ҳаракат қилар эканмиз, биз айнан шуларга муҳтожмиз. Бу фикрий куч бизда камчиликларсиз мукамал мавжуддир. Шунингдек, у янгиланаётган ҳодисаларга етарли ва тушуниш учун осон қилиб, сақлаб қўйилган. Аллоҳ Таоло уни биз учун сақлаб, тушуниш осон қилиб қўйган.

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ﴾

*«Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз»* [Ҳижр 9]

﴿وَلَقَدْ يَسَّرْنَا الْقُرْآنَ لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِن مُّدَكِّرٍ﴾

*«Қасамки, Биз Қуръонни зикр-эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма-ибрат олгувчи борми?»* [Қамар 17]

Бундан ташқари одамларнинг энг яхшиси бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг сийратида уни баён қилиб берган.

﴿لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ

كَثِيرًا﴾

*«(Эй мўминлар), сизлар учун — Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайгамбари (имон-эътиқоди ва хулқи атвори)да гўзал ибрат бордир»* [Аҳзоб 21]

﴿وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا﴾

*«Пайгамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар»* [Ҳашр 7]

Бу кучнинг ўзига хос жиҳатлари; у биринчидан, ақлга асосланган, иккинчидан, коинот, инсон ва ҳаётнинг яратувчиси томонидан келган. Бошқача айтганда у фикрий, имоний ва руҳий куч бўлиб, Ўз махлуқларининг ишларини тадбир қилувчи, барча нарсага қодир ва хабардор, билимдон Зот томонидан келган.

﴿أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ﴾

*«(Ахир) яратган зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир»*

[Мулк 14]

Ушбу фикрий модда ақида ва шариятдир, ҳамда ҳаётнинг барча соҳалари учун низомдир. Биз уни иккиланмай ва кечиктирмай қабул қилишимиз керак. Мўминлар унинг ечим ва муолажаларини ишонч билан қабул қилиши керак. Шундай экан, биз уни чуқур ва собит имоний фикр билан қабул қилишимиз, ёрқин тушунишимиз керак. Шунингдек, уйғониш учун Умматимизга етказишимиз, унинг асосида давлат тиклашимиз, оламни етаклашимиз ва барча инсонларга даъватни етказишимиз керак.

Биз мана шу вазифалар ва муҳим ишлар учун яралганмиз ва улар бизга юкланган омонатдир. Ушбу омонатни бажаришда бизга ёрдам берадиган куч ва қувват бизда топилмай қолишидан Аллоҳ сақласин. Зеро, биз тоқатимиз етган ишдан жавобгармиз.

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا مَا آتَاهَا﴾

*«Аллоҳ ҳеч бир жонга, Ўзи унга ато этганидан ортиқча нарсани юклаймайди»*

Балки кимдир шундай савол берар: Бу инсонда мавжуд ва сақланган бўлса ҳамда Уммат уни авлодлар орқали бизга етказган

бўлса, унда нима учун биз шу аҳволга тушиб қолдик? Ҳа, бу ўринли ва нозик саволдир.

Бу саволга жавоб бериш учун Умнатнинг бугунги аҳволини тиниқ тушуниш лозим. Зеро, Умнат бугун исломий юртларда қандайдир ҳаракат ёки намоишларга интиломқда ва бу кўзғолон дея номланмоқда. У гарчи ҳақиқий маънодаги кўзғолон бўлмасада, аммо Умнат жўшқинлик ва ҳаракат ҳолатидадир. Бугун Умнатда исломий фикр ва тушунчалар мавжуд, унда ибодат ва бошқалар борасида айрим исломий ҳукмлар татбиқ этилмоқда. Шунингдек, у исломий ақидани маҳкам тутган бўлиб, Аллоҳга қайтиш ва бошқа халқларни бошқариш вожиб эканига ишонади. Буларнинг барчаси унинг туйғуларини соф исломий туйғуга айлантирган ҳамда уйғониш ва ўзгартириш ҳақидаги сезгиларни пайдо қилган. Бу ерда жамойй руҳни пайдо қиладиган бир қанча нусус ва амаллар бор экан, Умнатда уюшиш ва жамойй фаолият учун табиий истак пайдо бўлаверади. Мана шу Умнатнинг воқесидир. Умнатки, унда айрим исломий фикр ва тушунчалар ҳамда исломий туйғулар мавжуд. Унда жамойй рух ўрнашган бўлиб, у азият чекаётган ушбу бузуқ воқеликни ўзгартиришга ундамоқда. Умнатнинг ушбу аҳволи унда ўзгартириш учун етарли куч борлигига далолат қилмоқда. Агар у ҳаракат қилса ушбу сезги ва туйғулар тўғри фикрга айланади. Натижада, ушбу фикр Умнатни уйғотадиган ва аҳволини ўзгартирадиган амални пайдо қилади.

Лекин Умнатда мавжуд бўлган айрим бегона фикрлар ва носоғлом лойиҳалар унинг бирлигини йўқотди. Шунингдек, унинг кучини зое кетказди ҳамда Умнат фарзандларининг уринишларини баъзида нотекис ва баъзида онгсиз ҳаракатларга сарфлади. Шу ўринда айрим мисолларни келтирамиз. Масалан, хайрия жамиятлари тўғри фикрлашнинг уйғонишга қаратилиши ҳамда уйғонишнинг тўғри йўлини топиш олдида тўсиқ бўлди. Чунки улар Умнатнинг қизгин ҳис-туйғулари учун туйнукни пайдо қилиб, ундаги жамойй фаолият кучини йўқотди. Натижада, Умнат ўзига фарз қилиб юкланган вожиб вазифани бажаришдан тийилди ва Аллоҳ Таолонинг қуйидаги қавлига лаббай дея жавоб беришдан тўхтади:

﴿وَتَعَاوَنُوا عَلَى الْبِرِّ وَالتَّقْوَىٰ﴾

**«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз»** [Моида 2]

Ҳарбий жиҳатдан босиб олинган айрим юртлардаги якка ва қисман жамойй тарзда ҳаракат пайдо бўлиши ва Умнатнинг Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш вожиб эканига бўлган имони ундаги холис

кишиларни озод бўлиш ва ўзгартириш учун жиҳод ва моддий фаолиятни тарикат қилиб ушлашларига олиб борди. Натижада, босиб олинган юртларда сақофий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ишлар чалкашиб кетди ҳамда ўзгартириш учун моддий фаолиятлар тарикат сифатида ушланадиган бўлди. Жиноятчи ҳукмдорлар эса, уларнинг қонини тўкишга рухсат беришди ва бу юртлар аҳолисининг азиятлари янада зиёдалашди.

Аммо якка ёки жамойй тарзда сиёсий фаолият билан шуғулланган Умнат фарзандлари эса, чалғитувчи фикрлар ва нотўғри тажрибаларни кўтариб чиқишди. Улар Умнат ва унинг фарзандлари имон ва Исломдан келиб чиққан ҳолда ҳаракатланишини билганлари учун бу реакция фикрларни Исломга боғлашди. Натижада, даражама-даражалик, ислоҳот, куфр ҳокимиятида иштирок этиш, кофирдан ёрдам сўраш, ол ва талаб қил, манфаатни қабул қилиш ва зарарни ташлаш, воқе фикҳи, имконият фикҳи, тоқат етиши ва шу каби бошқа фикрлар авж олди. Буларнинг барчаси бегона ва Ислом тўни кийдирилган Ғарб фикрлари эди. Шунингдек, уларга ўзининг йўналиши, шароитлари ва ҳолатларидан ажратиб олинган тарихий ҳодисаларни уйғунлаштиришди. Ёки субути ва далолати қатъий бўлган далиллар орқали муолажа қилинган бошқарув ва ўзгартириш ҳақидаги масалаларга алоқаси бўлмаган, ноўрин далилларни келтиришди. Улар қатъий далилларга зид равишда мустамлакачи кофир ёки малай ва мустабид ҳоким ёки янги тикланган ҳокимни рози қилишни исташди. Бу ҳукмдорлар бир тарафдан малайлик қилаётган бўлса, иккинчи тарафдан Исломиё Умнат туйғулари билан ўйнашаётган эди. Улар бу орқали қоқоқлик ҳамда сиёсий ва иқтисодий тобеликни янада мустаҳкамлашди. Натижада, Умнатнинг бирлигини парчалашди ҳамда одамлар учун чиқарилган ва гувоҳ қилинган Умнатнинг энг юксак сифат ва амалларидан бўлган сиёсий фаолият йўналишини буриб юборишди.

Бу каби ишларнинг жамият ва Умнатга бўлган хатари катта ва улкандир. Чунки жамият келажак сари интилаётган ҳар бир ҳаракатга доим умид боғлайди ва Умнатдаги ҳар қандай жиҳодий ёки моддий, ёки сиёсий ҳаракат уни қутқаради ёки ҳеч бўлмаганда шароитини тузатади деб билади. Аммо жамият ушбу ҳаракатларнинг воқесини англагач, уларнинг душман тузоғига тушиб қолаётганини кўргач, бир тешиқдан бир неча марта чақтираётгани ва такрор ва такрор хато қилаётганини кўргач, уларнинг етакчилари манфаат ортидан югураётганини билгач,



фойда орттириш ортидан итдек югураётганини кўргач, уларнинг барчасини инкор қилади ва умумий шаклда ҳизбий ҳаракатдан бош тортади. Бу ишлар Умнат ишонаётган фикрий кучни сиёсий кучга айланишига тўсқинлик қилади. Сиёсий кучки, у билан воқеа ва ҳодисалар муолажа қилинади ҳамда уйғониш ва ўзгартириш учун асос қилинади.

Шундай экан, ўзгартириш амалиёти учун Умнатда мабда бўлишининг ўзи етарли эмас. Шунингдек, Умнатнинг кўзғолонлари, ҳаракатлари ва тоғутлар қаршисида тик туриши унинг ҳақиқий талаб ва манфаатларини рўёбга чиқариш учун етарли эмас. Балки Умнат Ислом мабдаси асосидаги ҳаёт ва ҳаракатни пайдо қилиш учун ҳаракат қиладиган, Умнат билан бирга ҳаракат қиладиган ва унинг ҳаракатларини Исломий муолажага мувофиқ йўналтирадиган сиёсий ҳизбга мухтож. Бизнинг вожиб вазифамиз мана шудир. Ҳизб ут-Тахрир Умнат ичида кўзғолонлардан олдин ҳам, кўзғолонлар даврида ҳам мана шу иш билан шуғулланмоқда ҳамда ушбу кўзғолонлар қандай натижага олиб бормасин, мана шу ишида давом этмоқда.

Умнатдаги мавжуд ушбу фикрий, имоний энергия сабабли унда шундай бир мумтоз йўл пайдо бўлганки, ундай йўл ўзгартиришга интилаётган бошқа халқлар ва умматларда йўқ. Зотан, ўзгартириш амалиётида айнан шундай энергия асос ва таянч ҳисобланади. Мусулмон юртларидаги мавжуд бошқа энергия ва бойликларига келсак, булар имкониятлар ва воситаларни таъминлашда катта аҳамиятга эга. Ушбу имконият ва воситалар давлатни барпо этишда, унинг рукнларини мустаҳкамлашда ҳамда Умнатнинг Исломни ёйиш ва унга даъват қилиш вазифасини адо этишида ёрдам беради. Бундай энергия ва бойликлар етарли ва жуда кўпдир. Шу боис айни дамда уларга бутун душманларимиз кўз олайтириб турибди.

Мусулмон юртларда мавжуд бойликлар ҳақида айтадиган бўлсак, улар ҳақида википедия ёки бошқа энциклопедик сайтларда турли ҳисобот ва рўйхатлар эълон қилинган. Ер юзидаги бирор стратегик хом ашё ҳақидаги статистик рақамларни кўздан кечирсангиз мусулмон юртларидаги ўша хом ашёнинг йиғиндиси айни дамда рўйхатда биринчи ўринда турган давлатдагидан икки марта кўп эканини кўрасиз. Агар фозилар билан ҳисоблайдиган бўлсак, ушбу хом ашёнинг 55 %дан кўпроғи исломий юртларда ишлаб чиқилади ёки запаси мавжуд. Аксар рўйхатларда буғдойдан ташқари хом ашёлар шу рақамга тўғри келади. Аммо буғдойга келсак, исломий юртларда ҳар йили 110 миллион тонна буғдой

етиштирилади. Айни пайтда бу борада биринчи ўринда турган Европа Иттифоқида етиштирилган буғдой рўйхати 150 миллион тоннага тенг. Агар ҳар бир давлатни алоҳида таққослайдиган бўлсак, бу борада биринчи ўринга кўтарилаётган Хитой давлати бутун дунёда етиштириладиган буғдойнинг олтидан бири, яъни 134 миллион тонна буғдой етиштиради. Аммо Хитойда етиштириладиган буғдойнинг учдан бири Шарқий Туркистонга тўғри келади ва у исломий юрт бўлиб, Хитой томонидан босиб олинган. Демак, исломий юртларда етиштириладиган буғдой миқдори Хитойдагидан 1,5 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, дунёда етиштириладиган буғдойнинг олтидан бирига тенгдир. Бундан хулоса қилиш мумкинки, исломий юртлар қоқоқ бўлишига қарамай бу соҳада дунёда биринчи ўринни эгаллаб турган давлатдан ҳам юксакроқдир. Аксар ҳисоб-китоблар исломий юртларнинг катта фарқ билан устунлик қилаётганини кўрсатиб турибди. Бу эса, ёвуз мустамлакачи Умнатнинг ўзгартириш сари қилаётган ҳаракатини қанчалар бўғаётганини ҳамда уни ўз мабдаси ва ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун йўналтираётганини кўрсатмоқда. Умнат ушбу рақам ва ҳисоботлар олдида кўзини каттароқ очиши лозим, шунда тортиб олинган ҳуқуқларини билади ҳамда душманларининг чизган чизиғи, режалари ва фикрларидан узоқ бўлади. Шунингдек, тўла ўзгартириш ҳаракатига бел боғлайди ҳамда турли нотўғри фикр ва номукамал ечимлардан бош тортади.

Хулоса: Биз Умнат сифатида ўзгартиришга интилаётган эканмиз, бунинг учун имконият, энергия ҳамда қалбларимиз, мабдаимиз ва Умнатимиздаги мужассам муайян қудрат етарлидир. Шу боис, давлатни елкаларида кўтариб чиқаётганлар ўз ҳаракатларида исломий нуқтаи назарни мустаҳкамлаб, Умнат билан биргаликда фаолият қилиш суръатини оширсинлар. Чунки улар Умнатнинг аламларини ҳис қилганлари ва касаллигини тушунганлари сабабли ҳар доим Умнатга юмшоқ муомалада бўлиб, унга тавозеълик билан касаллигини муолажа қилсинлар. Эгри фикрлар ёки бегона малайлар қаршисида салобат ва қатъийлик билан туриб, дўст билан душманни аралаштириб юбормасинлар. Билъакс, Умнат кемасини моҳир кемачилардек бошқарсинлар. Чунки моҳир кемачилар кўрқинч ва хатарлардан қандай қутулишни ҳамда яхшилик ва омонлик кирғоғига қандай етиб олишни биладилар.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَوْ مَنْ كَانَ مَيِّتًا فَأَحْيَيْنَاهُ وَجَعَلْنَا لَهُ نُورًا يَمْشِي بِهِ فِي النَّاسِ كَمَنْ مَثَلُهُ فِي الظُّلُمَاتِ لَيْسَ بِخَارِجٍ مِّنْهَا كَذَلِكَ زُيِّنَ لِلْكَافِرِينَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

«Аввал ўлик (кофир) бўлган, сўнгра биз уни (динга ҳидоят қилиш билан) тирилтириб, унга одамлар орасида ўзи билан бирга олиб юрадиган нурни (имонни) бериб қўйганимиз бир киши — зулматларда қолиб кетган ва ундан ҳеч чиқувчи бўлмаган кимсага ўхшайдими?! (Мўминларга имонлари қандай чиройли кўринса), кофирларга ҳам қилаётган амаллари ана шундай чиройли қилиб кўрсатиб қўйилди» [Анъом 122]

﴿وَلَقَدْ كَتَبْنَا فِي الزَّبُورِ مِن بَعْدِ الذِّكْرِ أَنَّ الْأَرْضَ يَرِثُهَا عِبَادِيَ الصَّالِحُونَ﴾

«Дарҳақиқат Биз (Лавҳул-маҳфузда) зикр қилгандан сўнгра Забурда: Албатта (жаннатнинг) ерига менинг солиҳ бандаларим ворис бўлулар, деб ёзиб қўйгандирмиз» [Анбиё 21]

﴿وَأَذْكُرُوا إِذْ أَنْتُمْ قَلِيلٌ مُّسْتَضْعَفُونَ فِي الْأَرْضِ تَخَافُونَ أَنْ يَتَخَطَّفَكُمُ النَّاسُ فَءَاوَيْتُمْ إِلَىٰ آلَيْدِكُمْ بِئْسَ رِجْءٌ لِّمَنْ كَفَرَ بِهِ وَاللَّهُ عَظِيمٌ﴾

«Ва сизлар ерда (яъни, Маккада) озчилик ва ночор бўлган ҳолингизда, одамлар (яъни, Макка мушриклари) талаб кетишларидан қўрқиб турган пайтингизда сизларга жой бериб (яъни, Мадинага кўчириб) Ўз ёрдами билан қўллаб-қувватлаганини ва шуқр қилишингиз учун покиза ризқлар билан баҳраманд қилганини эслангиз!» [Анфол 26]

Росулуллоҳ ﷺ айтади:

﴿بَشِّرْ هَذِهِ الْأُمَّةَ بِالسَّعَةِ وَالرِّفْعَةِ وَالنَّصْرِ وَالتَّمَكِينِ فِي الْأَرْضِ، فَمَنْ عَمِلَ مِنْهُمْ عَمَلِ الْآخِرَةِ لِلدُّنْيَا، لَمْ يَكُنْ لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ نَصِيبٍ﴾

«Ушбу Умнатга юксалиш ва юқорига кўтарилиш ҳамда нусрат ва имконият берилиши башорат қилинди. Умнат ичидан бирор киши охират амалини дунё учун қилса, у учун охиратда насиба бўлмайди». Имом Аҳмад ривояти, хасан ҳадис. □

## УММАТ ҒАРБ БИЛАН БЎЛГАН КУРАШИНИ УЗИЛ-КЕСИЛ ҲАЛ ҚИЛИШ АРАФАСИДА

Ҳасан Абдулмуътий

Мусулмонлар Форс давлатини тугатгач, насроний Европа ўзининг вужудига Ислом ҳақиқатдан хатар туғдираётганини ҳамда у билан бўладиган кураш муқаррар ва давомий бўлишини тушунди. Аммо саксон йилдан озроқ вақт ичида Европанинг шарқи ва жанубида Ислом тонги чарақлади. Натижада, насронийлик Европанинг зулматли шимолида қуршовда ва дунёдан узилган ҳолда қолди. Зеро, Андалусия, Миср, Шом ва Шимолий Африкани нурга тўлдирган мусулмонларнинг ёрқин фатҳлари Европа зулматига хавф солган эди.

Шиддатли исломий фатҳлар ғарбликлар қалбини парчалаш ва ўзларини безовта қилишда давом этар эди. Сўнг ғарбликлар исломий юртларга салиб юришларини бошлашди ва салибчилар чуқур нафас олишди. Улар Ислом ва мусулмонларни кириб ташлаш фурсати келди деб ўйлашган эди. Лекин улар бир ярим аср мобайнида исломий юртларнинг бир қисмини босиб олишда муваффақият қозонишларига қарамай, Уммат продаси ва кучини синдиришда тубдан муваффақиятсизликка учрашди. Чунки мусулмонлар Салоҳиддин (Аллоҳ у кишини ўз раҳматига олсин) қўли билан тарқоқлик ва бўлинишларга яқун ясаб, салибчиларни мағлубиятга учратишди.

Ўша пайтда насронийлар пойтахти бўлган Константинопол фатҳ қилиниши ортидан Ғарбни остин-устин қилиб юборган қаттиқ зарбадан сўнг исломий фатҳлар яна кучайди ва юксала бошлади. Константинопол фатҳи дунё тарихи, хусусан Европа тарихи ва унинг Ислом билан бўлган алоқасида муҳим ҳодиса ҳисобланади. Ҳатто европалик тарихчилар ва уларнинг тобелари уни ўрта асрнинг тугаши ва янги аср бошланиши деб аташган.

Дарҳақиқат, ушбу фатҳ туфайли салибчиларнинг қалби титраган эди. Шунингдек, уларда қўрқув, алам ва бахтсизлик ҳисси уйғониб, Истамбулдан келаётган Ислом қўшини хатари чулғаб олди. Чунки Константинопол мусулмонларга қарши уруш қилиш учун илғор база ва салибчиларнинг Исломий Умматга қарши урушларининг бошланиш нуқтаси эди. Лекин у навқирон давлат қўлида, яъни Ислом динини ёйиш йўлидаги жанг ва жиҳод орқали юксалаётган ва салибчи Европа давлатларини бирин-кетин синдираётган Усманий давлат қўлида кулади. Шу билан Усманий

давлатнинг қуввати янада ортди ва Шарқдан Ғарбгача чўзилган мусулмон юртларда сочилиб ётган исломий иқлимлар исломий Халифалик байроғи остига бирлашди. Бу давлат гоҳ Европага хатар солар, гоҳ сафавийлар оловини ўчирар, гоҳида эса чор Россиясининг ҳужумларини қайтарар эди.

Шунда европаликлар ўзлари қанчалар кучли бўлмасин, мусулмонлар билан бўладиган ҳарбий урушни узил-кесил ҳал қила олмасликларини тушунишди. Чунки Ислом мўмин халқларнинг уйғониш ва оламшумул етакчилик нарвонига кўтарилишлари учун ундовчи ва қизиқтирувчи омил эди. Европа муфаккирлари зеҳнида мусулмонларнинг ҳарбий мағлубиятга учраши мумкин бўлсада, бироқ, у вақтинчадир, деган тушунча бор эди. Шунинг учун улар фақат марказлашган фикрий уруш билангина курашга чек қўйиш мумкинлиги, чунки мусулмонлар солибчилар қаршисида ҳеч қачон фикран мағлуб бўлмаганини тушунишди.

Бу нарса Европани аввалгилардан кўра чуқурроқ ва жирканчлироқ солиб юриши қилиш тўғрисида фикрлашга ундади. Натижада, ҳарбий урушни вақтинча бир четга суриб, фикрий уруш ва сақофий жангга киришди. Бу урушни энг илғорлари шарқшунослар ва миссионерлар бўлди. Сўнг уларга Исломий давлат фуқароларидан бўлган насронийлар, яҳудийлар ва мушриклар эргашишди. Кейин уларга Ғарбдан таъсирланган мусулмонлардан бир гуруҳи қўшилди. Барчасининг мақсади битта эди, у ҳам бўлса, биринчи Исломни бошқарувдан четлатиш ва уни мутлақо ҳаёт майдонига яқинлаштирмаслик эди. Бу ҳақиқий ёвуз уруш эди, у орқали исломий ҳукмлар хунук қилиб кўрсатилди ва исломий фикрлар мусулмонлар қалбидан ўчирилди. Бор куч билан ва парда ортидан Исломга қарши курашадиган бузғунчи даъватлар бошланди. Натижада,

﴿أَعْمَلْنَا قُلُوبَهُ عَنْ دِزْرِنَا وَاتَّبَعَ هَوَاهُ وَكَانَ أَمْرُهُ فُرُطًا﴾

**«Биз қалбини Бизни зикр қилишдан гофил қилиб қўйган, ҳавоий-нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсалардир»** [Каҳф 28]

оятда айтилган Уммат фарзандларини ўзларига жалб қилиш учун миллатчилик байроғи кўтариб чиқилди.

Шундай қилиб, Исломий давлатдаги қарор чиқарувчи ўринларга Исломдан нафратланадиган, малай миллатчи турклардан бир гуруҳи сизиб кирди. Улар биринчи жаҳон урушида давлатни оғир аҳволга солган эдилар. Худди шу вақтнинг ўзида Шариф Хусайн бошчилигидаги хоин араб миллатчилари Исломий давлатнинг

марказидан туриб унга зарба бериш учун ҳаракатга келди. Сўнг ўзингиз билганингиздек исломий бошқарув қулади, мусулмон юртлари парчalandи, давлат ва жамиятга куфр низомлари ва фикрлари ҳукмронлик қила бошлади, дин ҳаётдан ажратилди. Шунингдек, Умнатнинг эътибори мустамлакачи кофирга қарши ҳарбий уруш қилиш ҳамда унинг фикрлари ва сиёсий низомларига қарши курашиш ўртасида сочилиб кетди. Бу нарса мусулмонларнинг азиятини янада кучайтирди ва кўпроқ конини тўқди. Мустамлакачи кофир юртларимизни узоқ вақт босиб турди ва салтанатдаги малайлари ҳамда давлат ва жамиятдаги фикр ва низомларини мустаҳкам ўрнаштирганидан кейингина у ерлардан ҳарбий кучини олиб чиқиб кетди.

Мана шундай қийин шароитда Умнат фарзандлари ва уламолари ичидан онгли гуруҳ етишиб чиқди. Улар Исломга бўлган даъватни кўтаришди ва Пайғамбарлик минҳожидан асосидаги иккинчи Халифаликни барпо қилиш орқали одамлар учун чиқарилган энг яхши Умнат деган мақомини қайтариш сари Умнат ичида ва у билан бирга фаолият қилди. Аммо Умнатда исломий онг юксалгани сари мустамлакачилар исломий бошқарувга чек қўйганидан кейин ҳам жанг узил-кесил ҳал бўлмаганини тушунишди. Чунки Ислом мусулмонлар қалбида кучли ўрнашган ва уни синдириш қийин. Шунингдек, Исломий Умнатни уйғотиш учун Ҳизб ут-Таҳрир етакчилигида жиддий ҳаракатлар бўлмоқда. Ҳизб йигитлари турли майдонларда исломий бошқарувга умид уйғотмоқдалар, унинг ҳукмлари ва фикрларига ҳамда илмонийлик қасрларини парчалашга бўлган ишончни қайта тикламоқдалар. Шунингдек, адоватчи мустамлакачининг фитналарини фoш қилмоқдалар.

Натижада, Умнатнинг онгидан юксалди, имон ҳарорати кучайди ва мусулмон юртларни ўраб олган зулм ва фасод муҳитига тоқат қила олмайдиган бўлиб қолди. Шундай қилиб, Умнат кофир Ғарб мусулмонлар устига тиклаб қўйган малай ва хоинларга қарши ҳаракат бошлади. Кетма-кет кўзғолонлар бошланиб, золим режимларнинг тахтига хатар туғдирди ва айрим малайларни қулатди. Шунда Ғарб ўз малайлари ва фикрлари борасида саросимага тушди ва шовқин-сурон кўтарди. Ғарб Константинопол фатҳи кундаги фожиасини кўз олдида келтирди ва барча ҳийлаларини ишга солди. Сўнгра демократияни химоя қилиш ва террорга қарши кураш номли даъволарни кўтарди. Шунингдек, режимларни мустаҳкамлашга ва аксилкўзғолонларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилди. Шундай қилиб, Ғарб Ислом ва

мусулмонларга қарши янги урушни бошлади. Бу уруш орқали мусулмон юртлардаги малай режимларни қулатишни мақсад қилган ҳар қандай ҳаракатни йўқ қилишни хоҳлади.

Қўзғолонлар ортидан бошланган зулмларга ҳамда зўравонлик, қон тўкиш ва қотилликларга қарамай, Умнат чекинмади ва ҳамон режимларни қулатиш ва ўзгартиришни кўзламоқда. Биз шундан келиб чиқиб айта оламизки, мустамлакачи кофир Умнатни ўз дини ва ақидасидан қайтариш учун қанчалар режа тузмасин, фитналар ҳажми қанчалар катта бўлмасин ва адаштириш қанчалар пухта бўлмасин, уни синдириш қийин.

Албатта, Ғарб билан бўлган кураш ҳаёт-мамот курашидир. Бу кураш бир кун ҳам тўхтамай давом этади. Умматимиз чекаётган азиятлар эса, Умнат ўзининг ҳақиқий етакчисини англаб етмагунча тугамайди. Зеро, Умнатнинг ўз фарзандларидан бўлган ушбу холис етакчи салтанатни Умнатга ва хўжайинликни шариатга қайтариш учун кунни тунга улаб ҳаракат қилмоқда. Салтанат Умнатники ва хўжайинлик шариатники бўлсагина одамлар Исломо бошқаруви ва унинг адолати соясида бахтли ҳаёт кечирадилар. Бу эса, вақт масаласи бўлиб, унда Умнат учун Аллоҳнинг ёрдами билан саҳобаи киром ва забардаст мужоҳидларни чиқарган буюк ва ҳайбатли давлатни қайта барпо қилиш имконияти бўлади. Биз бу босқичда азият чекаётган ва воқедаги қийинчиликларни ҳис қилаётган бўлсакда, Умнат яқин кунларда Ғарб билан бўлган курашига чек қўйишини сезиб турибмиз. Биз Умнат Аллоҳнинг изни билан бу курашни қуйидаги ишлар орқали ҳал қилишига ишонамиз:

### **1 – Умнат бугун ўз Исломини яхши англамоқда:**

Албатта, Умнат бирор кун ҳам ўз дини ва исломий сиймосидан юз ўгиргани йўқ. Балки у айрим тақдирий масалалар борасида хато тушунчаларга эргашди. Чунки ўша давр тушкунлик даври бўлиб, унда турли қаланғи-қасанғилар Умнатга исломий ақида ва фикрларга алоқаси бўлмаган фикр ва назарияларни айтаётган эди. Буларнинг барчаси шафқатсиз мустамлакачининг кўмаги билан бевосита ва парда ортидан амалга оширилаётган эди. Натижада Таҳтовий, Жамолдин Афғоний, Муҳаммад Абдух, Рашид Ризо каби ислоҳот ва ўзгартириш назарияси етакчилари чиқди. Ғарб бугун хўмрайган янги башаралар орқали ўша ишни такрорламоқчи. Лекин биз мусулмонлар ўз динига қайтаётгани, уни маҳкам ушлаётгани, ҳақ динларини озик тишлари билан тишлаётганини кўриб турибмиз. Шунингдек, мусулмонлар кофир Ғарб томонидан исломий фикрларга зарба бериш учун

ишлатилаётган сохта фақиҳларнинг воқесини тушунганини ва жирканч илмоний фикр соҳибларини данакни пуфлагандек пуфлаётганини кўриб турибмиз. Бундай фикр соҳиблари турли анжуман ва дастурлар ҳамда радио ва телевидениеларда хуш келибсиз дея кутиб олинмайдиган бўлиб қолди. Ҳатто уларнинг аксарияти ўзини мослаштиришга мажбурлаётган янги воқега мос келиш учун пўстини ўзгартириб, ўзларини «исломий муфаккирлар» номи остида тақдим этмоқдалар. Бу эса, қалблар ва туйғулар фақат Ислом сари интилаётгани ҳамда оламда «Ислом зикр қилинмайдиган хонадон қолмагани»дан дарак бермоқда.

## **2 – Бугун Умнат Ислом билан ҳукм юритишни хоҳламоқда:**

Ислом Уммати бирор кун ҳам Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа аҳкомлар билан ҳукм юритадиган ҳоким ёки низомни қўллаб-қувватламаган. Шунингдек, Исломни ҳаёт воқесига қайтариш учун фаолият қилаётганларни рад этган эмас. Балки ўз ишига мағлуб бўлиб, қиличнинг зўри билан бошқарилган. Натижада кўп балоларни кўрди ва икки оловда қовурилди; бири шариатидан узоқлашгани бўлса, иккинчиси унинг устидан ҳукмронлик қилган режимлар зулми бўлди. Сўнгра истибдод ва фасоддан иборат мусибат даври келди. Шунда Умнат унга қарши қўзғалди ва ўз ҳаётига Исломни ҳакам қилиш учун завқу шавқ билан интилди. Шом майдонларида «Халқ режимни қулатишни истайди», «Кўзғолон фақат исломийдир», «Етакчимиз то абад саййидимиз Муҳаммад», «Халқ қайта Халифаликни истайди», дея нидо қилди. Биз 2012 йил 29 июл жума куни Мисрда миллионлаган кишиларнинг шариат жумаси номли намойишга чиққанини ва унда одамлар шариатни татбиқ қилишни талаб қилганини кўрдик. Шунингдек, Тунисда, 2012 йил 16 мартда шариатга нусрат жумаси номли намойишга чиққанини кўрдик.

Умнат бугун ва ҳар куни қанчалик қурбонликларни талаб қилмасин, ўзининг азизлиги ва ҳурматини қайта тикламоқда ҳамда малайлар ва уларнинг мустамлакачи хўжайинларини рад этмоқда. Чунки у жиҳод, қурбонлик ва шаҳидликка интилувчи Умнатдир. Анави малай режимларни қулатиш йўлида қурбонлари кўпайгани сари унинг ўзгартиришга бўлган қатъияти ҳам кучаяверади. Иш анави зolim режимларнинг ҳақиқий альтернативаси бўлган Пайғамбарлик минҳожид асосидаги рошид Халифаликка алоқадор бўлганда унинг қурбонликлари янада кўпаяди.

## **3 – Умнат бугун душманини танийди:**

Дарҳақиқат, Умнат фарзандлари орасида Ғарбдан таъсирланганлар Ғарбга эҳтиром ва ҳурмат назари билан қараб



келишди. Одамларга Ғарбни уйғониш ва ҳазорат карвонига етишиш учун эргашиладиган олий ғоя қилиб тикиштиришмоқда. Ғарблик мустамлакачилар уларга таълим даргоҳлари, ахборот минбарлари ва сақофат анжуманларида мансаб эгаллашларига ёрдам берди. Токи, улар Ғарб сақофатининг бозорини чаққон қилиб, Ислом сақофатини хунук қилиб кўрсатсинлар.

Умнат ўша даврда анави Ғарб сақофатидан таъсирланганларнинг алдаётганини билмас эди. Шунингдек, ваҳшийлиги, жоҳиллиги ва бузуқ муолажаларини яширган ҳамда йўқолиб, фоний бўлаётган сохта ҳазоратдан сеҳрланиб қолганини англамас эди. Аммо бугун мусулмонларнинг ҳазорат ва дини борасида онгги ўсган, шунинг учун улар ўз динидан бошқасини рад этмоқдалар. Улар Ғарб ҳақиқий душман экани ҳамда унинг қай даражада ёлғончи, алдоқчи ва бадхулқ эканини билади. Ҳа, барча куфр давлатлари Умнатнинг бойликларини талон-торож қилишга, фарзандларини ўлдиришга ва бошпанасиз қўйишга ҳамда Ироқ ва Афғонистондаги ерларини босиб олишга киришгач, Умнат ўз душманини таниди. Кофир хўжайинлари хизмати йўлида одамларни кўрқитиб, оч қўйган мустабид малай ҳукмдорлар ҳам Исломнинг душманлари билан бир сафда турганида Ғарбнинг ёлғонлари ҳамда эркинлик ва демократия каби алдовларини тушунди. Шунинг учун бугунги Умнат олтмиш йилдан кўпроқ вақт олдинги аҳволдан тубдан фарқ қилади. Умнат Америка юртларимизда амалга ошираётган нарсалардан ғафлатда эмас, балки Умнатнинг аксарият қисми уни душман деб билиб, рад этади. Бугун Умнат Америка доим душман бўлганини ҳамда у Шарқий Тимордан Бирма ва Шарқий Туркистонгача ва бошқа исломий юртларда Ислом ва мусулмонларга қарши амалга оширилаётган урушларда бошқа давлатларга етакчилик қилаётганини ва улар билан бирга урушда иштирок этаётганини билади.

Умнат ўзининг ҳақиқий душманини танигани ва унинг яҳудий вужуди ва бошқа жиноятчи режимлардан иборат малайларга ёрдам бераётганини билгани учун унинг ҳийлалари ва тузоқларидан кўпроқ эҳтиёт бўлади. Шунингдек, душманнинг фитналаридан огоҳлантираётган кишига тезроқ жавоб беради.

**4 – Бугун Умнат бирлашишни хоҳлайди ҳамда бўлиниш ва парчаланишни рад этади:**

Дарҳақиқат, ҳукмдорлардан иборат инсоний шайтонлар Умнатни Ислом асосида бирлашиш учун бўлган интилишидан чалғитишга ҳаракат қилди. Уларнинг қўлида миллатчилик ва

ватанпарварликдан бошқа шиор йўқ эди. Лекин тўқсон йилга яқин вақтдан бери бу шиорлар Умнатнинг лаънати Сайкс-Пико шартномаси парчалаб юборган битта яхлит Умнат деган тушунчасидан чалғита олмади. «Миср мисрликлар учун», «Иордания биринчи» ва шу каби шиорлар бекорчи шиорлигича қолди. Халқлар ўртасини ажратадиган сохта чегараларни йўқотиш учун ҳаракатга келган Умнатни ҳукмдорлар кишанлай олмадилар. Умнат бугун ўзининг холис фарзандлари томонидан уни Халифалик давлатида бирлаштирадиган кунни кутмоқда. Тақсимланган мусулмон юртларни яна қайта тақсимлаш борасидаги лойиҳалар ҳақидаги гаплар эса, мусулмонлар қалбидаги бирлик туйғуларига зарба бериш учун кофирлар томонидан қилинаётган бекорчи ҳаракатлардир.

### **5 – Умнат бугун кўрқинч нималигини билмайди ва душманларидан кўрқмайди:**

Бугун Умнатнинг дунёдаги энг жиноятчи режимларига қарши ҳаракат қилиши унинг кўрқув нималигини билмаётганига, ўз душманлари билан очиқ курашга кирганига ҳамда Америка ва унинг шериклари амалга ошираётган урушлар, тил бириктирувлар ва балоларни англаб олганига далилдир. Шунингдек, бу фурсат туғилиши билан иккиланмай қарши курашга киришишга далилдир.

Яқинда Аллоҳнинг хоҳиши билан Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифалик барпо бўлгач, Умнатни сиёсий ва ҳарбий ақлиялар ва ижодкор етакчилар бошқаради. Улар Ислом масаласини кўтариб чиқадилар, ечим ва муолажаларни фақат Ислом ҳукмларидан олишади ҳамда фақат Исломий Умнатнинг кучи ва қудратига суянишади. Шунингдек, нусрат калитлари қўлида бўлган Аллоҳга таваккал қилиб, Умнат душманларига қарши урушга етакчилик қилишади. Ана ўшанда Америка ва унинг шериклари ўтмишда, Умнат билан бўлган курашда бошдан кечирган нарсалари Халифалик барпо бўлгандан кейинги жангларга таққосланганда роҳат бўлганлигини билишади. Унда кураш Умнатдаги шахслар ёки жамоалар билан эмас, балки Халифалик давлати билан бўлади. Шунинг учун Америка Халифалик давлати билан урушга шўнғиш олдидан минг марта фикрлайдиган бўлади.

### **6 – Бугун Умнатда Исломий Халифалик сари интилаётган ва кераклигича илдиз отиб олган Ҳизб мавжуд:**

Дарҳақиқат Аллоҳ Таоло бу Умнатга Ислом неъматини берди.

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

**«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим»** [Моида 3]

Исломга бўлган даъват нури муборак Ақсо масжиди томонлардан, динни янгиловчи мужтаҳид қози Тақийюддин Набахоний (Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин) ва улуғ муфаккир олимлар жамоаси орқали таралди. Яхшилик зиёдалашди ва фаолият қилаётганларнинг азму қарори, даъватчиларнинг садоқати, холис кишиларнинг қурбонликлари туфайли ансорлари ва тарафдорлари кўпайди. Ҳизб ут-Таҳрирдаги кучли фикр, тўғри йўл, тиниқ мақсад, мабдада сабот билан туриш ва бошқалар Ҳизбнинг Уммат орқали ва у билан биргаликда ҳаракат қилаётган мақсадини янада тезроқ рўёбга чиқаради. Биз Аллоҳдан ўша кунни яқин қилишини сўраймиз, Чунки Аллоҳ бу ишга қодирдир.

**Хотима сифатида айтамызки, Биз Умматни яқин кунларда Роббисининг ваъдасига эришишини ҳис қилиб турибмиз. Уммат ўша кунда Исломни ҳаётга қайтариш орқали Ғарб билан бўлган курашини ўз фойдасига ҳал қилади. Биз яна Уммат Халифалик барпо бўлишини интизорлик билан кутаётганини ҳамда унинг дарахти соясида ва унинг халифаси адолати ва бошқаруви остида гуллаб яшнашга интилаётганини ҳис қилмоқдамиз. Аллоҳдан ўша кунни тезлатишини сўраймиз. Бу Аллоҳ учун осондир. □**

**КОРОНАВИРУС...**  
**МУСУЛМОНЛАР ВА ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ ЎЗЛАРИНИ ҚУТҚАРИШ**  
**УЧУН ИСЛОМ ТАЪЛИМОТЛАРИГА МУҲТОЖДИРЛАР**

Коронавирус бутун дунёда, шу жумладан мусулмон юртларда ҳам тарқалди. Давлатларнинг унга қарши курашиши, шахслар учун керакли мажбурий чораларни кўриши табиий ҳолдир. Аммо шаръан амал қилиниши вожиб бўлган нарсалар ва вирус тарқалган пайтда намоз, рўза, ҳаж ва умра каби ибодатларни қандай бажарилиши ҳақида айтадиган бўлсак, бу ишларда мусулмон юртлардаги динни давлатдан ажратган режимларга эмас, балки, шаръий ҳукмларга мурожаат қилинади. Бу илмоний режимлар амалга ошириши лозим бўлган тўғри чора шуки, улар бу масалада диний ишлар вазирликлари ва фатво идораларига – давлатга эмас – бу вирус хатарини ўрганиб, шаръан талаб қилинган ишларни белгилаб беришлари учун имконият беришлари керак. Ушбу муассасалар вокени тушунишганидан кейин амалга оширилиши ва четланиши лозим бўлган чораларни қабул қилишлари лозим. Шунингдек, бу ишлар ўша воқега алоқадор шаръий нусуслар ҳамда мужтаҳидлар истинбот қилган ва исломий тарих давомида татбиқ қилинган шаръий аҳкомларга мурожаат қилиш орқали амалга оширилиши лозим. Бу диний муассасалар (аслида биз уларни мусулмон юртларда ҳукм сураётган илмоний низом остида вазирлик, идора ва муассаса шаклида фаолият қилишини тан олмаймиз) ушбу чоралар характерини белгилаб беришлари керак. Яъни, масжид ёпиб қўйиладими ёки намозхонлар учун очик ҳолда қоладими? Жамоат ва жума намозлари масжидда ўқиладими ёки ўқиш тақиқланадими? Масжидул ҳарам ёпилиб, умра ибодати тақиқланадими ёки бунинг аксими?... Шундан сўнг турли альтернативалар таклиф қилинади ва давлат шуларга таяниб, уларни ижро қилади. Бу муассасалар пандемия даврида ўзига юкланган вазифаларни мана шундай тарзда амалга оширади. Давлат эса, унинг ижросига етакчилик қилади, бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

Лекин бу ишлардан бирортаси ҳам содир бўлмади. Чунки мусулмон юртларда ҳукм сураётган давлатлар ва мусулмонларнинг диний манфаатлари бўйича ҳукмдорлар томонидан тайин этилган етакчилардан бирортаси ҳам Ислом нимага буюраётганига эътибор бермади. Балки, улар Ғарб давлатлари ўз халқларига нисбатан нима чора кўрса, ўшани олишди ва олам бўйлаб ахборот бир хил тарқатилди. Натижада, масжид ва черковлар ёпилди ва уламолар

кўздан ғойиб бўлди. Ҳолбуки, Аллоҳга ҳамд бўлсинки, мусулмон юртлар Европа ва Америка давлатлари даражасида азият чекмади. Шу боис, ушбу давлатлар қўллаган чораларни қўллаш шарт эмас эди.


Аммо Ғарб ва унинг давлатлари, халқлари ва ахборот воситалари бу касаллик борасидаги Ислом таълимотлари ва чораларининг аҳамиятли эканини англашди ҳамда улар ҳақида тинмай гапирадиган ва сўрайдиган бўлиб қолишди. Лекин айни пайтда мусулмон юртларидаги ҳукмдорлар ва сарой уламоларидан иборат уларнинг тобелари шариат буюрмаган қарорларни чиқаришди. Ушбу қарорлар туфайли мутлақо вабо етиб бормаган минтақалар ва вабо тарқалган минтақалар бир хилда ёпиб қўйилди. Аслида Аллоҳнинг раҳмати туфайли вирус мусулмон юртларда саросимали тарзда тарқалмаган эди. Шундан сўнг ҳукмдорлар оммавий шаклда масжидларни ёпиш, жума намозини тақиқлаш ва турли маросимларни тўхтатиш тўғрисида умумий қарор қабул қилишди. Шунингдек, қарорга қарши чиққанлар жиной жавобгарликка тортиш билан огоҳлантирилди... Кўриниш аянчли тус олди. Чунки мусулмонларнинг ҳукмдорлари буюрган ишларни муфтийлар каби расмий диний ходимлар, кибор уламолар ҳайъати ва шу масаладаги вақф идоралари қаршиликсиз бажаришмоқда. Улар одатларига кўра, Аллоҳ Таоло хоҳлаганидек эмас, балки давлатлар хоҳлаётганидек иш тутмоқдалар. Яна бир аянчли ҳолат шуки, Макка ва Мадинадаги икки ҳарам ҳам мусулмонлардан холи бўлиб қолди, умра ибодати тўхтатилди ва ҳаж мавсуми тўхтатилиши мумкинлиги ҳақида фикрлашмоқда. Ҳатто иш шу даражага етиб бордики, рўза иммунитетни тушириб юборади ва оғизни қуритади деган баҳона остида рўза тутишни тўхтатишга фатво берилиши тўғрисида турли гап сўзлар чикди...

Тўғри, вирус тарқалишига қарши курашга давлатлар етакчилик қилади. Бу нарса олдин Исломий давлатда ҳам шундай бўлган. Лекин бу иккисининг ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Чунки Исломий давлат Умматнинг ҳақиқий раҳбари ва ғамхўри сифатида ишларни бошқаради. Шунингдек, ҳаётнинг барча соҳаларига бири-биридан ажратмаган ҳолда сиёсат юргизади... Дарҳақиқат, мусулмонлар бу чора-тадбирлар қаршисида саросимага тушиб қолдилар. Гўё бу ерда қасддан ва умумий шаклда мусулмонларга ёмонлик қилиш, масжидларни ёпиш ва маросимларни тўхтатишни хоҳлаётган кимсалар бордек бўлиб кўринди.

Ҳа, бугун Ғарбдаги одамлар хоҳ якка тартибда хоҳ омматан бўлсин, Ислом ва унинг замон ва макон танламас таълимотларига кизиқмоқда. Улар Росулulloҳ ﷺнинг ўлат ҳақидаги ҳадисларига

этибор бериб, уни ҳаётда қўллашмоқда. Исломни қабул қилиш учун қалблари очилмоқда. Аммо айна пайтда мусулмон юртлардаги расмий диний идоралар бу борада бирор қарор чиқаришмади. Ёки (узоқдан туриб) интернет ва телевидение орқали мусулмонларнинг имоний муҳитини кучайтирадиган ҳамда Аллоҳга дуолар орқали илтижо қилинадиган жамойй дарслар уюштирмади. Ёки содир бўлаётган ишларга нисбатан қандай ишларни қилишни ўргатадиган дастурлар тақдим этишмади... Шунингдек, мусулмонлар орасида бўлаётган турли ҳолатни муолажа қилиш учун шаръий фатволар беришмади... Улар бу каби ишларнинг бирортасини қилишмади, балки шайхлар уйларига қамалиб, барча вақтларини давлатнинг чайналган ахборот воситаларини кузатиш билан ўтказишди...

Бугун мусулмонлар бошдан кечираётган вазият ўзига хос вазиятдир. Чунки уларнинг ҳаёти давомида бу каби вабо бўлган эмас. Одамлар бундай вазиятда ўз Роббиларига кўпроқ муҳтож бўладилар. Чунки улар бу нарса Аллоҳнинг синови эканига ва уни Аллоҳдан бошқаси кўтара олмаслигига ишонадилар. Шунинг учун мусулмонлар моддий сабабларни ушлаган ҳолларида якка ва жамоат бўлиб, Аллоҳга илтижо қилишлари керак... Бу вабо оммавийдир, шунинг учун у оммавий имоний муҳитга, жамойй дуо қилишга, оммавий илтижо, тавба ва истиғфорга муҳтождир... Аммо кўрилаётган чоралар ушбу вабо балосини кўтаришини сўраб Аллоҳга илтижо ва дуо қилиш, истиғфор айтиш учун оммавий имоний муҳитни пайдо қилишдан тўсмоқда.

Албатта мусулмонлар ва улар билан бирга дунё халқлари ўзлари чекаётган азиятлардан уларни қутқариши учун Ислом таълимотларига муҳтож бўлиб турибдилар. Бу эса, мусулмонларни уларнинг ишларини бошқариши учун Исломий давлатни тиклаш вожиблигини ҳис этишларига ундайди. Ҳа, агар мусулмонлар учун Исломий давлат бўлганида ишни бошидан охиригача назорат қилган бўлар эди. Чунки халифа мусулмонларнинг барча ишларини бошқарадиган иш эгасидир. Саййидимиз Умар ибн Хаттоб даврида худди шундай бўлган эди. Чунки у киши Амвос ўлатига нисбатан шундай йўл тутди. Умар  мусибатларга қарши имкониятларни ишга солишда қандай яхши раҳбар эди.

Эй Аллоҳим биз учун ғалабангни тезлат, биздан ушбу вабони кўтар. Шунингдек, Умар ибн Хаттобдек рошид халифа раҳбарлик қиладиган рошид Халифалик давлатини тиклаш орқали ушбу ҳукмдорлар балосидан бизни қутқар. Эй Аллоҳим дуоларимизни қабул эт. □

## Коронавирус касаллиги ҳақидаги савол-жавоб нашрамиз хусусида келган сўровларга жавоблар

Қуйида коронавирус касаллиги ҳақидаги савол-жавоб нашрамиз хусусида келган сўровларга жавоб берамиз:

1 – Вабо билан ўлатнинг ёки коронавирус билан ўлатнинг ўртасида юқумли касаллик эканлиги жиҳатидан ҳеч қандай фарқ йўқ. Чунки куч-қудрат эгаси бўлган Аллоҳ Таоло ўлатни ҳам, коронавирусни ҳам юқиши мумкин бўлган суратда яратган. Касаллик бактерия орқали юқадими ёки вирус орқалими, фарқсиз, унда юқиш имконияти мавжуд. Шунинг учун юқиши мумкинлиги жиҳатидан уларнинг ҳукми бир хил. Савол-жавоб нашраси айти шу мавзунини ўз ичига олган эди.

2 – Биз ўз жавобимизда ҳозирги коронавирус касаллиги инсон томонидан ишлаб чиқилмаганини айтгандик. Шу тўғрида ҳам савол берилиб, «бунда Ғарб ҳисоботларига таяниб айтилибди, уларнинг ҳисоботларига таяниб бўлмайди», дейишди... Бу гап унчалик тўғри эмас. Чунки илмий нуқтаи назарларни ҳар қандай манбадан олиш мумкин, муҳими у нарсанинг ҳақиқатдан тўғри экани оғир босиб, бундан қалб қаноатлансин. Шунинг учун коронавируснинг инсон томонидан ишлаб чиқилмаганлиги тўғрисидаги Ғарб ҳисоботларига таяниш мумкин. Дарҳақиқат, савол-жавоб нашрасида бу вируснинг инсон томонидан ишлаб чиқилмасдан, табиий суратда пайдо бўлганини, **яъни, инсон томонидан маълум бир мақсадда ишлаб чиқилган деган фикрдан кўра табиий суратда пайдо бўлган, деган фикрнинг эҳтимоли кўпроқ эканини**, айниқса Хитой ва АҚШ каби коронавирус касаллигини тарқатганликда айбланаётган давлатларнинг ўзида ҳам кенг тарқалганлиги бу нарсани исботлаб турганлигини айтиб ўтганмиз. Савол-жавоб нашрамизда бундай деган эдик: «Шундай қилиб, коронавирус (Covid-19, SARS-CoV-2)нинг тарқалиши тўғрисида Америка билан Хитой ўртасида даҳанаки жанг бошланди. Иккала давлат ҳам бир-бирини ушбу касаллик тарқалишининг бевосита сабабчиси эканлигида айбламоқда. **Шундай бўлса-да, Хитой ҳукуматининг ҳам, АҚШ ҳукуматининг ҳам касаллик тарқалиши ортида турганлиги эҳтимолдан холи эмас.** Бироқ, биз масалани ўрганиб чиққанимиздан кейин, Қўшма Штатларнинг ҳам, Хитойнинг ҳам коронавирусни бошқа мамлакатларга олиб борганига ёхуд уни

ишлаб чиқиб, бошқа давлатларга кўчирилиши учун имконият яратиб берганига етарли далиллар йўқ, деган хулосага келиб, шу вариантнинг эҳтимоли кўпроқ, деб билишимиз». Бу тўғрида савол-жавоб нашрамизда муфассал айтиб ўтдик. У фейсбукдаги саҳифамизда турибди, муурожаат қилиш мумкин.

3 – Жума намози масжидда адо этилади. Баъзи фуқаҳолар майдонларда, яъни, намозхонларнинг кириши ман қилинмайдиган умумий жойларда ҳам адо этилишини жоиз санаганлар. Бироқ, жума намозининг хусусий жойларда (уйларда) барпо этилмаслиги ва дуруст бўлмаслигининг эҳтимоли кўпроқдир (рожиҳроқдир). Шунинг учун масжид ёки майдон топилмаса, у ҳолда, уйда тўрт ракатли пешин ўқилади. Агар давлат масжидларда ёки майдонларда ўқишни тақиқласа, гуноҳкор бўлади. Чунки нусуслар шуни ифодалайди ва Аллоҳ Субҳанаҳунинг

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

*«Эй мўминлар, қачон Жума кундаги намозга чорланса (яъни азон айтилса), дарҳол Аллоҳнинг зикрига шошиб боринглар ва олди-сотдини тарк қилинглар! Агар биладиган бўлсангизлар, мана шу ўзларингиз учун яхшироқдир»* [Жума 9] деган оятдан шу нарса тушунилади. Шу боис, мусулмон жума намозига ҳеч бир тақиқсиз бориши керак.

﴿فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ﴾

*(Дарҳол Аллоҳнинг зикрига шошиб боринглар ва олди-сотдини тарк қилинглар).* Демак, жумага саъй-ҳаракат қилмоқ фарз бўлиб, бунинг қаринаси мубоҳни тарк қилишдир. Бундан тақиқлаш жоиз бўладиган уйлар каби хусусий жойларда жума намози адо бўлмаслиги тушунилади... Шунинг учун жавобда ҳукмдорларнинг масжидларни ёпиб, у ерда намоз ўқишни тақиқлашларининг ножоизлиги ва бунда ўша ҳукмдорлар учун гуноҳи азим борлиги айтилган. **Шунга кўра, агар ҳукмдорлар масжидда жума намози адо этилишини тақиқлашса ва уйлардан ташқари намоз учун аталган бошқа ер бўлмаса, уйда тўрт ракатли пешин ўқилади. Масжидларни ёпган давлат эса – жавобда айтганимиздек – қаттиқ гуноҳкор бўлади.**

4 – Энди, «демак – тушунишим бўйича, валлоҳу аълам – бугунги кунда ҳукмдорлардан зулм етиши хавфи бўлса, шу сабабли жума ва жамоат намозлари соқит бўлар эканда», деган саволга келсак, бу масалани тафсилоти билан баён қилиш лозим.



Жавобимизда бундай келган: (Хавф-хатарда қолган кишига ҳам жума вожиб бўлмайди. Бунга Ибн Аббос رضي الله عنهнинг ушбу ривояти далил: Набий صلى الله عليه وسلم айтдилар:

«مَنْ سَمِعَ التَّدَاءَ فَلَمْ يُجِبْهُ فَلَا صَلَاةَ لَهُ إِلَّا مِنْ عُذْرٍ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا الْعُذْرُ؟ قَالَ: خَوْفٌ أَوْ مَرَضٌ»

«Кимда-ким азонни эшитса-ю, узрсиз намозга келмаса унинг намози намоз эмас. Фақат узр ҳолати бундан мустасно. Ё Росулulloҳ, нима узр бўлади? деб сўрашди. Пайғамбар алайҳиссалом: **Хавф-хатар ёки касаллик**, деб жавоб бердилар». Байҳақий «Сунани кубро»да ишлаб чиққан). Ушбу хавф-хатар ҳақида Ибн Қудом аъзининг «Муғанний»сида (1/451) бундай деган: «(881) фасл: хавф-хатардаги кишига ҳар иккаласини тарк этиши узрга ўтади. Бунга Набий صلى الله عليه وسلمнинг

«الْعُذْرُ خَوْفٌ أَوْ مَرَضٌ»

«Узр – хавф-хатар ёки касалликдир», деган ҳадислари далил. Хавф-хатар уч хил бўлади: жон учун, мол учун, аҳли оила учун. Жон учун бўлган хавф кишининг ҳоким ёки душман томонидан қамокқа олинишидан хавфсираши ёки шунга ўхшаш жонига бирор азият етказишидан қўрқишидир...». «Муҳаззиб фи фикҳи имом Шофеий ли Шерозий» китобида ҳам бундай келган: (... чунончи, ўзига ёки молига зарар етишидан ёхуд мақсаднинг амалга ошишини қийинлаштириб қўядиган бир касалликдан қўрқишидир. Бунга далил Ибн Аббос رضي الله عنه ривоят қилган Набий صلى الله عليه وسلمнинг қуйидаги ҳадисларидир:

«مَنْ سَمِعَ التَّدَاءَ فَلَمْ يُجِبْهُ فَلَا صَلَاةَ لَهُ إِلَّا مِنْ عُذْرٍ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا الْعُذْرُ؟ قَالَ: خَوْفٌ أَوْ مَرَضٌ»

«Кимда-ким азонни эшитса-ю, узрсиз намозга келмаса унинг намози намоз эмас. Фақат узр ҳолати бундан мустасно. Ё Росулulloҳ, нима узр бўлади? деб сўрашди. Пайғамбар алайҳиссалом: **Хавф-хатар ёки касаллик**, деб жавоб бердилар»). Яъни, мусулмон киши золим ҳукмдор томонидан адолатсиз равишда таъқиб қилинса, узрли ҳисобланади. Масалан, ҳукмдорнинг малайлари жомеда уни қамокқа олиш ва зиён етказиш учун кутиб туришганига аниқ ишонса ёки бунга кўпроқ гумони ғолиб келса, у ўша масжидда жума намозини адо қилишдан узрли ҳисобланади ва жума намозини адо қилиш учун бошқа масжидни қидириши лозим бўлади. Қидириш учун қилган

ҳаракати ҳам фойда бермаса, у ҳолда, хусусий жойда тўрт ракатли пешин ўқийди... Агар савол берган киши бизнинг жавобимиздан шу нарсани тушунган бўлса, тўғри тушунибди, валлоҳу аълам ва аҳкам.

5 – Имом Бухорий ривоят қилган «...عَدْوَى لَا كَسَالِيكَ يُوَكِّشِي يَوْمَ...» деган ҳадисга келсак, баъзи уламолар нафи маъносида, яъни, касаллик юкмайди, дея тафсир қилганлар. Бироқ, унинг талаб маъносидаги хабар бўлишининг эҳтимоли кўпроқ. Шунинг учун агар мусулмон юқумли касалликка чалинса ёки унинг касаллиги Аллоҳ Субҳанаҳу яратгандек юқиши мумкин бўлса, бундай ҳолатда мусулмон киши бошқа намозхонларга юқтириб қўйишдан хавфсирагани учун жума ва жамоат намозларига боришдан узрли ҳисобланади. Шунингдек, бу юқоридаги «الْعُدْوُ حَوْفٌ أَوْ مَرَضٌ

узр – хавф-хатар ёки касалликдир», деган ҳадисда келган узрлардан бири ҳамдир.

6 – Имом Бухорий ривоят қилган

«إِذَا مَرَضَ الْعَبْدُ أَوْ سَافَرَ كُتِبَ لَهُ مِثْلُ مَا كَانَ يَعْمَلُ مُقِيمًا صَحِيحًا»

«Агар банда касал бўлиб қолса ёки сафар қилса, унга муқимлиги ва соғломлигида қилган амалининг ажридек савоб ёзилади», деган ҳадисга келсак, бу ҳадис мусофир ёки касал одамга, яъни, жамоат ва жума намозларига боришдан узрли бўлган кишига нисбатан айтилган. У намозларини шариатда кўрсатиб бергандек ўқийверади ва Аллоҳнинг изни ила, худди муқим ёки соғлом ҳолида намоз ўқиганининг савобини олади. Шунинг учун узрсиз жума намозига бормаётган соғлом ёки муқим кишига бу ҳукм тўғри келмайди.

7 – Энди, бизнинг жума намозидagi адад учта деган гапимизга эътироз билдириб, Шофеийда қириқталиги айтилган саволга келсак, бу бошқа мавзудир ва бунга Моликийдаги ўн икки нафар, деган фикрни ҳам қўшиш мумкин... Бу ерда ҳеч бир қарама-қаршилик йўқ. Чунки гап мусулмон кишининг шариат тасдиқлаган санокдаги кишилар билан жума ва жамоат намозларини ўқиши учун масжидларни беркитиб қўймаслик ҳақида кетяпти. Маълумингизким, жавобда айтилганидек, уч кишининг жума намозини ўқий олиши тўғри фикр ҳисобланади.

8 – Сабабларни ушлаш мавзусига келсак, бу тўғри. Лекин шариатга хилоф келмаслиги лозим. Бу ерда касал кишининг жумага бормай, соғломларнинг бориши сабабларни ушлаш, демакдир... Биз савол-жавоб нашрамизда соғлом кишилар намоз ўқий олишлари учун масжидлар ёпиб қўйилмаслиги кераклигини

ва юқумли касали бор кишилар масжидга келмасликлари учун барча керакли чора-тадбирлар кўрилиши лозимлигини етарлича баён қилганмиз. Шунинг учун соғлом кишилар ҳам коронавирус касаллигига чалинган бўлади, бироқ, унинг симптомлари кўринмайди, шу боис, ҳаммани масжиддан тақиқлаш керак, яъни, бутун ер курраси аҳолисини масжидларга қўймаслик лозим, деб айтиш нотўғри! Чунки бу на бир ҳужжатга асосланган ва на бир ғолиб гумонга!! Билъакс, юқумли касалликка чалингани аниқ бўлган киши масжидга киритилмайди. Шунингдек, юқумли касалликка чалингани гумон қилинган киши ҳам киритилмайди. Аммо бошқалар намоз ўқийверадилар...

9 – Коронавируснинг умуртқа поғонаси йўқ, деган кишининг саволига келсак, бу киши коронавирус инсон каби эмас, демоқчи бўлган бўлса керак. Ҳа шундай, у инсон каби эмас. Бироқ, афтидан, бу мавжудотда бўғинларнинг борлиги сабабли инглиз манбаси уни «Backbone», деб аташга мажбур бўлган кўринади. «Backbone», деб тиббиёт тилида умуртқа поғонасини айтилади. Зеро, ушбу бўғинларнинг боғланиши инсон умуртқасидаги боғланишларга ўхшайди... Шу сабабдан буни шундайлигича қолдирган эдик... Бундан савол келиб чиқади, деб ўйламаган эдик!

10 – Маййитни ювиш масаласига келсак, унинг шаръий ҳукми қуйидагича:

а) Мусулмон маййитни ювиш фарзи кифоя бўлиб, мана шу раъй рожиҳроқдир. Бунинг далилларини қуйида келтириб ўтамиз:

– Туяси зарар етказиши натижасида вафот топган эҳромдаги киши ҳақида Росулulloҳ ﷺ бундай деганлар:

«اغسلوه بماءٍ وسدرٍ وكفّنوه في ثوبيه»

**«Уни сув ва сидр (хушбўй ўсимлик қўшилган сув) билан ювиб, икки либоси билан кафанланглар».** (Бухорий Ибн Аббосдан ривоят қилган).

Набий ﷺ ўз қизини ювган аёлларга бундай деганлар:

«اغسلنها وتراً ثلاثاً أو خمساً»

**«Тоқ қилиб, уч марта ёки беш марта ювинглар».** (Муслим Умму Атийядан ривоят қилган).

– Ушбу икки ҳадисдан маййитни ювганлар шу ишга кифоя қилгудек бир неча нафар мусулмонлар бўлганлиги ҳамда Росулulloҳ ﷺ шу билан кифояланганликлари очиқ кўриниб турибди. Бундан ташқари, Росулulloҳ ﷺ ўз ҳаёти давомида барча мусулмон маййитларига шу ҳукмни қўллаб келганлар ва маййитни ювишни ҳеч қачон истисно қилмаганлар. Фақат Бадр ва Ухуд

жанглари каби, жангда шаҳид бўлганларни ювмаганлар. Шунинг учун маййитни ювмоқ фарзи кифоядир.

б) Бу ҳукми кўплаб фуқаҳолар олган:

– Сарахсийнинг «Мабсут»ида бундай дейилади: «Билингки, маййитни ювмоқ вожиб бўлиб, мусулмоннинг мусулмон устидаги ҳақкидир. Муҳаммад алайҳиссалом **«Мусулмоннинг мусулмон устида олтига ҳаққи бор»**, деган ҳадисларида вафот этгандан сўнг ювишни ҳам зикр қилганлар. Лекин баъзи мусулмонлар уни адо этсалар, мақсад ҳосил бўлгани учун қолганлардан соқит бўлади».

– Имом Шофеий «Умм» китобида бундай деганлар: «Одамларга маййитни ювмоқ, жаноза ўқимоқ ва дафн қилмоқ вожибдир. Бу иш мусулмонларнинг ҳаммасини ўз ичига олмайди. Балки бу ишга кифоя қиладиган айрим мусулмонлар адо этсалар, шунинг ўзи етарли, инша Аллоҳ».

– Ибн Қудоманинг «Шарҳул Кабир»ида бундай келган: «(Маййитни ювмоқ фасли): (Масала): (Маййитни ювмоқ, кафанламоқ, жаноза ўқиб, дафн қилмоқ фарзи кифоядир). Чунки туяси зарар етказиши натижасида вафот топган киши ҳақида Росулulloҳ ﷺ бундай деганлар:

«اغسلوه بماءٍ وسدرٍ وكفّنوه في ثوبه»

**«Уни сув ва сидр (хушбўй ўсимлик қўшилган сув) билан ювиб, икки либоси билан кафанланглар».** (Муттафақун алайҳи)».

в) Маййитни ювиш маъзур бўладиган баъзи бир сабаблар ҳам бор. Масалан, сув йўқ бўлиши мумкин ёки жасад куйиб кетиб, сув билан ювганда титилиб кетиши мумкин ёхуд маййит мохов, ўлат ва коронавирус сингари касал туфайли вафот этиб, ғассолга касаллик юқиши мумкин, ва ҳоказо. Биз бу масалада бирор ҳукми табанний қилмоқчи эмасмиз. Мусулмон киши кўнгли таскин топиб, рожиҳ деб билган фикҳий раъйлардан бирига тақлид қилаверади. Мен фуқаҳоларнинг баъзи шаръий раъйларини келтириб ўтмоқчиман:

– Ҳанафийлар агар сув йўқлиги сабабли маййитни ювмоқ маъзур бўлиб қолса, уни тупроқ билан таяммум қилинади, деганлар. Масалан, «Иноят» китобида (16/261) «Сув йўқлиги сабабли ювиш маъзур бўлиб қолса, уни тупроқда таяммум қилинади», дейилган. Аммо маййитни ушлаш маъзур бўлгани сабабли ювиш ҳам маъзур бўлиб қолса, устидан кўпгина сув куйиб юборилади. Бу ҳақда «Мароқил Фалоҳ»да (224) бундай дейилган:

«Шишиб кетгани сабабли ушлаш маъзур бўлиб қолган пайтда, маййитнинг устидан сув қуйиб юборилади».

– Моликийлар раъйи бўйича, сув йўқлиги сабабли ювиш маъзур бўлиб қолса, маййит таяммум қилинади... Агар танадаги яралар ёки куйиш ёхуд қичима ё-да чечак касаллиги сабабли маййитни ювиш маъзур бўлса, яъни, сув билан ювганда жасад шилиниб ёки уқаланиб-титилиб кетадиган бўлса, бундай вазиятда шу ҳолатларга олиб бормаيدиган даражада устидан сув қуйилади. Агар сув қуйиш ҳам маъзур бўлса, маййит таяммум қилинади... Бу шайх Аҳмад Дардирнинг «Мухтасари Халил»га ёзган «Шарҳи Кабир»ида келган.

– Шофеийларнинг раъйига кўра, баъзи бир сабаблар боис, маййитни ювиш узрли бўлиб қолса, масалан, сув йўқ бўлса ёки жасад куйиб кетган бўлиб, ювиш оқибатида шилиниб-титилиб кетиши хавфи бўлса, бундай ҳолатларда маййит ювилмайди, балки уни таяммум қилинади. Шофеийлар – агар ғассолга маййитни ювишда бирор зарар етиши хавфи бўлса, уни таяммум қилиш вожиблигини аниқ қилиб, айтиб ўтганлар. Имом Нававий роҳимахуллоҳ «Мажму»да бундай дейди: «Агар сув йўқлиги сабабли ёки куйиб кетиб, ювганда жасаднинг шилиниб-титилиб кетиши сабабли маййитни ювиш маъзур бўлиб қолса, уни ювилмайди, балки таяммум қилинади ва бу таяммум вожибдир. Чунки таяммум поклаш бўлиб, нажосатни тозалашга алоқаси йўқ. Худди жунуб бўлган киши сув билан ғусл қилолмаган пайтда таяммум қилгани каби, бундай ҳолатда ҳам таяммум қилинади. Масалан, маййитнинг бадани тилка-пора бўлиб, ювиш натижасида жасад титилиб кетадиган бўлса ёки ғассол учун хавф мавжуд бўлса, бундай ҳолатда маййит таяммум қилинади».

– Ҳанбалийларда икки ривоят бор, биринчи ривоят мана бу: «Агар бирор монё туфайли маййитнинг баданини ишқаб ювиш узрли бўлса, ишқамасдан устидан кўпгина сув қуйиб юборилади. Бунинг иложи бўлмаса, таяммумга ўтилади».

Иккинчи ривоят: «Ювиш узрли бўлиб қолса, маййит таяммум қилинмайди. Балки юлмаган ва таяммум қилинмаган ҳолда жаноза ўқиладиган. Чунки ювишдан мақсад тозалашдир. Таяммум билан эса, тозалаш амалга ошмайди».

– Шайх Муҳаммад ибн Муҳаммадмухтор Шанқитий «Умдатул Фикҳ» шарҳида бундай дейди: «Бирортасининг зарар берувчи юқумли касаллиги бўлса – албатта маййит тўғрисида гап кетяпти – ва тирик ғассолга зарари тегиши мумкин бўлса, яъни, ўқиб ўрганиш билан ҳамда мутахассислар гувоҳлиги асосида

унинг юқумли касали ювиш пайтида ғассолга юқиши исботланса, бундай ҳолатда маййит таяммум қилинади».

**Кўриб турганингиздек, бу борада икки раъй бор экан. Биринчиси: агар маййитни ювиш маъзур бўлиб қолса, уни таяммум қилинади ва жаноза ўқиб, дафн этилади. Иккинчи раъйга кўра, маййитни ювиш маъзурли бўлса, уни таяммум қилинмайди, балки жаноза ўқиб, дафн қилинаверади. Биз ушбу жавобимиз бошида айтганимиздек, мусулмон киши тўғрилигига кўнгли таскин топиб, хотиржам бўлган раъйга тақлид қилиши лозим.**

11 – Бизнинг ақида ва ибодатлар масаласида табанний қилмаслигимизга келсак, бу тўғри. Лекин биз асосий ақидаларда ва Уммат бирлиги билан боғлиқ ибодатларда, масалан, ҳар қандай юртда ой кўринган пайтда рўза ва ҳайит кунларини бошлаш каби масалаларда табанний қилганмиз. Масжидларни ёпилиши масаласида ҳам табанний қилдик. Яъни, жавобда айтганимиздек, керакли вақтларда масжидлар очик туриши вожиб.

**18 шаъбон 1441х**

**11 апрел 2020м □**

## АМВОС ЎЛАТИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРДАН

Ибн Касирнинг Бидоя ва Ниҳоя китобининг еттинчи қисмида Амвос ўлати ҳақида бироз маълумотлар келган. Абу Убайда, Муоз ибн Жабал, Язид ибн Абу Суфён ҳамда бошқа бир қанча улуғ саҳобалар ва улардан бошқалар мана шу ўлатдан вафот этганлар.

Ибн Жарир ўша йил ҳақидаги маълумотлар ичида қуйидагиларни келтиради: Муҳаммад ибн Исҳоқнинг Шўъбадан, у Абдуллоҳ ибн Мухтор Бажлийдан, у Торик ибн Шиҳоб Бажлийдан ривоят қилишича, Торик ибн Шиҳоб айтади: Абу Мусо Кўфадаги уйида эканида у билан суҳбатлашгани унинг олдига бордик. Биз ўтирганимизда у бундай деди: Бу ердан чиқиб кетманглар, бу ҳовлида биттаси шу касалликка чалинган. Сизлар бу бало кўтарилгунига қадар ушбу кишлоқдан чиқиб, юртингизнинг кенг ҳудуд ва сайлгоҳларига сафар қилмаслигингиз керак. Мен сақланилиши керак бўлган ёмон кўриладиган нарсани сизларга айтай: Ҳеч ким – чиқиб кетганим яхши, бу ерда қолсам ўламан, деб ҳам, бу ерда қолиб касал юқтирса, чиқиб кетганимда касаллик юкмасди, деб ҳам ўйламасин. Мен Амвос ўлати йилида Абу Убайда билан бирга Шомда эдим. Касаллик авж олиб, бунинг хабари Умарга етиб боргач, Умар Абу Убайдани касаллик тарқалган жойдан олиб чиқиб кетиш учун унга қуйидагича мактуб йўллади: «Ассалому алайка, аммо баъд... Менинг сенга эҳтиёжим бор, мен шу ҳақда сен билан гаплашмоқчиман. Шунинг учун сени чақиришга қарор қилдим. Агар менинг мактубимни ўқисанг, олдимга етиб келгунига қадар уни йўқотиб қўйма».

Яна бундай деди: Абу Убайда Умар уни вабодан чиқариб олмоқчилигини билгач, «Аллоҳ амирул мўмининни мағфират қилсин» – деди. Сўнг қуйидагича мактуб йўллади: Эй амирул мўминин, менга эҳтиёжингиз борлигини билдим. Мен мусулмонларнинг шундай бир аскарлари билан биргаманки, улардан ўзимни асло олиб қоча олмайман. Шунинг учун Аллоҳ улар ва мен ҳақимда Ўз иши ва қазосига ҳукм қилгунига қадар улардан ажралмайман. Шундай экан, эй амирул мўминин мен ҳақимдаги қарорингиздан воз кечинг ва мени аскарларим ичида қолдиришг».

Умар мактубни ўқигач йиғлади. Одамлар: эй амирул мўминин Абу Убайда ўлибдими – деб сўрашди. Умар: йўқ, аммо ўлгандай бўлди – деди.

Абу Мусо сўзини давом эттириб айтади: Сўнг Умар унга қуйидагича мактуб йўллади: «Сен одамларни чуқур ерга

туширибсан. Уларни озгина бўлса ҳам ором олишадиган баланд ерга олиб чиқ».

У яна айтади: Абу Убайдага Умарнинг мактуби етиб келгач, мени чақириб бундай деди: «Эй Абу Мусо, амирул мўминининг мактуби менга сен кўрган нарсани олиб келди. Сен чиқиб, одамларни мен уларнинг олдига сенинг ортингдан етиб боргунимча уйга қайтар». Мен жўнаб кетиш учун уйимга қайтиб аёлимни касалга чалинганини кўрдим. Шунинг учун Абу Убайданинг олдига қайтиб: Аллоҳга қасамки, аҳлимда кутилмаган ҳол бўлди – дедим. Абу Мусо «касалликка чалингандир? – деб сўраган эди, мен «ҳа», дедим. Сўнг туя келтиришни буюрган эди у учун туя эгарлаб тайёрланди. У оёғини туянинг узангисига қўйгач, Аллоҳга қасамки, мен касалликка чалинибман – деди. Сўнг одамлар билан йўл юриб, Жобия кўлида тўхтадилар, сўнг одамлардан вабо кўтарилди.

Муҳаммад ибн Исҳоқ Аббон ибн Солиҳдан, Аббон Шаҳр ибн Ҳавшадан, Шаҳр Роббадан, Робба қавмидаги бир кишидан ривоят қилиб айтади: У киши отасидан кейин онаси билан қолган ва Амвос ўлатига гувоҳ бўлган эди. У айтади: Касаллик авж олгач Абу Убайда одамларга хутба қилиб: «Эй одамлар, албатта бу касаллик сизларга раҳмат, пайғамбарингиз даъвати ва сизлардан олдинги солиҳлар ўлимидир. Абу Убайда ўзи учун бу касалликдан насибаси бўлишини Аллоҳдан сўрайди» – деди. Сўнг касалликка чалиниб вафот этди.

У ўзининг ўрнига Муоз ибн Жабални қолдирди. Муоз ундан кейин хутба қилиб бундай деди: «Эй одамлар, албатта бу касаллик сизларга раҳматдир, пайғамбарингиз даъватидир ва сизлардан олдинги солиҳ кишиларнинг ўлимидир. Муоз ўз оиласи учун бу касалликдан насиба беришини Аллоҳдан сўрайди». Сўнг унинг ўғли Абдуррахмон ўлатга чалиниб вафот этди. Кейин Муоз ўрнидан туриб, ўзи учун дуо қилди ва кафтини дуога очиб турган ҳолда шу ўлат билан вафот этди. Дарҳақиқат, мен «сен кафтимда дунёдан бир парчасининг ҳам бўлишини истамайман», дея кафтини орқасига ўгирганини кўрдим.

У вафот этгач ўзидан кейин одамларга Амр ибн Осни бошлик қилиб қолдирди. Амр ибн Ос одамларга хутба қилиб бундай деди: «Эй одамлар, албатта бу касаллик рўй берса, у ўт аланга олгандек аланга олади. Шунинг учун сизлар ундан тоғларда ҳимояланинглар». Шунда Абу Воил Ҳазалий бундай деди: «Сен ёлғон гапирдинг, Аллоҳга қасамки, мен Росулulloҳ ﷺ га ҳамроҳ бўлганман. Сен менинг ушбу эшагимдан ҳам ёмонсан». У яна




бундай деди: «Сен айтган нарасада бирор фойда йўқ, Аллоҳга қасамки, биз бу ишни қилмаймиз». Сўнг Амр чиқди ва одамлар ҳам чиқиб тарқалдилар. Аллоҳ улардан касалликни даф қилди. Умар ибн Хаттобга Амр ибн Ос билдирган фикр етиб боргач, Аллоҳга қасамки, у Амрнинг хутбасини ёмон кўрмади.

Ибн Исҳоқ айтади: Абу Убайда ва Язид ибн Абу Суфённинг касалга чалингани Умарга етиб боргач, у Муовияни Дамашқ аскарлари ва унинг хирожига амир қилди. Шурахбил ибн Ҳасанани Иордания аскарлари ва хирожига амир қилди. Сайф ибн Умар ўзининг шайхларидан шундай деб айтганларини ривоят қилади: Амвос ўлати икки марта рўй берганида унинг ўхшаши кўринмаган эди ва у чўзилиб кетди, кўп одамлар ҳалок бўлди. Ҳатто душманда таъма пайдо бўлди ва бундан мусулмонлар қалбига кўрқув тушди. Шунинг учун бундан кейин Умар Шомга келди. У амирларга ўлганлар мероси масаласи мушкул бўлгани учун уларнинг меросларини тақсимлади. Умарнинг келиши билан одамлар қалбига хурсандчилик кирди ва у Шомга келгани учун душманлар ҳар тарафдан бостирилди. Аллоҳга ҳамд ва шукрлар бўлсин.

Сайф ибн Умар ўн еттинчи йил охирида Амвос ўлатидан сўнг Умарнинг келишини зикр қилгандан кейин бундай деди: Умар зул-ҳижжа ойида Мадинага қайтиб келишни хоҳлаган пайтида одамларга хутба қилди. У Аллоҳга ҳамду сано айтиб, сўнг бундай деди: «Огоҳ бўлингизким, мен сизларнинг устингиздан раҳбарлик қилдим ва Аллоҳ сизларни бошқаришдек елкамга юклаган ишни адо қилдим, инша Аллоҳ. Биз ўртангизда ўлжангизни, уй-жойларингизни, ғазотда олган ерларингизни тақсимлаб бердик, ўзимиз билган нарсаларни сизга билдириб, сизга аскарларни сафарбар этдик, яхши-енгил кунларни муҳайё этиб, чор атрофингизни ва жанг қилиб олганингиз Шомингизни кенг бепоён қилиб бердик, таомларингиздан қандайларини ейишни ўргатдик, сизларга совғаларингиз, насибаларингиз ва ўлжаларингизни топиб-териб ейишни буюрдик. Бас, кимингиз озгина билимга эга бўлса ҳам унга амал қилсин ва бизга билдирсин биз ҳам инша Аллоҳ амал қилайлик, куч-қудрат фақат Аллоҳ қўлидадир». Кейин намоз вақти бўлганди одамларга «Билолни азонга буюрайми?», деди. Шундай деб, Билолга буюриб, азон айттирди. Шунда Росулulloҳ ﷺни кўрган ва у зотнинг замонларида Билолни азон айтганини билганки одамлар йиғлаб юбордилар, Умарнинг ҳам юм-юм йиғидан ҳатто соқоли ҳўл бўлди, чунки у ҳаммадан ҳам кўп йиғловчи зот эди. Росулulloҳ ﷺни кўрмаган одамлар ҳам

уларнинг йиғлашгани учун ва ул зот зикр қилингани учун йиғладилар.

Ушбу суннат тўғрисида Ибн Журайр Сайф ибн Умардан, у Абу Мужолиддан ривоят қилади: Умар ибн Хаттоб Холид ибн Валидга чопар юборди. Чунки Холид ибн Валид касалликка чалингандан сўнг ҳаммомга кириб, хамр-мусаллас аралашган заъфарон гул билан массаж қилдирган эди. Умар  мактубда бундай деди: Аллоҳ гуноҳ ишнинг ошкораю яширинини ҳаром қилгани каби, хамр-мусалласни ҳам ошкора ва ботинини ҳаром қилган. Шунингдек, мусалласни ушлашни ҳаром қилган, бас, уни танангизга текизманг, чунки у нажасдир. Агар танангизга текизган бўлсангиз, қайтиб бундай қилманглар». Холид унга жавоб ёзиб, «биз гулни эзиб-ўлдириб хамри йўқ кукунга айлантирдик», деди. Умар унга бундай деди: «Мен Муғира оиласининг ўлат касаллигига дучор қилди, деб ўйлайман, бас, Аллоҳим сизларни бу иллат билан ўлдирмасин». Шундан сўнг бу касаллик тугади.

Сайф ибн Умар бундай дейди: «Шу йили Басра аҳли ҳам Тоунга чалинди, бу касалликдан жуда кўп одамлар ҳалок бўлди.

Аллоҳ уларни раҳмат қилсин ва улардан рози бўлсин. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>Испания газетаси: Пайғамбар Муҳаммаднинг вирусга қарши курашиш ҳақидаги насихатлари ҳайратланарлидир</b>		
<p>Испаниянинг «ABC» газетаси веб-сайти Ғарбда шахсий ва умумий гигиена ҳамда эпидемияларга қарши кураш тўғрисидаги исломий меросга бўлган эътибор кучайиб кетганига ишора қилар экан, бир ҳисобот тарқатди. Ҳисоботда ваболарга қарши кураш ва коронавирус тарқалишига чек қўйиш учун бугун қилиниши лозим бўлган чоралар борасида «Пайғамбар Муҳаммаднинг ҳайрон қолдирувчи насихатлари» ёритилди. Ушбу ҳисобот ижтимоий алоқа воситалари орқали хусусан мусулмонлар ўртасида кенг акс садо пайдо қилди. Шунингдек, бу ҳисобот икки ҳафта олдин Американинг «Ньюзвек» журнали веб-сайти шу мавзуда тарқатган ҳисоботидан кейин чиқмоқда. Ҳисоботда испаниялик ёзувчи Хосе Мануэль Невеснинг 1300 йил олдин яшаган ҳамда унинг фикрига кўра саводсиз ва бирор илмий машғулот билан шуғулланмаган Пайғамбар Муҳаммад «Вабо пайтида нима қилиш лозимлигини пухта билганидан» ҳайрон қолгани ҳақида айтилади.</p>		
<b>Киссинжер хатар бонгини урмоқда... Коронавирус пандемияси яқинда халқаро низомни бутунлай ўзгартиради</b>		
<p>Американинг собиқ бош котиби, стратегик муфаккир, халқаро сиёсат мутахассиси ва келиб чиқиши яҳудий бўлган Генри Киссинжер коронавируснинг оламшумул хатарини далиллаб берди. Киссинжер Уол Стрит журнал газетасида чоп қилинган мақоласида хатар бонгини уриб, АҚШ маъмурияти дунё етакчилигини кўлдан бериб қўйиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирди. Жумладан у шундай дейди: «Халқлар қачон уларнинг институтлари офатлардан хабардор бўлиб, уларнинг таъсирини тўхтата олса ва барқарорликни қайта тиклай олсагина ўзини тутиб олади ва гуллаб яшнайди». У қўшимча қилар экан, шундай дейди: «Ҳақиқат шуки, олам коронавирусдан кейин олдингидай бўлмайди». Шундан кейин масъулларни оламдаги етакчиликни давом эттириш учун «Америкаликларнинг ўзларини идора қилишга... ва коронавирусдан кейин бошқа низомга параллел ўтиш лойиҳасини ишлаб чиқишга қодир экани тўғрисида одамлар ишончини сақлаб қолишга» чақирди. У яна «Коронавируснинг жамиятга кўрсатаётган таъсирлари чексиздир» дер экан, бу билан ижтимоий парчаланиш хатари оламнинг барча давлатларга азият етказишини қасд қилди. Коронавирус таъсирини тўхтатиш ва уни енгиш имконияти бўлмаган бир ҳолат</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>кутилаётган экан, бу «баъзида авлодларга чўзиладиган сиёсий ва иқтисодий тартибсизликларни келтириб чиқаради. Ҳеч қандай давлат, ҳатто АҚШ ҳам коронавирусни ёлғиз миллий ҳаракат билан енга олмайди. Ҳозирги пайтда зарур бўлган ишлар муолажаси бир-бирига ҳамкор оламшумул ҳис ва программага боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозим. Агар биз ушбу икки ишни амалга ошира олмасак ҳар иккисидан ҳам ёмонроқ нарсага дуч келамиз», деди. У яна тушунтирар экан, шундай деди: «АҚШ давлати Маршал плани ва Манхэттен лойиҳаси ривожидан сабоқ олган ҳолда уч йўналишда жиддий куч сарфлаши лозим... Юқумли касалликларга қарши халқаро малакани қўллаб-қувватлаш, халқаро иқтисод жароҳатларини тузатишга ҳаракат қилиш ва оламшумул либерал низом асосларини ҳимоя қилиш».</p> <p>Киссинжернинг фикрича «барча жиҳатлар... ички сиёсат ва халқаро дипломатияда ўзини назорат қилиши зарур ва бирламчи масалаларни белгилаб олиш лозим». У ўз сўзини шундай дея якунлайди: «Биз тарихий даврда, яъни етакчиликка бўлган тарихий хатар даврида яшаймиз. Биз инқирозни идора қилиб, келажакни куришимиз керак. Чунки бундаги муваффақиятсизлик оламни йўқ қилиши мумкин».</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Албатта Киссинжер ушбу баёноти билан ўз давлатига бўлган хатар тўғрисида бонг урмоқда, унинг олам етакчилигидаги ўрнини йўқотишидан кўркмоқда ва ўз ўрнини сақлаб қолиши учун унга насиҳат қилмоқда. Лекин унинг насиҳатлари мағизга эмас, пўстлоққа алоқадордир. Чунки капитализмнинг вужуди инқирозга юз тутди ва ҳазорати муваффақиятсизликка учради. Шунинг учун ушбу вирус туфайли халқаро низом қулаши яқинлашаётгани ҳақида турли таҳлил ва баёнотлар кўпаймоқда. Вирусни муолажа қилишдаги муваффақиятсизлик ҳазорат муваффақиятсизлигидир. Раҳм-шафқат нималигини билмайдиган халқаро рақобат дунёсида Америка етакчилигидаги Ғарб қулашдан тўхтамайди. Лекин Хитой икки кутбли янги халқаро низом пайдо қилиши мумкин. Шундай бўлган тақдирда ҳам оламда ҳаёт низоми борасида ҳеч нарса ўзгармайди. Чунки ечим шундан иборатки, ҳаёт ҳақида соғлом тушунчаларга эга янги халқаро низом пайдо бўлиши лозим. Фақат исломий мабағина бундай бўшлиқларни тўлдиришга кодир.</p>		
<p><b>Америкаликлар стериллаш воситаларини сотиб олишдан кўра кўпроқ қурол сотиб олишга қизиқишмоқда</b></p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Коронавирус ваҳимаси Америка халқига ўз ҳукмини ўтказмоқда. Ваҳима нафақат стериллаш воситалари, ниқоб, тиббий қўлқоплар ва озик-овқат маҳсулотларини сотиб олиш, балки ўқ отувчи қуруллар сотиб олишда кўринмоқда. Дарҳақиқат, январ ойидагига нисбатан 36 % кўпроқ, яъни 2,8 миллион дона қурул сотилган. Бу эса, АҚШ давлати тўрт йилдан бери гувоҳи бўлган энг катта савдо операциясидир. Қурул савдосидаги бундай ўсишнинг яна бир қизиқ томони шуки, харидорларнинг аксарияти умрида биринчи марта қўлига қурул ушлаётганлардир. Айрим Америка газеталарининг эътибор беришича, баъзи харидорлар олдин қурул сотиб олиш тарафдори бўлишмаган. Лекин улар омма одамларга ва кўпчиликка ўз ҳукмини ўтказаяётган саросимага қараб шунга мажбур бўлишган. Бу эса, Америка қурул ишлаб чиқарувчи ширкатлари акциясининг кўтарилишига олиб келган. Кузатаётган киши биладики, қурул сотувчи дўконлар олдида турнақатор бўлиб навбат кутаётганлар осиеликлардир. Улардан кўпчилиги ирқчилик бошланиб кетишидан қўрқиб қурул сотиб олишаётганини очик айтишган. Чунки аксар америкаликлар вирус биринчи Хитойдан чиққани учун унинг тарқалишини осиелик фуқароларга боғлашади. Айрим осиеликлар охириги пайтларда турли ҳужумларга ҳам дуч келишган. Бу ҳужумларда уларга «Биз юртимизда коронавирус тарқалишини хоҳламаймиз» дейишган. Ҳатто шахсан Америка маъмурияти кўпинча «Коронавирус» ёки «COVID-19» атамасини ишлатмади. Балки Трамп ва бош котиб Майк Помпео «Хитой вируси» ёки «Ухан вируси» атамасини ишлатди.</p> <p>Харидорлар автомат қурулларни афзал деб билишади. Чунки ўзлари ва оилаларини ҳар қандай лаҳзада пайдо бўлиши мумкин дея ҳисоблашаётган ҳужумлардан ҳимоя қилишда мана шу қуруллар қўл келади деб ўйлашади. АҚШда рўйхатга олинаётган коронавирус касаллигига чалинганларнинг сони қанчалик ортса, қурулга бўлган талаб ҳам шунчалик ортмоқда. Шундан билса бўладики, америкаликлар вирусдан кўра кўпроқ бир-бирдан қўрқишмоқда. Америкаликларда давлат уларни ҳимоя қилишига ишонмаслик ҳисси пайдо бўлган. Турли ҳисоботларда айтилишича, америкаликларнинг конгресс ва унинг мамлакат муаммоларини идора қилишига бўлган ишончи сўнгги ўн йил ичида 30 %дан ортмаган, 2020 йил феврал ойида эса бу рақам 23 %га тушиб кетган.</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>Италия туғилишнинг камайиши бўйича 160 йил ичида энг паст даражани рўйхатга олган</b>		
<p>Хабарларда айтилишича, Италияда туғилишнинг олдин кузатилмаган даражадаги пасайиши натижасида аҳоли сони кризиси давом этмоқда. Мамлакат ташкил топганидан бери туғилиш даражасидан ўлим даражасининг кўпайгани, ёши кексалар ва хорижликлар сони кескин ортаётгани қайд этилмоқда. Миллий статистика институти бир ҳисобот чиқариб, унда ўтган йили туғилганларнинг умумий сони 488 минг бўлгани ва бу 2014 йилдан 15 минг (минггага 8та) камлиги ҳамда 160 йилдан кўпроқ вақтдан бери энг паст даража бўлганини айтган. Ҳисоботда яна битта онага бола туғиш ёшида ўртача 1,35та чақалоқ тўғри келгани ва ўтган йили бу кўрсаткич битта онага 1,39та чақалоқ, 2010 йили эса 1,42та чақалоқ бўлгани ҳақида айтилган. Шунингдек, Италия аёлларини ўртача туғиш ёши 31,6 ёшга юқорилагани ва ўлганлар сони иккинчи жаҳон урушидан кейин юқори даражага, яъни 653 мингга етганини айтган (минггага 10,7 киши). Бундан ташқари ўтган йили ўлганлар сони 2014 йилдагига қараганда фожиали тарзда 54 мингга кўпайгани, чунки унда минггага 9,1 киши бўлганини айтган. Ҳисобот худди шу контекстда италияликларнинг ўртача умр кўриш ёши 2014 йилга таққослаганда ўтган йили эркакларда 80,3дан 80,1 ёшгача, аёлларда 85 дан 84,7 ёшгача пасайганини айтган. Ушбу баёнотларга кўра, Италиянинг 2016 йил январда рўйхатга олинган умумий аҳолиси (минггага 2,3та камайиб) 60,7 миллион атрофида бўлган. Бундан 55,6 миллиони Италия фуқаролари ва 5 миллиондан кўпроғи чет эл фуқароларидир. Улар умумий аҳолининг 8,3 фоизини ташкил қилади.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Ҳисобот коронавирус тарқалишдан олдин чиққан бўлиб, бу капиталистик мабданинг муваффақиятсизлиги, унумсизлиги ва жамиятлари сўлиб бораётганининг далилидир.</p>		
<b>Коронавирус Европа Иттифоқининг парчаланишини тезлатадими</b>		
<p>Коронавирус Европа Иттифоқининг мўртлигини ва ушбу вирус бўронига дош бера олмаслигини фош қилди. Италия ва Испания каби Европа Иттифоқи давлатларида коронавирус шиддатли тарзда тарқалиши ва ушбу иттифоқнинг бошқа давлатлари уларни кутқариш учун ҳеч қандай ҳаракатга қўл урмаётгани натижасида иттифоқдаги давлатларнинг – худди Британия каби – иттифоқдан</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>чиқиб кетиши ва иттифоқ парчаланиши мумкинлиги тўғрисида гап-сўзлар кўпайди.</p>		
<p>– Дарҳақиқат, Италия бош вазири Жозеппе Конте Европа Иттифоқи ушбу пандемия сабабли қулаши мумкин деди. Бош вазир вирусга қарши кураш бўйича ягона режа йўқлигини танқид қилар экан, иттифоқни коронавирусига қарши кураш жараёнида «улкан хатоларга йўл қўймаслик»ка чақирди ва ақс ҳолда «Европа Иттифоқи ўз моҳиятини йўқотиши мумкин» – деди.</p>		
<p>Еврокомиссиянинг собиқ раиси (1985-1995 йиллар), Франциянинг собиқ иқтисод вазири Жак Делор «Давлат ва ҳукумат етакчилари ўртасида ҳукм сураётган вазият ва Европа бирдамлигининг йўқлиги Европа Иттифоқини ўлдирувчи хатарни шакллантиради», дея огоҳлантирди. У бироз сукут қилганидан кейин (Микроб яна қайтди) дея огоҳлантирди.</p>		
<p>– Германия ва бошқа Европа давлатлари корона облигациялари орқали қарз бўлиш натижасида энг кўп зарар кўрган тўққизта Европа давлатларининг эпидемия туфайли етган мусибатни енгиллатишга ёрдам беришини сўраб қилган мурожаатини рад этишди. Дарҳақиқат, Европа Иттифоқи Италия мурожаатига жавоб берар экан, унинг вужудига хатар солаётган пандемияга қарши курашиши учун тиббий кўмак кўрсатган ва гўё Африка давлатларига қилаётгандек муомала қилган эди.</p>		
<p>– Европа давлатлари эпидемия тарқалиши туфайли бирин-кетин ўз чегараларини ёпишди. Германия канцлери Ангела Меркел Европа Иттифоқи давлатлари бир-биридан ажралмаслиги ва ўртадаги эркин ҳаракат тўхтамаслиги лозим деб айтиши ҳамда Еврокомиссия раисаси Урсула Фөндер Ляйен ҳам шу позицияни такрорлашига қарамай, Германия ва Дания ўз чегараларини ёпди.</p>		
<p>– Европа Иттифоқи раҳбарлари телефон орқали сўзлашувда коронавируси муолажа қилишда лозим бўладиган ускуналар ҳақида маълумот алмашишга расман келишишган. Лекин телефон орқали сўзлашувлар фойда бермаган, чунки сўзлашувлар ниҳоясига етгач, Франция ва Германия тиббий ниқобларни экспорт қилишни тақиқлади. Шунингдек, уларнинг хорижга сотилишига қарши қаттиқ чекловлар қўйди. Сўнгра Венгрия давлати 120 мингта ниқоб етиб келмагани ва уларни Гамбург портида мусодара қилингани ҳақида хабар берди.</p>		
<p>– Европа Иттифоқи муштарак молиявий сиёсат ярата олмади. Дарҳақиқат, Европа марказий банки молиявий ёрдам ҳеч қачон</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>биринчи чора бўлмайди, балки биринчи чора сиёсий, сўнг миллий бўлади, деди. Банкка кўра, шу чоралардан кейингина фоизларни камайтириш ёки Европа давлатлари ва умумий бозорларига молиявий кўмак кўрсатиш борасида музокаралар бўлиши мумкин.</p> <p>– Еврогруппа раиси Марио Сентено Европа давлатлари молия вазирилари коронавирус натижасида евроминтақа «Парчаланиши»дан огоҳлантирар экан, шундай деди: «Шубҳасизки, барчамиз бу инкироздан улкан қарзлар билан чиқамиз». У яна шундай деди: «Лекин бу таъсир ва унинг кенг оқибатлари парчаланиш манбаи бўлиб қолмаслиги керак».</p> <p>– Германиянинг собиқ ташқи ишлар ва иқтисод вазири, демократик социалист Зигмар Габриэл Германиянинг «Билд» газетаси билан бўлган суҳбатда «Европанинг парчаланиши»ни кўришдан кўрқаётганини айтди. У яна қўшимча қилар экан: «Агар биз бугун ўз бойликларимизни ўртада тақсимлашга тайёр бўлмасак, Европанинг аҳволи нима бўлишини билмайман», деди.</p> <p>– Аммо Голландия марказий банки раҳбари Клас Кнот бош вабир Марк Рутига юзланиб: «Хонадон ёнмоқда, ўтни ўчириш учун барча ҳаракатларни ишга солиш керак» деди.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Албатта коронавирус Европа Иттифоқи аъзолари ўртасида бўлаётган биринчи инкироз эмас ҳамда уни охиригиси ҳам деб бўлмайди. Иттифоқ шу тариқа тасодифни кутмоқда. Бу ерда Европа Иттифоқи аъзолари ўртасида кескин алоқалар мавжуд (Германия ва Голландия каби шимолдаги бой давлатлар жанубдаги Италия, Греция Испания каби қарзга ботган давлатларга ёрдам беришдан бош тортмоқда). Бой давлатларнинг коронавирусни енгиш учун бериладиган ёрдам борасидаги жавоби ранжитадиган бўлган... Европа Иттифоқи ҳақида айтиладиган энг тўғри сўз шундан иборатки, у ҳақиқатда кексайган минтақа бўлиб, ўз ўлимини кутмоқда. Капиталистик мабдаси уни кутқара олмайди, балки унинг қулашига сабаб бўлади... Кутилаётган ҳақиқий ўзгариш эса, Аллоҳнинг изни билан Халифалик тикланиши орқали бўлади. Чунки бу ерда содир бўлаётган ишлардан биринчи бўлиб Халифалик давлати фойдаланади. □</p>		



## ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА



﴿إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَعَاتَوْا الزَّكَاةَ لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾ ﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾ ﴿فَإِن لَّمْ تَفْعَلُوا فَأْذَنُوا بِحَرْبٍ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِن تُبْتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ﴾

وَإِن كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ وَأَن تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾ ﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّىٰ كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾

«277. Албатта имон келтирган, яхши амаллар қилган ва намозни тўқис адо қилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар. 278. Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз.) 279. Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайгамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз. 280. Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг! Агар билсангизлар (берган қарзингизни) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир. 281. Ва (барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди»

[Бақара 277-281]

Ҳизб ут-Таҳрир амири Ато ибн Халил Абу Роштанинг (у кишини Аллоҳ ҳифзу ҳимоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит Тафсир» номли китобида қуйидагича келади:

3 – ﴿إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا﴾ албатта имон келтирганлар) яъни, биз аввал баён қилганимиздек Аллоҳга, Росулига, китобларига, қиёмат

қунига ва қадарнинг яхшилик ва ёмонлиги Аллоҳ Субҳанаҳудан эканига имон келтирганлар.

(وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ) *яхши амаллар қилганлар*) яъни, шаръий ҳукмларни маҳкам тутиб, Аллоҳ Таолонинг Китоби ва Росули ﷺнинг суннатида баён қилингандек татбиқ қилганлар.

(وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ) *ва намозни тўқис адо қилиб, закотни берган зотлар*) бу оммни баён қилингандан кейин хосни зикр қилиш бобидан бўлиб, уларнинг муҳимлигига далолат қилади. Намоз ва закот Аллоҳ Субҳанаҳунинг

﴿وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ﴾

оятдаги солиҳ амаллар жумласига кирар эди. Ундан кейин уларни қайта зикр қилиш уларнинг фазли нақадар буюклигига ишора қилади.

4 – Тўртинчи оятда мўминларга Аллоҳ Таолодан такво қилишларига бўлган хитоб бор. Яъни рибодан қайтиш билан Аллоҳнинг азобидан ўзларини сақласинлар.

Сўнгра Аллоҳ Субҳанаҳу оятнинг охирида сизлар имон келтирган Ислом буни сизларга вожиб қилади, деб баён қиляпти.

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا) *эй мўминлар*) мўминларга хитоб.

(اتَّقُوا اللَّهَ) *Аллоҳдан қўрқингиз*) яъни ўзингизни Аллоҳнинг азобидан сақланг.

(وَذُرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا) *ва судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз*)

яъни, рибонинг ҳали олмаган қисмини тарк қилинглр, олманглр, балки берган маблағинглрни ўзинигина олинглр. Бунинг маъноси ҳаром қилинишдан аввал олган маблағларидан фойдалари улардан талаб қилинмайди.

(إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ) *агар чиндан мўмин бўлсангизлар*) бу араб тилидаги бир услуб бўлиб, мухотабни ундан талаб қилинаётган нарсани амалга оширишга қизиқтиришдир. Хитоб мўминлар учун бўлиб, улар имон келтирган Ислом уларга рибони тарк этишни вожиб қилишини эслатиш билан тугади. Бу худди бир одамни бир ишни қилишга қўзғашлик учун «агар эркак бўлсанг, мана бу ишни қил» дейишингизга ўхшайди. Ҳолбуки сиз унинг эркаклигини биласиз. Гўё бу билан сиз унга эркаклигини эслатиб, эркаклик бу ишни қилишингни вожиб қилади, деб айтасиз.

5 – Бундан кейин Аллоҳ Таоло сизлар икки ишни орасидасизлар деб баён қиляпти.

а) Аллоҳ Таолонинг буйруқларини маҳкам ушланглар ва рибодан тавба қилиб, унга қайтманглар. Сизлар берган маблағингизни фойдасини олмай ўзинигина олишингиз вожиб. Шунда сизлар зулм қилмайсизлар ва сизларга ҳам зулм қилинмайди. Яъни сизлардан қарз олганлардан ортиқча олишлик билан уларга зулм ҳам қилмайсизлар ва улар тарафидан сизларга ўз молларингизни бермай ёки унинг муддатини чўзишлик билан ҳам зулм қилинмайсизлар.

б) Ёки рибони олишингиз билан сизлар Аллоҳ Субҳанаҳу ва Унинг Росули ﷺга душман бўласизлар. Бу рибо еювчиларга жуда катта таҳдид ва рибо жиноятининг жуда хунуклигини баёнидир. Аллоҳ ва Росулига қарши урушга ким қодир?!

Ривоят қилинишича, бу оят нозил бўлганда Сақиф қабиласи шундай дейишди: Биз Аллоҳ ва Росулига қарши урушишга қодир эмасмиз. Ибн Абу Ҳотам Муқотилдан ривоят қилишича, Сақиф қабиласи Бану Муғийрадан риболарини талаб қилишган эди. Муқотил айтди: бу оят Бану Амр ибн Умайр ибн Авф Сақафий ва унинг биродарлари ҳақида нозил бўлди. Уларнинг Бану Махзум қабиласидаги Бану Муғийрада риболари бор эди. Улар жоҳилиятда Бану Муғийра билан қарз олди-берди қилишарди. Исломдан кейин Сақиф Бану Муғийрадан ўз рибосини талаб қилди. У жуда катта мол эди. Бану Муғийра айтди: Аллоҳга қасамки Исломда рибо бермаймиз. Аллоҳ ва Росули мусулмонлардан у нарсани бекор қилди. Уларнинг бу ишларидан Муоз ибн Жабал – Макка фатҳидан кейин Росулulloҳ ﷺ томонидан волий этиб тайинланган Итоб ибн Усайд бўлиши ҳам мумкин – хабар топди. У Росулulloҳ ﷺга бу ҳақда мактуб ёзди. Шунда Аллоҳ Таоло:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا إِن كُنتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

*(Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз).*

Росулulloҳ ﷺ унга шундай, деб мактуб юборди:

﴿أَنْ أُعْرَضَ عَلَيْهِمْ هَذِهِ الْآيَةُ فَإِنْ فَعَلُوا فَلَهُمْ رُؤُوسُ أَمْوَالِهِمْ وَإِنْ أَبَوْا فَأُذِنْتُهُمْ بِحَرْبٍ مِنَ اللَّهِ

وَرَسُولِهِ﴾

**«Уларга бу оятни рўбарў қилинг. Агар улар бунга итоат қилишса уларга ўз моллари берилади. Агар бош тортишса, уларга Аллоҳ ва Росули тарафидан уруш эҳлон қилинг».**<sup>1</sup>

Абу Яъло Ибн Аббос رضي الله عنهдан ривоят қилди: Бу оят тушган вақтда Сақиф биз юкорида зикр қилган гапини айтди: Биз Аллоҳ ва Росули ﷺга қарши урушишга қодир эмасмиз.

6 – Аллоҳ Субҳанаҳу ўтган оятда рибонинг қатъий ҳаромлигини баён қилиб, рибо шарт билан қарз берганлар фақат ўз молларинигина олишини ва улар зулм ҳам қилмасликларини ва уларга ҳам зулм қилинмаслигини баён қилгандан кейин Аллоҳ Субҳанаҳу берган маблағни талаб қилиш қандай бўлишлигини зикр қилди. Гоҳо қарздор камбағаллик ҳолатида бўлиб, қарз берувчидан олган молини қайтариб беришга қодир бўлмай қолади.

Бу ояти карима камбағал қарздорнинг ҳолати ўнгланиб, қарзни беришга қодир бўлгунга қадар муҳлат бериш билан муолажа қилди. Кейин Аллоҳ Таоло қарз берувчиларни муҳлат беришдан кўра яхшироқ нарсани қилишга чақирди. Яъни улар берган молларининг ҳаммасини ёки баъзисини кечиб юборишсин. Шунда уларга ўзлари эришган яхшилик ва ажр сабабли дунё ва охираатдаги яхши оқибатлар бўлади.

Жоҳилиятда камбағал қарздор қарзини тўлаш учун ўзи сотилиб, кул бўлиб кетарди. Бундай камбағалнинг қарзини тўлайдиган даражада бемалол бўлгунга қадар муҳлат берилиши Аллоҳнинг мана шу буюк Ислом орқали кўрсатган яна бир марҳамати эди. Бугина эмас. Қарз эгалари муҳлат беришдан ташқари кашшоқларга садақа қилишга, қарзларининг ҳаммасидан ёки бир қисмидан кечиб юборишга ундалганлар. Бутун оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин!

﴿وَإِنْ كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ﴾

(*Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг!*), бу ердаги ноқис феъл томма яъни, ўзича тўла маънони билдириб келяпти. Яъни, агар бирор камбағал топилиб қолса, то у қарзини тўлай оладиган даражага етгунга қадар унга муҳлат беринглар.

(*عُسْرَةٌ* **ночор**) яъни, пули йўқлигидан, танг аҳволдаги. Танг аҳволда қолган қўшинга нисбатан ҳам шу сўз қўлланади.

(*مَيْسَرَةٌ* **бойигунча**) осонлик, яъни, пулнинг борлиги.

(1) Дуррул Мансур: 2/107. Тафсири Табарий: 3/107.

Ноқис феълнинг томма бўлиб келаётгани эътибори билан муҳлат бериш рибога қарз бериб, кейин ўзининг сармоясини талаб қилаётган кимсагагина эмас, балки модомики, қарздор камбағал экан, ҳамма қарз берганларга тегишлидир.

Агар бу гап рибога берилган сармоя ҳақида бораётган бўлганида оят (وَإِنْ كَانَ ذَا عُسْرَةٍ) бўларди. Мана шунда ноқис феълнинг остида бир замир бор бўлиб, у рибога берилган сармояни қайтариши талаб қилинаётган қарздорга қайтган бўларди. Лекин оят бундай эмас. Балки у

﴿وَإِنْ كَانَ ذُو عُسْرَةٍ﴾

(Агар (қарздор) **ночор бўлса**) бўлиб келяпти. Яъни, агар камбағал қарздор топилиб қолса. Бу камбағаллик сифатига эга бўлган ҳамма қарздорга тўғри келаверади.

(ذُو عُسْرَةٍ)нинг шарт оқимида накра келаётгани ҳам шу фикримизни қувватлайди. Негаки, у ом, умумий маънода бўлиб, ҳамма қарздорларни ўз ичига олади.

У гарчи Ислом келиб, бекор қилгунига қадар рибо билан шуғулланадиганлар ҳақида нозил қилинган бўлсада, барибир эътибор лафзнинг умумийлиги эмас, сабабнинг хусусийлигига қаратилади. Ислом рибони ҳаром қилиб, сармоянинг ўзинигина вожиб қилди. (Сармоянинг ўзигина қайтариладиган бўлди). Калбий ривоят қилишича, бу оятнинг нозил бўлиши мана бундай юз берганди: Бану Муғйра Бану Умайрга, биз бугунги кунда камбағалмиз, то мевалар пишгунига қадар бизга муҳлат беринглар, дейишди. Бану Умайр кўнмади. Шунда мана шу оят нозил бўлди. Бу олдинги оят тафсирида айтиб ўтганимиз Бану Муғйра билан Бану Умайр ўртасидаги рибо қиссасининг давоми. Яъни, бу оят улар ўртасидаги рибо сармоясини талаб қилиш ҳақида нозил бўлган.

Лекин айтиб ўтганимиздек, лафзнинг умумийлиги эмас, сабабнинг хусусийлиги эътиборлидир. (ذُو عُسْرَةٍ) умумий маънодаги лафздир. Шунинг учун у рибода бўладими, бошқада бўладими, ҳамма камбағал қарздорларга тўғри келаверади.

(فَنظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ) **бойигунча кутинг!**) фо шартнинг жавобига қиряпти. (وَإِنْ كَانَ ذُو عُسْرَةٍ) яъни, муҳлат бериш. У мубтадо, хабари эса ҳазф қилинган. Яъни, муҳлат бериш сизларга вожибдир.

Бу ердаги муҳлат бериш вожибликни ифодалаяпти. Чунки Аллоҳ Таолонинг ундан кейинги

(*وَأَنْ تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَّكُمْ*) **садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир** деган гапи биринчи ишнинг

﴿وَإِنْ كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ﴾

ундан кейин (*وَأَنْ تَصَدَّقُوا*)нинг зикр қилиниши билан вожибликни ифодалаётганини кўрсатади. Негаки, бир ишга буюриб, унинг ортидан шу иш типигаги бошқа бир ишни буюрилувчининг ўз ихтиёрига ташлаш биринчи ишнинг вожиблигини, фарзлигини кўрсатади. Масалан, бировга, мана бу бетни ёз, кейингисини эса ўзинг биласан, десангиз, унга биринчи бетни ёзиш вожиб бўлади. Усул фанининг қариналар бобида шундай дейилган. Камабағалга муҳлат беришдан ташқари яна садақа ҳам қилиш берган қарзининг ҳаммасидан ёки бир қисмидан кечиб юбориш билан бўлади.

(*وَأَنْ تَصَدَّقُوا*) муҳлат беришдир, дейилмайди. Негаки, у атф қилиниб келяпти. Яъни, у ортиқча яна бир ишдир. Муҳлат бериш ва яна бошқа бир иш. Масалан, закотни адо эт ва садақа қил, дейилганда талаб қилинган нарса закотнинг адо этилиши бўлса, ўз ихтиёри билан қилинадиган бошқа бир иш ҳам, яна садақа қилиш ҳам бор бўлади.

(*إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ*) **агар билсангизлар** ҳазф қилинган (ن)нинг (агар маъносидаги (ن) сўзининг) жавоби. Яъни, агар сизлар камбағалнинг оғирини енгил қилиб, унинг қарзидан бир қисмини олиб ташлаган одам учун Аллоҳ Таоло тайёрлаб қўйган кўп яхшиликларни ва улкан ажру савобни билганингларда эди, шу ишни қилишга ошиққан бўлардинглар. Мана шу тақдирдаги шарт маъносидаги (ن)нинг жавобидир.

Имом Аҳмад ўзининг «Муснад»ида Рибъийдан тивоят қилган ҳадисда Абу Ясар айтишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ أَنْظَرَ مُعْصِرًا أَوْ وَضَعَ عَنْهُ أَظْلَهُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَىٰ فِي ظِلِّهِ»

«**Ким камбағалга муҳлат берса ёки ундан (унинг қарзидан) олиб ташласа, Аллоҳ Таборака ва Таоло унга Ўз соясидан жой беради**». <sup>1</sup> Яна бир ривоятда

«يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ»

«**Унинг соясидан ўзга соя йўқ кунда**», деган ибора ҳам бор.

(1) Аҳмад: 1/327.

Имом Аҳмад Ибн Умардан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ أَرَادَ أَنْ تُسْتَجَابَ دَعْوَتُهُ وَأَنْ تُكْشَفَ كُرْبَتُهُ فَلْيَفْرَجْ عَنْ مُعْسِرٍ»

**«Ким дуосининг ижобат бўлишини ва ғами аришини истаса, камбағалнинг оғирини енгил қилсин».**

Имом Аҳмад Ибн Аббос رضي الله عنه дан ривоят қилган мана бу ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ أَنْظَرَ مُعْسِرًا أَوْ وَضَعَ لَهُ وَقَاهُ اللَّهُ مِنْ فَيْحِ جَهَنَّمَ»

**«Ким камбағалга муҳлат берса ёки ундан (унинг қарзидан) олиб ташласа, Аллоҳ уни жаҳаннам оловидан сақлайди».**

Шу нарсани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқки, муҳлат берилиши лозим бўлган камбағал хусусида айрим фикҳий қарашлар бор. Улар орасидаги рожиҳи шуки, бундай камбағал ўзининг асосий эҳтиёжларига етадиган молидан бошқа маблағи бўлмаган фақирдир. Асосий эҳтиёжлар озуқа, кийим ва маскандир (яшаш жойидир). Чунки ўзининг асосий эҳтиёжларини қондиришга етадиган моли бўлмаган киши фақир дейилади. Агар ундан ортиқ моли бўлса, уни фақир дейилмайди. Демак, моли асосий эҳтиёжларини қондиришдан ортиб қолмайдиган кишига муҳлат бериш вожибдир.

Муъсирдан, камбағалдан мурод одатдаги эҳтиёжларига етадиган молидан ортиқча маблағи бўлмаган киши эмас. Машина, хизматкор, ҳар хил кийимлар, турли хил ейимликлар одатдаги эҳтиёжлар сирасига қиради. Яъни, улар яшаш учун зарур бўлган озуқа, авратни беркитиш учун зарур бўлган кийим ва туриш учун зарур бўлган маскандан ортиқча эҳтиёжлардир. Озуқа ва кийимларнинг бир қатори билан ҳам кун ўтказса бўлади. Агар кишининг машинами, ерми ёки бошқами, асосий эҳтиёжларидан ортиқча моли бўлса, ундан қарзини тез беришини талаб қилиш ва унга муҳлат бермаслик мумкин.

Қарз берган одам бундай кишининг устидан қозига арз қилишга ва ўзининг ҳаққини ундаги ўша моллардан ундириб олишга ҳақли.

7 – Бу охириги оятда Аллоҳ Таоло бизга охират кунини, бир кун келиб Аллоҳга қайтиш ва ҳисоб бериш борлигини, ҳар ким экканини ўришини, адолат тантана қилишини, яхшилик қилган яхшиликка, ёмонлик қилган ёмонликка дуч келишини эслатяпти.

﴿لَا ظَلَمَ الْيَوْمَ﴾

**«Бу кунда (ҳеч кимга) зулм қилинмас»**

[Ғофир 17]

﴿ثُمَّ تَوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾

*(Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди).*

(*وَأَتَقُوا يَوْمًا* кундан қўрқингиз!) яъни, бу дунёда ёмонлик қилишдан тийилиш ва яхши амалларни кўпайтириш билан ўзларингизни ўша кундаги азобдан сақланглар.

Бу оятнинг рибо ҳақидаги оятлар ортидан қўйилишидаги ҳикмат рибонинг нақадар оғир жиноятлигини, бу жиноятнинг Аллоҳнинг ғазабига ва жаҳаннамга олиб боришини кўрсатиш бўлса, ажаб эмас. Ким Аллоҳнинг ғазабидан сақланмоқчи бўлса

﴿اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا﴾

*(Аллоҳдан қўрқингиз ва судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз),* ким қиёмат кундаги азобдан ўзини асрамоқчи бўлса,

﴿وَأَتَقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ﴾

*(Ва (барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз!)* рибо аталмиш бу мудҳиш жиноятни тарк қилсин, Аллоҳ ва Пайғамбар ﷺ билан уруш қилмасин. Токи, ёшларни қарига айлантириб юборадиган ўша кунда Аллоҳга Аллоҳ ундан рози бўлган ҳолида йўлиқсин ва қудратли, одил подшоҳдан мукофотини тўла қилиб олсин. Бу оят Қуръони Каримдаги нозил бўлган охирги оятдир.

Бухорий ўзининг «Саҳиҳ»идаги судхўр бобида айтади: ...

﴿وَأَتَقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تَوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾

*(Ва (барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди),* Ибн Аббос айтишича, бу оят Пайғамбар ﷺ га нозил бўлган охирги оятдир.

Ибн Жарир Ибн Аббосдан ривоят қилади: «Қуръонда нозил қилинган охирги оят

﴿وَأَتَقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تَوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾

оятидир». Ибн Журайж айтади: Айтишларича, Пайғамбар ﷺ шундан кейин тўққиз кун яшаган эканлар. Бу оят шанбада нозил қилинган бўлса, Пайғамбар ﷺ душанба куни вафот этганлар.

Ибн Абу Ҳотам Саид ибн Жубайрдан ривоят қилади: Бутун Қуръондан нозил бўлган охирги оят



﴿وَأْتَقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾

оятидир. Пайғамбар ﷺ шу оят нозил қилинганидан кейин тўққиз кун яшадилар ва душанба куни вафот этдилар.

Ибн Мурдавайх Саид ибн Жубайрдан, у Ибн Аббосдан ривоят қилади: Қуръондан нозил қилинган охирги оят

﴿وَأْتَقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ﴾

оятидир.

Қуртубий айтишича, Абу Солиҳ Ибн Аббосдан ривоят қилади: Қуръондан охирги нозил бўлган оят

﴿وَأْتَقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴾

оятидир. Жаброил ﷺ Пайғамбар ﷺ га, эй Муҳаммад, уни Бақара сураси икки юз саккизинчи оятнинг бошига қўйинг, деган.

Қуртубий яна бошқа бир ривоятда айтишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«اجْعَلُوهَا بَيْنَ آيَةِ الرَّبِّآ وَآيَةِ الدِّينِ»

«Уни рибо ояти билан қарз ояти ўртасига қўйинглар».<sup>1</sup>

Бу гап Бухорий Ибн Аббосдан қилган ривоятга зид эмас. Унда, Пайғамбар ﷺ га нозил қилинган охирги оят рибо оятидир, дейилганди. У Аҳмад Умардан қилган ривоятга ҳам зид эмас. Унда, охирги нозил бўлган оят рибо оятидир, дейилганди.

Ибн Можа ва Ибн Мурдавайх Умардан ривоят қилдилар: Қуръондаги охирги нозил бўлган оятлардан бири рибо оятидир. Бу икки гапни келиштириш мумкин. Рибо оятлари нозил бўлганидан кейин охирги оят нозил бўлган. У

﴿وَأْتَقُوا يَوْمًا﴾

оятидир. Бу гаплар ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ. Ҳадисларни қандай бўлса, ўшандайлигича тушунадиган бўлсак, улардан охирги нозил бўлган оят

﴿وَأْتَقُوا يَوْمًا﴾

оятидир ва охирги нозил бўлган оятлардан бири рибо оятидир, деган маъно чиқади. Бу гап имом Аҳмад ривоятида ҳам, Ибн Можа ривоятида ҳам, Ибн Мурдавайх ривоятида ҳам очик кўриниб турибди.

(1) Тафсири Қуртубий: 3/375.

Энди Бухорийда келган, охирги нозил бўлган оят рибо оятидир, деган гапга келадиган бўлсак, у охирги нозил бўлган оятлардан, деган ибора ишлатилган бошқа ривоятларга ҳамл қилинади. Шунингдек, ундан олдин рибо оятлари нозил бўлиб, ундан кейин

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا﴾

ояти нозил бўлган, деган маъно ҳам чиқади. Шу билан охирги нозил бўлган оят рибо ояти ва

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا﴾

ояти, деган гап ўз тасдиғини топади.

Ўтган гаплардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, охирги нозил бўлган оят

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا﴾

оятидир. У Пайғамбар ﷺнинг буйруғи билан Қуръони Каримда рибо оятидан кейин икки юз саккизинчи оятнинг бошига қўйилган. □

**РОСУЛУЛЛОХ ﷺ НИНГ ВАБО ВА КАРАНТИН ҲАҚИДАГИ  
ҲАДИСЛАРИ... ИНСОНИЙ ИЛМЛАРНИ ОРТДА  
ҚОЛДИРУВЧИ ВАҲИЙДИР**

– Имом Бухорий ўзининг саҳиҳ тўпламида Расулуллоҳ ﷺ нинг шундай деб айтганларини ривоят қилади:

«لَا يُورَدَنَّ مُرْضٌ عَلَى مُصَحِّحٍ»

«Мумриз мусихга яқинлаштирилмайди» ҳадисдаги мумриз касал туяси бўлган киши, мусих эса соғлом туяси бор кишидир. Демак, Расулуллоҳ ﷺ касал туя соҳиби касаллик юқмаслиги учун ўз туясини соғлом туяга кўшишдан қайтаряптилар.

– Усома ибн Зайддан Расулуллоҳ ﷺ нинг ўлат ҳақида нима деганларини эшитгансиз деб сўрашганида, у киши шундай деган эди: Расулуллоҳ ﷺ айтдиларки:

«الطَّاعُونَ رَجَسٌ أُرْسِلَ عَلَى طَائِفَةٍ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ - أَوْ عَلَى مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ - فَإِذَا سِعْتُمْ بِهِ بِأَرْضٍ فَلَا تَقْدُمُوا عَلَيْهِ، وَإِذَا وَقَعَ بِأَرْضٍ وَأَنْتُمْ بِهَا فَلَا تَخْرُجُوا فِرَارًا مِنْهُ»

«Ўлат Бану Исроилдан бўлган бир тоифага ёки сизлардан олдингиларга юборилган касалликдир. Агар бирор жойда ўлат тарқалганини эшитсангиз, у ерга кирманг. Агар сиз турган жойда ўлат тарқалса, ундан қочиб ўша жойдан чикманг». Бухорий ривояти.

– Бухорий Усома ибн Зайддан Умар ибн Хаттобнинг ўлатга нисбатан тугган позициясини ривоят қилади. Усома айтади: Ҳа, Умар ибн Хаттоб бир куни Шом томонга чикди ва Сар деган жойга етгач, унга Абу Убайда ибн Жарроҳ ва унинг шерикларидан иборат шаҳар амирлари йўлиқишди. Улар Умар ﷺ га Шомда вабо тарқалгани ҳақида хабар беришди. Ибн Аббос айтади: Шунда Умар: менга мухожирларнинг орасидан динга биринчилардан бўлиб кирганларини чакиринглар деди. Улар келгач, Умар улар билан маслаҳатлашиб, уларга Шомда вабо тарқалганини хабар қилди. Улар эса, турли фикр билдиришди, яъни

айримлари: Сен шундай ишга чиқдингки, ундан қайтишинг тўғрисида маслаҳат бермаймиз деса, айримлари: Яхши ўйлаб иш тут, чунки сен билан бошқалар ва Росулulloҳ ﷺнинг саҳобалари бор. Шунинг учун уларни вабога олиб қирмайсан деб ўйлаймиз дейишди. Шунда Умар уларга бу ердан чиқинглар деди ва ансорларни чақиришларини айтди. Мен ансорларни чақирган эдим, Умар улар билан маслаҳатлашди. Лекин улар ҳам муҳожирлар каби турли фикр билдиришди. Умар эса, уларга ҳам бу ердан кетинглар деди ва менга фатҳдан олдин Исломога кирган Қурайш оқсоқолларини чақиришни буюрди. Қурайш оқсоқоллари эса, ихтилоф қилишмади, балки одамларни қайтар ва вабо тарқалган жойга уларни олиб қирма дейишди. Шунда Умар одамларга қарата: Мен орқага қайтаман, сизлар ҳам қайтинглар деди. Шунда Абу Убайда ибн Жарроҳ Аллоҳнинг қадаридан қочасизми? – деган эди, Умар: Агар бу гапни сендан бошқаси айтганида эди, деди. Сўнг ҳа, Аллоҳнинг қадаридан Аллоҳнинг қадарига қочамиз. Ўзинг ўйлаб кўр, агар сенинг туянг бўлса ва икки қирғоқли бир водийга кўнсанг. Улардан бири кўкаламзор ва иккинчиси қурғоқ бўлса, туягни кўкаламзорда ўтлатсанг ҳам Аллоҳнинг қадари билан ўтлатасан, қурғоқ жойдан ўтлатсанг ҳам Аллоҳнинг қадари билан ўтлатасан тўғрими деди. Шунда Абдуррахмон ибн Авф келди – У айрим ҳожатларини бажариш учун кетган эди – ва айтдики мен бу ҳақида биламан, чунки Росулulloҳ ﷺнинг:

«إِذَا سَمِعْتُمْ بِهِ بَارِضٍ فَلَا تَقْدُمُوا عَلَيْهِ، وَإِذَا وَقَعَ بِأَرْضٍ وَأَنْتُمْ بِهَا فَلَا تَخْرُجُوا فِرَارًا»

«Агар бирор жойда ўлат тарқалгани ҳақида эшитсангиз, у ерга қирманг. Агар сиз турган жойда ўлат тарқалса, у ердан қочиб чиқманг», деганларини эшитганман деди. Умар буни эшитгач, Аллоҳга ҳамд айтиб, орқага қайтди.

– Ушбу ҳадисда халифа ўз фуқароларининг ахволидан хабар олиш учун турли жойларга борганлиги, саҳобалар رضي الله عنهم турли шаҳарларнинг амирларига йўлиқиб, улардан маслаҳат олишгани, уламолар билан йиғилишгани, одамларнинг ҳурмат эътиборини ўз жойига қўйишгани ва ҳалокатга олиб борадиган сабаблардан узоқлашишгани ҳақида айtilган. Шунингдек, унда Росулulloҳ ﷺ вабо тарқалган жойга

кирмаслик ва вабо тарқалган жойдан (ундан кўрқиб) чикмасликка буюрганлари ҳақида айтилган.

– Имом Муслим Умар ибн Шариддан, у эса, отасидан ривоят қилишича, Сақифдан келган элчилар ичида мохов билан касалланган бир киши ҳам бор эди. Шунда Росулulloҳ ﷺ унга одам юбориб:

«إِنَّا قَدْ بَايَعْنَاكَ فَارْجِعْ»

«Биз сен билан байъат қилиб бўлдик, энди ортингга қайтавер» дедилар.

– Имом Бухорийнинг саҳиҳ тўпламида келишича Росулulloҳ ﷺ:

«فِرَّ مِنَ الْمَجْدُومِ كَمَا تَفِرُّ مِنَ الْأَسَدِ»

«Моховдан шердан қочгандек қочинглар», деганлар.

– Имом Аҳмад Оиша онамиздан ривоят қилишича Росулulloҳ ﷺ:

«لَا تَفِيْ أُمَّتِي إِلَّا بِالطَّعْنِ وَالطَّاعُونَ»

«Умматим асло фанога юз тутмас, аммо ўлат ва тоун туфайли ҳалокатга учраши мумкин», деган эдилар, Оиша онамиз эй Аллоҳнинг Росули ўлимни биламиз, лекин ўлат нима деб сўради. Шунда Росулulloҳ ﷺ:

«عُدَّةُ كَعْدَةِ الْبَعِيرِ، الْمُقِيمُ بِهَا كَالشَّهِيدِ، وَالْفَارُّ مِنْهَا كَالْفَارِّ مِنَ الرَّحْفِ»

«У шундай касалликки, туянинг безига ўхшайди. Ким унга сабр қилиб вафот этса шахиднинг савобини олади. Ундан қочган киши эса, худди уруш майдонидан қочган кишига ўхшайди» дедилар.

– Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилишича, Росулulloҳ ﷺ шундай деганлар:

«الْفَارُّ مِنَ الطَّاعُونَ كَالْفَارِّ مِنَ الرَّحْفِ وَالصَّابِرُ فِيهِ كَالصَّابِرِ فِي الرَّحْفِ»

«Ўлатдан қочган уруш майдонидан қочган кишига ўхшайди. Унга сабр қилган душман бостириб кирганда унга сабр қилган кишига ўхшайди». Аҳмад ривояти.

Бу ҳадис ким касаллик ва ваболарга савоб умидида сабр қилса, катта ажр олиши ҳамда шариат мусулмонларга гигиена қоидаларини белгилаб бергани ва уларга касал ёки

соғ бўлишдан қатъий назар мусулмонларнинг барчасини асрайдиган чора ва тадбирларни қўллашни ўргатганини баён қиляпти. Шунингдек, ҳадис касалликка чалинганларни карантин қилиш лозимлиги, касалланганлар Аллоҳдан катта ажр олишни умид қилишлари, ундан қочганлар эса (яъни вабо тарқалган жойдан чиқиб бошқаларга касаллик юқтириш маъносида) катта гуноҳга қўл урганлари учун тавба қилиши лозимлигини баён қиляпти. Чунки баъзида касалликка чалинган кишилар бошқаларга касалликни юқтириши ва одамларга катта зарар етказиши мумкин. Шунингдек, бу Аллоҳнинг қадаридан қочиш ва барча ширклардан пок Аллоҳга ёмон гумон қилиш ҳисобланади. Аллоҳ Таоло ўлатга савоб умидида сабр қилган кишига катта ажр белгилаганидек, ўлат чиққан жойдан чиқишдан қайтарди ва бу билан мавзунини тиббий ва имоний жиҳатдан муолажа қилди... Бунда вабонини енгиш учун карантин қоидаларини тартиблаштириш бор. Шунингдек, бунга бўлган имон барчага иш Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилган ва Аллоҳ бу борада эътиборсизлик қилмасликка буюрган деган хотиржамликни беради.

– Имом Аҳмад ва Насойилар Ирбоз ибн Сориядан ривоят қилишларича, Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«يَخْتَصِمُ الشُّهَدَاءُ وَالْمُتَوَقِّفُونَ عَلَى فُرُشِهِمْ إِلَى رَبِّنَا عَزَّ وَجَلَّ، فِي اللَّيْلِ يُتَوَقَّفُونَ مِنَ الطَّاعُونَ، فَيَقُولُ الشُّهَدَاءُ: إِخْوَانُنَا قَتَلُوا كَمَا قَتَلْنَا. وَيَقُولُ الْمُتَوَقِّفُونَ عَلَى فُرُشِهِمْ: إِخْوَانُنَا مَاتُوا عَلَى فُرُشِهِمْ كَمَا مَاتْنَا عَلَى فُرُشِنَا. فَيَقُولُ رَبِّنَا عَزَّ وَجَلَّ: انظُرُوا إِلَى جِرَاحِهِمْ، فَإِنْ أَشْبَهَتْ جِرَاحُهُمْ جِرَاحَ الْمُقْتُولِينَ، فَإِنَّهُمْ مِنْهُمْ وَمَعَهُمْ، فَإِذَا جِرَاحُهُمْ قَدْ أَشْبَهَتْ جِرَاحَهُمْ»

«Шаҳидлар ва тўшакларига миҳланиб вафот этганлар ўлатдан ўлганлар борасида Роббимиз олдида баҳс қилишади. Шаҳидлар: Бу биродарларимиз биз каби қатл қилинган дейишса, тўшакка миҳланиб вафот этганлар: Бу биродарларимиз биз тўшакка миҳланиб вафот этганимиздек улар ҳам тўшакда вафот этишган дейишади. Шунда Аллоҳ Азза ва Жалла айтади: Уларнинг жароҳатига қаранглар, агар уларнинг жароҳати

ўлдирилганларнинг жароҳатига ўхшаса, улар ўшалардан ва ўшалар билан бирга. Шунда улар жароҳатларига қарасалар, ўлдирилганларнинг жароҳатига ўхшаш экани маълум бўлади».

Аллоҳнинг ваҳйиси бўлган ушбу Пайғамбаримиз ҳадисларида Пайғамбарлик мўъжизалари бор бўлиб, у юқумли касалликлар мавжудлигини баён қилади. Шунингдек, ўша касалликларга қарши қўлланиши лозим бўлган чоралар қандай амалга оширилишини баён қилади. Ҳадисларда Пайғамбарлик мўъжизаси тиббиётни ортда қолдирганини кўриш мумкин. Чунки тиббиёт вабо тарқалган жойда яшовчи шахсни гарчи касаллик юқтирмаган бўлса-да ўша жойдан чиқармаслик шартлигини бугун билмоқда... Албатта одамларни вабо тарқалган жойга киришдан ман қилиш тиниқ ва тушунарли иш. Лекин вабо тарқалган жойда яшовчи шахс гарчи соғлом бўлса-да, у ердан чиқишини тақиқлаш масаласига келсак, унинг иллатини топиш учун чуқурроқ фикрлаш лозим. Чунки мантиқан олиб қаралса ва фикр қилинса, вабо тарқалган жойда яшовчи шахс у ердан чиқиб, бошқа жойга, яъни касалликдан холи шаҳарга кўчиб ўтиши керак. Токи, унга касаллик юқмасин. Бироқ, бунинг иллатини кейин, яъни илм ва тиббиёт ривожлангандан кейин билишди. Уни қуйидагича изоҳлашди: вабо тарқалган минтақадаги соғлом шахс кўпинча кўпчиликка юқадиган микроб ва ваболарни тарқатувчи бўлади. Лекин танасига микроб юққан ҳар бир шахс касал бўлавермайди. Шунинг учун микроб юқтирган қанчадан-қанча шахслар борки, уларда ич терлама ва сил каби касаллик аломатлари кўринмайди... Балки холера ва ўлат кўпинча бир неча шахсларга юқиши лекин касаллик аломатлари кўринмаслиги мумкин. Балки, аксинча, шахс жисми тўла соғлом бўлиб кўринса-да, бошқа соғ одамларга касаллик юқтириши мумкин.

Бу ерда яна инкубация даври ҳам бўлиб, у микроб танага юқиб, кўпайиб пишадиган давридир. Бу давр касаллик пайдо бўлишидан олдин бўлади ва шахсда касаллик аломатлари кўринмайди. Лекин бир қанча вақт – баъзида узок, баъзида қисқа бўлиши мумкин – ўтганидан кейин шахс юқтирган

касаллик ёки микробнинг турига қараб, унинг танасида яширинган касаллик аломатлари кўринади. Масалан, гриппнинг инкубацион даври бир ёки икки кун бўлса, гепатит вирусиники олти ойгача чўзилади. Сил касали микроби эса, танада бир неча йиллар ҳаракатсиз яшириниб ётади.

Лекин у мана шу даврдан кейин зудлик билан танада кучайиб кетади. Энди ўйлаб кўринг, бу нарсани Муҳаммад ﷺ га ким ўргатди? Ким бу ҳақиқатларни у кишига етказди? Холбуки, у киши ўқиш ва ёзишни билмайдиган омиё бўлган бўлса. Ҳа, у барча илм ва маърифатларни ортда қолдирган илоҳий ваҳий эди. Токи, ушбу дин барча замон ва маконлардаги инсонларга гувоҳ бўлсин ва у туфайли бутун дунёга ҳужжат қоим бўлсин ҳамда ҳалок бўлганлар ҳам далил билан ҳалок бўлсин, тирик қолганлар ҳам далил билан яшасин.

﴿أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ﴾

*«(Ахир) яратган зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир»* [Мулк 14] □



## КОРОНАВИРУСНИ БАҲОНА ҚИЛИБ, РАМАЗОН ОЙИДА ИБОДАТЛАРНИ ТЎХТАТИШМОҚЧИ

Бу йил рамазон ойи биз кутиб олишга ўрганиб қолган тарзда келмади. Шунинг учун мусулмонлар ушбу яхшилик ойида ўзларининг яхшилик устида туришларини хоҳламайдиган кишиларнинг жорий қилмоқчи бўлишаётган аламли вазиятлардан огоҳ бўлишлари лозим. Чунки бундай кишилар рамазонда одат бўлиб қолган ибодат йўналишини ўзгартиришни исташмоқда. Яъни, бу ой оммавий жамойй ибодатлардан холи бўлишини исташмоқда. Шунинг учун диний ишлар вазирликлари олдинроқ турли мусулмон юртлардаги ҳукуматлар буйруғи билан масжидларни ёпиш ҳамда жума ва жамоат намозларини ман қилиш ҳақида фатво беришган эди. Бугун эса, тарових намозларини тақиқлаш борасида консерваланган фатволар беришмоқда. Чунки бу намозларда одамлар кўпайиб, масжидларга сиғмай, намозхонлар сафи ташқарига чиқиб кетар ва йўлларни тўсиб қўяр эди. Бу фатволар асосида яна масжидларда эътикоф ўтириш ва оммавий ифторлик маросимларини ўтказиш ман қилинмоқда. Шунингдек, рамазонда умра ибодатини бажариш ман қилинмоқда. Росулulloҳ ﷺнинг:

«فَإِنَّ عُمْرَةَ فِيهِ تَعْدِلُ حَجَّةً مَعِيَ»

**«Албатта рамазондаги умранинг савоби мен билан ҳаж қилган кишининг савобига тенг»**, деган ҳадисига кўра, мусулмонлар унга қаттиқ берилганидан умрачилар сони ҳожилар сонидан ортиб кетаётган эди. Бундан ҳам даҳшатлиси рўзанинг фарзлиги борасида далил қидириш бўйича аҳмоқона хабар тарқалган. Яъни, коронавирус сабабли рўза тутмаслик жоизми, чунки жонни сақлаш ибодатдан устун-ку деган маънода рўзани тутиш ёки тутмаслик ҳақида турли гаплар тарқалмоқда.

Мусулмонларга яхшиликни истамаётганлар шу йўл билан рамазоннинг жамойй ибодат сифатини кетказишни хоҳлашмоқда. Шунингдек, одамлар унинг ўрнига уйда қолиш билан кифояланишлари, аҳмоқона сериаллар билан овора бўлишлари ҳамда турли актёр ва актрисаларни ушбу ойнинг юлдузлари сифатида қабул қилишларини хоҳлашмоқда. Бу тақиқ ва қайтарувлар давлат томонидан чиқарилиб, уларга мажбурийлик сифати берилмоқда... Мусулмонларнинг ишларини бошқараётган ҳамда тақиқ ва ман қилиш борасида буйруқ бераётганлар доим Аллоҳнинг шариатига тескари юрадилар. Коронавирус тарқалиши эса, гўё улар мана шу қарорларни чиқариш учун кутаётган фурсат бўлиб қолди. Зеро, мусулмонларнинг бирлигини кўрсатадиган ҳар

қандай кўриниш уларга уйқу бермаётган эди. Улар мусулмонларга қарши амалга оширмоқчи бўлаётган ишлари фош бўлиб қолмаслиги учун бу ишларга нисбатан ҳеч нарса қилиша олмаётган эди. Улар ҳар йили рамазондан олдин ой чиқиш ўйинини ўйнашади. Токи, мусулмонлар бир кунда рўза тутиб, бир кунда ҳайит байрами қилмасинлар... Албатта биз мусулмонларга шуни эслатамизки, сизларнинг динингиз шахслар дини эмас, Уммат динидир, ихтилоф дини эмас, яхлитлик динидир. Шунингдек, давлат, дастур ва қонунлар динидир, шунинг учун уни ибодат ва ахлоққа чеклаб бўлмайди... Мусулмонлар ўз ҳукмдорларини бўри экани ва қаёққа йўналмасинлар яхшилик олиб келмасликларини англашлари лозим. Рошид халифа Умар ибн Хаттоб даврида ҳам вирус тарқалган. Лекин Умар ва кибор саҳобалар карантин масаласида шаръий ҳукмларга боғланган ва имондан келиб чиққан ҳолда иш тутишган. Бу иш уларни турли ибодатлар, шу жумладан жиҳодни шаръий ҳукмларга мос тарзда бажаришларига тўсқинлик қилмаган.

Шунинг учун мусулмонлар касалликдан эҳтиёт бўлган ва ибодатларни тўхтатмаган ҳолда ишларни ўз қўлларига олишлари лозим. Агар касаллик туфайли қандайдир заруратлар адо этилиши лозим бўлса, ҳар бир зарурат ўз миқдорича амалга оширилиши лозим. Бу ишда на оммавий карантин ва на оммавий эркинлик жорий қилиб бўлмайди. Шунингдек, унда расмий сарой уламолари эмас, балки Раббоний уламолар роли муҳимдир... □

## ГЛОБАЛ ВИРУС КРИЗИСИ: ҒАРБ ИСЛОМ ТАЪЛИМОТЛАРИНИНГ МУМТОЗЛИГИГА ЭЪТИБОРНИ ҚАРАТМОҚДА

Америкалик тадқиқотчи Крейга Консидиан Newsweek журнали 2020 йил 21 мартда нашр қилган, сўнг ундан олиб Alkhaleej Online нашр қилган мақоласида иммунолог Энтони Фосси ва тиббиёт мухбири Санжай Гуптиларнинг қўйидаги сўзини келтиради: «Юқумли касалликларни олдини олиш мақсадида гигиена ва карантинга ёки ижтимоий масофага риоя қилиш янги пайдо бўлган коронавирус вабосини тўхтатиб қолиш учун энг самарали чорадир». Тадқиқотчи: «Вабо тарқалган пайтда гигиенага ва карантинга риоя қилишни ким тавсия қилганини биласизми?» – дея савол ташлайди ва унинг ўзи: «У 1400 йил олдинги Ислом пайғамбари Муҳаммаддир» – деб жавоб қилади. Мақола муаллифи: «Ислом пайғамбари ўлдирувчи касалликларга алоқадор масалалар бўйича анъанавий эксперт бўлмаса-да, янги пайдо бўлган коронавирусга ўхшаган ваболарни олдини олиш ва унинг ривожланишига қарши курашиш учун яхши маслаҳатларни берган» – деб фикр билдиради. У – Муҳаммад юқумли касалликларга чалинганларни соғломлардан ажратишни тавсия қилган ва одамларни касаллик юқишидан ҳимоя қиладиган кундалик одатий гигиенага риоя қилишга ундаган, дейди ва гигиенага алоқадор қўйидаги ҳадисларни келтиради: (Ҳадислар матни айна ўзи эмас, балки, мақола муаллифи айтган сўзлар таржимасидир). «Муҳаммад айтади: Агар қайси жойда ўлат тарқалганини эшитсангизлар, у ерга кирманглар. Агар сизлар бўлган жойда ўлат тарқалса, у жойни тарк этманглар». Яна айтади: «Юқумли касалликка чалинганлар бошқа соғлом кишилардан узоқда қолдирилиши керак».

У – пайғамбар Муҳаммад касалликка чалинганларни даво излашга ундайди, деб сўзини давом эттиради ва бунга ҳадис шарифдан далил келтиради: (Бу ерда ҳам ҳадис матни айна ўзи эмас) «Араблар: Эй Росулulloҳ, даволанмайликми?, деб сўрашди. Муҳаммад: Ҳа, эй Аллоҳнинг бандалари даволанинглар, Аллоҳ бир касалликни яратган бўлса унинг давосини ҳам яратди, фақат бир касаллик бундан мустасно, деди. Улар: у қандай касаллик?, деб сўрашди. У: қарилик, деб жавоб берди». Мақола муаллифи: Ислом пайғамбари имон билан ақл ўртасини мувозанатга келтиришда доно бўлган, дейди. Мақолада яна шундай келади: «Ўша пайтда Вабо тарқалган жойга одамларнинг киришини тақиқлаш тушунарли бўлган бўлиши мумкин. Бироқ, соғлом кишининг вабо тарқалган ердан чиқишини тақиқлаш тушунарли бўлмаган. Зеро, микроб ташувчининг касал бўлмаслиги ҳам ёки унда касаллик аломатлар кўринган бўлиши ҳам мумкинлиги тиббиёт илмларини ривожланган сўнгги асрлардагина маълум бўлди.

**Ал-Ваъй:** Сўнгги пайтларда, бугунги кунда юз бераётган ҳар қандай глобал кризиснинг ечими Исломда мавжуд эканлиги тўғрисида халқаро миқёсда жамойи онг пайдо бўла бошлади. Масалан, 2008 йили юз берган глобал молиявий кризисда ғарблик мутахассис тадқиқотчилар исломий молиявий низомнинг бундай молиявий кризислар юз беришига бошидаёқ йўл қўймаслигини ва унинг ечимга эга эканини айтишди. Уларнинг айримлари «Уолл Стрит»ни исломлаштиришга чақирди. Мана, глобал коронавирус кризиси дунёнинг турли давлатлари, шу жумладан Америка ва Европа расмийларини ечим қилишда тусмолаб қадам ташлашга мажбур қилди. Бу эса, вируснинг тарқалишига ва ўлим ҳолатларининг кўпайишига олиб келди. Шунингдек, у баъзи мусулмон бўлмаган кишиларни Ислом ва Пайғамбар ﷺ таълимотларига эътибор қаратишга ундади. Бу эса, бутун дунёнинг ўз кризисларини ҳал қилиш учун Исломга жуда муҳтож эканлигини тасдиқлайди ва Исломнинг мумтозлигига эътиборни тортади. Бу ҳолат стратегик таҳлилчилар глобал ўзгариш даври, деб ҳисоблаган ушбу тарихий даврда кўзга ташланмоқда. □

## ЭКСПЕРТЛАР: КРИЗИСДАН СЎНГ ДУНЁ ОЛДИНГИ ҲОЛАТИДА ҚОЛМАЙДИ

«Foreign policu» журнали дунёдаги бир қатор экспертларнинг корона эпидемиясидан кейин дунёга таъсир қилиши мумкин бўлган ўзгаришлар ҳақидаги фикрларини ўрганиб чиқиб, корона эпидемиясидан кейин дунё қай даражада ўзгариши мумкинлиги ҳақидаги энг муҳим тахминларни келтиради.

Бу ҳақда фикр билдирган экспертлар:

– Собиқ АҚШ дипломати Ричард Гааз. Унга кўра, аксар ҳукуматлар ўзини ичкарига тортади, ўзини ўзи таъминлаш йўллариини излайди ва иммиграцияга қарши бўлади. Айни пайтда омадсиз давлатлар янада муваффақиятсизликка учрайди. Америка-Хитой муносабатлари ҳақида, кризис кўшимча кризисларни пайдо қилишини ва у Европа интеграциясига таъсир этишини, айтади.

– «АҚШ дипломати Николас Бернс бундай дейди: Кризиснинг иқтисодий оқибатлари 2008 йилги молиявий кризис оқибатларидан ошиб кетиши ҳамда биз билган дунё тизимини ва кучлар мувозанатини бутунлай ўзгартириши мумкин... Агар Европа Иттифоқи ўзининг 500 миллион фуқаросини ҳимоя қила олмаса, миллий ҳукуматлар Брюсселдан кўп салоҳиятларни қайтариб олади».

– Академик ва собиқ Сингапур ташқи ишлар вазири Кишор Махбубани бундай дейди: Корона эпидемияси Америка атрофида марказлашган глобаллашувни Хитой атрофида марказлашган глобаллашувга айлантиради. У яна бундай дейди: «Америка халқи глобаллашувга ва халқаро тижоратга – бу Трамп билан бирга ёки унинг иштирокисиз бўлишидан қатъий назар – ишончини йўқотди. Айни пайтда Хитой халқи бундай эмас. Билишимча, Хитой ғалаба қозонди».

– Америкалик генерал, Брукингс институти директори Жон Алленга кўра, кризис глобал қувват тузилишини тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада қайта шакллантиради. Вирус иқтисодий фаолиятга босим қилишни давом эттиради ва давлатлар ўртасидаги кескинликни кучайтиради. Эпидемия келажакда глобал иқтисодиётнинг ишлаб чиқариши салоҳиятини пасайтиради.

– Принстон университети сиёсий фанлар профессори Жон Айкенберрининг фикрича, кризис қисқа вақт ичида миллатчиларга, глобаллашувга қарши курашувчиларга ва Фарб дунёсидаги Хитой душманларига туртки беради. Шунингдек, ижтимоий бузилишларга ҳам туртки бўлади. Кун сайин аниқ бўлиб бораётган иқтисодий чиқимлар ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаги молиявий кризисдан кейин юз берган ҳолатга ўхшаб қолиши ҳам мумкин. Айкенберри дунё «янги тизимни барпо қилишга қараб бурилиши мумкин»лигига эътиборни тортади.

– Ҳиндистон миллий хавфсизлик кенгаши собиқ маслахатчиси дипломат Шившанкар Менонга кўра, сиёсатлар – давлат ичкарисида бўладими ёки давлатлар ўртасида бўладими ҳеч бир фарқсиз – ўзгаради. У – халқаро миқёсда ноаниқ тенденция мавжудлигини айтади.

– Америкалик сиёсатчи академик Стивен Уолтнинг айтишича, Хитой ўз хатоларини англаб етганидан кейин ҳамда Европа ва Америка таваккалига қадам ташлаётган бир пайтда янги пайдо бўлган вирус қувват ва таъсирни глобал миқёсда фардан шарқ томонга кўчиради.

**Ал-Ваъй:** Халқаро тадқиқотчи экспертлар коронавирус натижасида халқаро тизимнинг ўзгариши ҳақида деярли бир хил фикрда. Лекин, унинг шакли қандай бўлиши тўғрисида уларда ноаниқлик бор... Биз айтамызки, янги халқаро тизим, фақат Росулulloҳ ﷺ

«ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مَنَاجِ النَّبِيِّ».

«Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади», дея башорат қилганларидек бўлади. □